




АГРОБИЗНЕС ЖУРНАЛИ

№23, Январь 2023

# ShirinMeva



**Бахтиёр КАМАЛОВ:**  
“Инвестиция  
лойиҳаларининг  
натижаси бўлиши  
шарт”



## "Shivaki Frigo Cool" mehnatlaringiz mevasini mukammal saqlaydi!



Ehtiyojlariningizga ko'ra biz quyidagilarni taklif qilamiz:

1. Sabzavot, mevalar, pishloq va kolbasalarni sovutish uchun COLD seriyasidagi monoblokli sovutgich:  
  - sovutish kamerasining uzunligi 6 va 12 metr;
  - xona harorati 0° C dan -5° C gacha.
2. Barcha turdag'i go'sht mahsulotlari, shuningdek parranda va baliqlarni muzlatish uchun "FROST" seriyasidagi monoblokli sovutgich:  
  - sovutish kamerasining uzunligi 6 va 12 metr;
  - xona harorati -25°C.

"Shivaki Frigo Cool" monoblokli sovutgichlarining afzalliklari:

- xalqaro sifat standartlariga muvofiqligi;
- mahsulotlarni sovutish/muzlatishning yuqori darajasi;
- muzdan tushirmsandan uzoqroq vaqt sovutish;
- sovutgich xonasi sig'limining optimal darajasi;
- energiyaning tejamkor iste'moli;
- konteynerlarning oson yig'ilishi va o'rnatalishi;
- to'liq avtomatik ish tartibi;
- sovutgichning ishlashini dasturlash imkoniyati;
- xizmat ko'rsatish servisi.



# ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗАМИЗ

Тадқиқотларга кўра, Финляндия китобхонлик бўйича 32 илфор мамлакат орасида биринчи, математика бўйича (Гонгконг, Япония, Жанубий Корея ва Янги Зеландиядан кейин) бешинчи ва табиий фанлар бўйича (Жанубий Корея, Япония ва Гонгконгдан кейин) тўртингчи ўринда турар экан. Агарар хўжалиги тараққий этган шимолий мамлакатлардан ҳисобланган Финляндияга журнализмизнинг 23-сонини бағишладик.

Худудининг атиги 8 фоизини қишлоқ хўжалигига тегишли ерлар эгаллайдиган бу мамлакат Европа Иттифоқининг иқтисодий ривожланган давлатларидан. Финляндия сиёсий барқарорлиги, иқтисодиётининг шаффофлиги, ривожланган инфратузилмаси, бизнес юритиш учун қулай мұхитива, албатта, ахолининг юқори саводхонлик даражаси билан ажралиб туради. Буларнинг барчасига мамлакат атиги ярим асрда эришган экан.

1990-йилларда Финляндия ҳатто ЯИМнинг 67 фоизини ташкил этган катта миқдордаги ташқи қарзини 2006 йилда сезиларли даражада камайтиришга муваффақ бўлган. 2022 йилнинг иккинчи чорагида финларнинг ўртача ойлик маоши деярли 4000 АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакат иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эса ички талаб ва хусусий сектор тан олинади.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг мазкур ривожланган давлат билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўяётгани, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштириш бўйича амалий чоралар кўраётгани қувонарлидир. Финляндия ҳатто Орол денгизи ҳудудидаги экологик вазиятни юмшатиш, жумладан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шерикли Траст фонди орқали Ўзбекистонга фаол ёрдам кўрсатишга тайёрлиги дикъатга сазовор.

Конструктив мулоқотни биз кўпроқ таълим соҳасида ҳис қиляпмиз. Давлатимиз раҳбари "Финляндия халқ таълими Европа миқёсида ва умуман дунёда рақобатбардош...", дея эътироф этди. Мамлакатимизда 2023 йилнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Шунинг учун хоҳ қишлоқ хўжалиги ёки маркетинг соҳаси бўладими, иқтисодиёт ёки мева-сабзавот етиштириш технологияларими, хуллас, финлардан ўрганадиганимиз бор экан. Келгуси сонда кўришгунча!

**Гўзал ПИРЖАНОВА-ШИРИНОВА,**  
 бош мұхаррир,  
 "Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги  
 бўйича техник кўмак" лойиҳаси



# ЛОЙИХА ИШТИРОКЧИЛАРИ



Funded by the  
European Union

Европа Иттифоқи



Халқаро тикланиш ва  
тараққиёт банки  
(Жаҳон банки таркибига киради)




Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги



Озиқ-овқат ва қишлоқ  
хўжалиги соҳасида  
стратегик ривожланиш  
ва тадқиқотлар халқаро  
маркази

## УШБУ СОНДА:



6

Ҳ. Ҳайдаров  
ФИНЛЯНДИЯ АГРОБИОГРАФИЯСИ



7

Ҳ. Ҳасанов  
ФИНЛЯНДИЯ ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИННИГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ



10

Ж. Ҳайдарова  
ФИНЛЯНДИЯ ЭКСПОРТИДА  
ҚАДОҚЛАШ УСУЛИ



13

Н. Каримова  
ФИНЛЯНДИЯНИНГ МЕВА-САБЗАВОТ  
МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ



19

Н. Нишонов, Х. Туропова  
ФЕРМЕРЛАРИ "СИФАТ" СҮЗИНИ АҶЛО  
ДАРАЖАДА ТУШУНАДИГАН МАМЛАКАТ



21

М. Нарзиев  
ФИНЛЯНДИЯ АГРОТУРИЗМИ



23

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛАРИНИНГ  
БЕРЛИН КОНФЕРЕНЦИЯСИ



26

Ҳ. Ҳайдаров  
ГЕРМАНИЯ МЕВА-САБЗАВОТ БОЗОРИ:  
АВВАЛО – СИФАТ, КЕЙИН НАРХ



31

Н. Каримова  
Бахтиёр КАМАЛОВ: "ИНВЕСТИЦИЯ  
ЛОЙИХАЛАРИНИНГ АЛВАТА  
НАТИЖАСИ Бўлиши ШАРТ!"



34

Қ. Юнусов  
СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР  
МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ



37

М. Холмуродов, Б. Эшонқулов  
ХОРИЖИЙ ПИСТА  
НАВЛАРИ ПЛАНТАЦИЯЛАРИ



39

Ш. Аминов, Р. Ҳакимов  
ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНАДА  
ЕТИШТИРИШГА МОС БОДРИНГНИНГ  
ПАРТЕНОКАРПИК ДУРАГАЙЛАРИНИ  
ТАНЛАШ



42

**Ж. Раҳмонов**  
**МАРКАЗИЙ АЙЛАНМА СУФОРИШ ТИЗИМИ**  
 қандай қилиб Саудия Арабистони чўлини  
 қишлоқ хўжалиги ерига айлантириди?



50

**Г. Пиржанова, Н. Каримова**  
**МЕВАЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ**



59

**Ж. Ҳайдарова**  
**Лайло АБДУХОЛИКОВА: "СОҲАНИ**  
**ҚҮЙИДАН БОШЛАБ ЎРГАНГАНИМИЗ**  
**ИШИМИЗДА ҚЎЛ КЕЛДИ".**



66

**А. Тошматов**  
**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОТАСИ»НИНГ**  
**МЕРОСИ**



45

**О. Эгамбердиев**  
**ДЕҲҚОНЛАР САБЗАВОТЛАРНИ**  
**ЎFITЛАШДА НИМАЛАРГА АҲАМИЯТ**  
**БЕРИШИ КЕРАК?**



53

**Н. Халилов**  
**ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛМАЧИЛИК РИВОЖИ**



63

**Г. Пиржанова**  
**Андрей КУЧЕРУК: "ПАЛЛЕТ ИШЛАБ**  
**ЧИҚАРИШДА ҚАТЪИЙ ТАРТИБГА**  
**СОЛИНАДИГАН СТАНДАРТ ЗАРУР"**

#### Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак

Тошкент шаҳри,  
 Мирзо Улугбек тумани,  
 Ниёзбек йўли, 30-йй, 5-қават  
 Тел.: +998 78 120-11-21

Самарқанд шаҳри,  
 Бобур мирзо кўчаси, 9-йй  
 Тел.: +998 91 534-27-09

Бухоро шаҳри,  
 К. Муртазов кўчаси, 5-йй  
 Ҳамкор Бизнес Маркази,  
 2-қават, 16-офис  
 Тел.: +998 78 770-07-92

E-mail: info@shirinmeva.uz  
 Web-site: www.shirinmeva.uz

@shirinmeva

#### Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак

100043, Тошкент шаҳри,  
 Чилонзор тумани,  
 Муқимий кўчаси, 158-йй.  
 Тел.: +998 91 562-52-44

140100, Самарқанд шаҳри,  
 Беруний кўчаси, 144-Б уй  
 Тел.: +998 90 616-40-88

220100, Урганч шаҳри,  
 Й. Бобоқонов кўчаси, 17/2-йй  
 Тел.: +998 97 400-23-82

Web-site: [www.meva-sabzavot.uz](http://www.meva-sabzavot.uz)

@mevasabzavotchiliktexnologiyalar  
 @meva-sabzavot

#### ЛОЙИХА ИШТИРОКЧИЛАРИ



Annexure  
 Financial  
 Solutions Limited



Kleffmann Group



Sofreco Group



Global Advisors

"JURABEK PRINT" МЧЖда чоп этилди.  
 Манзил: Тошкент вилояти, Қиброй тумани,  
 Янгибод ҚФЙ, Катта-Су кўчаси.

**Муассис:**  
 «Annexure Financial Solutions UZB»  
 масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳрир ҳайъати:

Азиз ВОЙИТОВ  
 Шавкат ҲАМРАЕВ  
 Акрам ҲАЙИТОВ  
 Баҳодир ТОЖИЕВ  
 Алишер ШУКУРОВ  
 Баҳтиёр КАМАЛОВ  
 Азамат ГУЛЯМОВ  
 Дилшод НАЗИРОВ  
 Фирдавс ОЛИМОВ  
 Абдумалик РУСТАМОВ  
 Шерзод РАЖАМЕТОВ  
 Шуҳрат АБРОРОВ  
 Рафик ҲАКИМОВ  
 Махфурат АМАНОВА  
 Равза МАВЛЯНОВА  
 Ҳусан ҲАЙДАРОВ  
 Саодат ДЎСМУРАТОВА  
 Баҳтиёр ШЕРМАТОВ

#### Бош муҳаррир:

Гўзал ПИРЖАНОВА-ШИРИНОВА

**Маркетолог:**  
 Расул АБДУРАШИДОВ

**Таржимон:**  
 Саида АЛИМОВА

**Фотографлар:**  
 Пўлат ЮЛДАШЕВ  
 Улуғбек ҲОШИМОВ

**Дизайнерлар:**  
 Ироиложон ТУРҒУНОВ  
 Мавлуда САИДХОДЖАЕВА

**Веб дизайнер:**


Элёр МИРСАИДОВ

**Манзил:** 100000,  
 Ўзбекистон Республикаси,  
 Тошкент шаҳри,  
 Мирзо Улугбек тумани,  
 Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-йй.  
 Телефон: 78 120-11-21

Нашр Ўзбекистон Республикаси  
 Президенти Администрацияси  
 ҳузуридан Ахборот ва оммавий  
 коммуникациялар агентлиги  
 томонидан 2021 йил 5 апрелда  
 1169 рақами билан рўйхатга  
 олинган.




# Финляндия агробиографияси


**303 940** км<sup>2</sup>

Умумий ер майдони


**5 541 696**

Аҳолиси (2021)


**22 700** км<sup>2</sup>

Аграр ер майдони

**Аҳолиси (2021)**


Жами ишчилар сони



Аҳоли жон бошига ЯИМ

**53 982 \$**


Аграр соҳада банд қисми

**106 315 (3,78%)**


Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги ЯИМ

**2,38%**
**Экспорти/импорти (2021)**
**Мева**

 Экспорти  
**0,04** млрд \$

**Сабзавот**

 Экспорти  
**0,02** млрд \$

## Импорти

**0,59** млрд \$

## Импорти

**0,33** млрд \$

**Йирик савдо ҳамкорлари (2021)**
**Импортчи давлатлар**
**Экспортчи давлатлар**


Мева



Сабзавот



Мева



Сабзавот

Испания

Испания

Швеция

Швеция

Нидерландия

Нидерландия

Эстония

Италия

Италия

Швеция

Германия

Эстония

**Мева-сабзавотлар савдосида 2017-2021 йиллардаги ўзгариш (%)**

## Мева экспорти

**3%**


## Сабзавот экспорти

**11%**

## Мева импорти

**3%**

## Сабзавот импорти

**2%**
**Энг кўп сотиб олинадиган мева-сабзавотлар (2021)**
**Импорт**
**Экспорт**
**Мева**
**Сабзавот**
**Мева**
**Сабзавот**

**18%**

**30%**

**99%**

**35%**

**15%**

**23%**

**—**

**18%**

**13%**

**12%**

**—**

**7%**


Фойдаланилган манба:

[data.worldbank.org](http://data.worldbank.org), [www.intracen.org](http://www.intracen.org), [www.trademap.org](http://www.trademap.org), [www.statista.com](http://www.statista.com), [atlas.cid.harvard.edu](http://atlas.cid.harvard.edu), [unctadstat.unctad.org](http://unctadstat.unctad.org)

# ФИНЛЯНДИЯ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Финляндия ер майдони  $338\,400\text{ км}^2$ , аҳолиси сони 5 055 066 бўлган энг шимолий давлатлардан биридир. Мамлакатда 2 миллион гектар ҳайдаладиган ер мавжуд бўлиб, у жами ер майдонининг 8 фоизини ташкил этади. 70 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг асосий қисми 10 гектаргача майдонда фаолият юритади. Охирги пайтларда ер ҳудуди каттароқ фермер хўжаликлари сони кўпаймоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалиги аҳолининг сут, дон (жумладан, чорва учун), чорва ва парранда маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондиради. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисми импорт қилинади.

Мамлакатда иш самарадорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чорак аср муқаддам қишлоқ хўжалигида 300 мингдан ортиқроқ киши меҳнат қилган бўлса, бугун 80 мингга яқин киши банд, холос. Қолганишнитехника бажаради.

Финляндиянинг тупроқ-икълим шароити қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда анча муаммоли ҳисобланади. Энг шимолий ҳудудлардан бўлгани учун қиши жуда совуқ, вегетация даври ўта қисқа ва ботқоқли ери кўп. Шунинг учун фақат совуқча чидамли, қисқа вегетация даврига эга, тез-пишар экинларни етиштириш мумкин. Шунингдек, ботқоқликларнинг захини қочириб, дехқончилик қилиш учун 1 миллион гектардан ортиқроқ ергадренаж тизими ўрнатилган.

Фермерлар кўпроқ қулупнай, смородина, нўхат етиштириш билан шуғулланади. Кейинги йилларда черника, малина майдони ҳам сезиларли даражада кенгаймоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсу-

лотлари экспортининг асосий қисмини картошка ташкил этади.

Чорвачилик асосий йўналишлардан бири бўлгани учун ем-хашак экинлари қишлоқ хўжалигидаги ер майдонининг тўртдан уч қисмини ташкил этади. Асосан сули ва арпа етиштирилади. Сули асосан жанубий, арпа эса шимолий ҳудудларда экилади. Финляндияда йилига ўртacha 1,6 миллион тонна арпа ва 1 миллион тонна сули етиштирилади. Озиқ-овқат учун эса ғаллали экинлардан баҳорги буғдои ва жавдар экилади. Ғалла экинидан кейинги катта майдонларни картошка ( $624,4$  минг тонна) ва қанд лавлаги ( $421,5$  тонна) егаллайди.


ФАО маълумотига кўра, Финляндияда асосий қишлоқ хўжалиги экинлари майдони йилдан-йилга қисқариб бормоқда. 1990 йилда 1,36 миллион гектар ерда асосий қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилган бўлса, 2020 йилга келиб 303 514 гектарга қисқариб, 1,06 миллион гектарни ташкил

**Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг йиллар бўйича ўрганилиши  
(ФАО маълумоти асосида)**

Т/р	Экин гурухлари номи	Экин турлари сони, 2020 й.	Ер майдони, га				Жами майдонга нисбатан, %
			1990 й.	2000 й.	2010 й.	2020 й.	
1.	Донли	6	1 212 600	1 172 700	954 200	951 600	89,6
2.	Дуккакли	4	4 335	7 353	8 937	39 790	3,7
3.	Мойли	3	65 300	52 500	157 700	25 700	2,4
4.	Картошка	1	41 000	32 200	25 200	20 700	1,9
5.	Қанд лавлаги	1	31 600	32 200	14 600	11 000	1,0
6.	Резавор	6	3 937	7 909	6 152	7 080	0,7
7.	Сабзавот	14	6 032	7 948	6 349	5 450	0,5
8.	Мевали	3	750	506	710	720	0,1
<b>ЖАМИ:</b>		<b>38</b>	<b>1 365 554</b>	<b>1 313 316</b>	<b>1 173 848</b>	<b>1 062 040</b>	<b>100</b>
Экин турлари сони			26	31	33	38	

**1-жадвал.**

**Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг ўзгариши, %**



**2-жадвал.**

этган (1-жадвал). Асосан буғдой майдони қисқарган. Бунинг сабаби Финляндияда буғдой ҳосилдорлиги пастлиги, уни етишириш нисбатан қимматга тушишидир. Шу боис уни четдан импорт қилиш фойдалари ҳисобланади. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларига ажратилган ернинг деярли 90 фоизига ғалла экилади.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони қисқараётган бўлса-да, экин-

лар тури кўпайиб бормоқда. 1990 йилда асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан 26 хили етиширилган бўлса, бугунги кунда 38 тага етган. Мисол учун, олдин экилмаган мевали экинлардан – нок, резаворлардан – черника, сабзавотлардан – саримсоқпиёс (кўкат учун), булфори ва қалампир, спаржа каби экинлар кейинги йилларда етиширилмоқда.

Экин турлари майдонининг йиллар бўйича ўзгаришини фоизларда кўриб чиқадиган бўлсак (2-жадвал), қанд лавлаги майдони 2020 йилда 1990 йилдагига нисбатан 65 фоиз, мойли экинлар 61 фоиз ва картошка майдони тенг баробар қисқарганини кўриш мумкин. Дуккакли ва резавор етишириладиган майдонлар сезиларли миқдорда кенгаймоқда.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдони қисқариши билан бирга у ердан олинаётган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори ҳам камайган (3-жадвал). 1990 йилда 6,5 миллион тонна маҳсулот етиширилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 4,8 миллион тоннани ташкил этган, яъни 1,78 миллион тонна (26,8 фоиз)га камайган. Етиширилган жами маҳсулот миқдори бўйича донли экинлар (3 415,5 минг тонна) биринчи, картошка (624,4 минг тонна), қанд лавлаги (421,5 минг тонна) ва сабзавот (261,7 минг тонна) кейинги ўринларни эгаллаган.

Экинларнинг кечлишар, яъни узокроқ вегета-

### Асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган жами ҳосил (тонна)

Т/р	Экин гурухлари номи	Олинган жами ҳосил, т.				Жамига нисбатан фоиз
		1990 й.	2000 й.	2010 й.	2020 й.	
1.	Донли	4 296 400	4 102 900	2 991 748	3 415 550	70,2
2.	Картошка	881 400	785 200	659 100	624 400	12,8
3.	Қанд лавлаги	1 125 000	1 046 000	542 100	421 500	8,7
4.	Сабзавот	199 031	235 876	246 036	26 1750	5,4
5.	Дуккакли	15 301	18 226	16 646	85 240	1,8
6.	Мойли	117 000	70 900	178 500	31 520	0,6
7.	Резавор	14 092	15 806	12 466	18 190	0,4
8.	Мевали	7 000	2 749	4 272	7 360	0,2
	<b>Жами:</b>	<b>6 655 224</b>	<b>6 277 657</b>	<b>4 650 868</b>	<b>4 865 510</b>	<b>100</b>

3-жадвал.

### Экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги, т/га.



4-жадвал.

ция даврига эга навлари тезпишар (вегетация даври қисқа) навларга қараганда серҳосил бўлади. Финляндияда вегетация даври қисқа бўлгани сабабли фақат тезпишар навларни етишириш имкони бор. Бу ўз ўрнида экинлар ҳосилдорлигига таъсир қилаади. Замонавий дехқончилик усуулларидан фойдаланилса-да, ҳосилдорлик ўта юқори даражада эмас. Айниқса, мевали, донли, дуккакли ва резавор экинлардан олинадиган ҳосилдорлик кўп мамлакатлардагига нисбатан анча паст. Лекин йилдан-йилга дехқончиликдаги янги замонавий услубларни қўллаш, янги навларни экиш ҳисобига ҳосилдорлик ортиб бормоқда (4-жадвал). Сабзавот экинлари-

нинг ўртача ҳосилдорлиги 2020 йилда 1990 йилга нисбатан 45 фоизга ортиб, гектаридан ўртача 48 тоннани ташкил этган. Қанд лавлаги ҳосилдорлиги гектаридан 38 тоннани, картошканики эса 30 тоннани ташкил этмоқда.

Хуроса қилиб айтганда, Финляндияда қишлоқ хўжалиги асосан чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган бўлиб, донли экинлар ем-ҳашак учун катта майдонга экилса-да, бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларини ҳам ўз эҳтиёжига яраша етиширишга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун экин турлари сони ортиб, уларнинг серҳосил, тезпишар навлари етиширилмоқда. Сабзавот, резавор экинлар етиширишга катта аҳамият берилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Финляндия энг шимолий ҳудудларда жойлашган бўлса ҳам картошка, қанд лавлаги, сабзавот экинлари ҳосилдорлиги бўйича Ўзбекистондан анча олдинда. Республикамизда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил навларини яратиш бўйича селекцияни кучайтириш ва замонавий агротехника усууларини ишлаб чиқиши керак.

#### МАНБА:

1. e-finland.ru/travel/general/selskoe-hozyayistvo-finlyandii.html
2. <https://www.fao.org/home/en>

**Ҳамидулло ҲАСАНОВ,**  
 "Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак" лойиҳасининг маҳаллий эксперти



# ФИНЛЯНДИЯ ЭКСПОРТИДА ҚАДОҚЛАШ УСУЛИ

Шимолий Европада жойлашган Финляндиянинг экспортдаги улуши йилдан-йилга кўпаймоқда. Айниқса, Германия, Швеция, АҚШ, Россия, Хитой, Италия, Буюк Британия, Эстония, Бельгия каби давлатлар билан маҳсулот экспортидаги ҳамкорлиги бугунги кунда ушбу мамлакат ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот экспортида товарнинг қадоғи ва ўрами муҳим ўрин тутишини финляндиялик маҳсулот етиштирувчилар ва қайта ишловчилар яхши билади. Уларнинг фаолиятига назар солсангиз, кўзни қувнатувчи, бетакрор қадоқларнинг гувоҳи бўласиз.

Пишиб етилиш даражаси ва ҳолатига кўра, мева-сабзавот ташиш, юқлаш ва туширишга дош бериши керак. Бу борада уларни белгиланган жойга қониқарли ҳолатда етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа давлатлар қатори Финляндияда ҳам маҳсулотлар сотишда нав учун белгиланган сифат ва ишлов талабларига жавоб бермасликка йўл қўймайди.

Ҳар бир пакетнинг таркиби бир хил бўлиши керак. Уларда фақат келиб чиқиши, сифати ва ҳажми бир хил бўлган маҳсулот бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга, ҳар хил тур (нав)даги сотиладиган, ранги, маҳсулотларнинг аралашмаси, агар улар сифат жиҳатидан бир хил бўлса ва ҳар бир товар турига (навига), рангига нисбатан келиб чиқиши бўйича бир хил бўлса, қадоқланиши мумкин. Аралашмалар бўлса, ўлчамнинг бир хил бўлиши талаб қилинмайди. Пакет таркибидаги кўринадиган

қисм бутун пакет таркибига мос келиши керак.

Маҳсулот тўғри сақланишини таъминлайдиган тарзда қадоқланган бўлиши лозим. Пакет таркибида ишлатиладиган материаллар тоза ва сифатли бўлса, шунда маҳсулотга ташқи ёки ички зарар етмайди.

Материаллар, хусусан, қофоз ёки савдо хусусиятига эга ёрлиқлардан фойдаланишда зарарли бўлмаган сиёҳ ёки елимни кўллаш ёки ёрлиқларни ёпиштириш учун ишлатиш шарти билан йўл қўйилади. Маҳсулотга индивидуал ёпиштирилган стикерларни олиб ташлаш натижасида елимнинг кўринадиган изи қолмаслиги ва юзада нуқсонлар пайдо бўлмаслиги керак. Алоҳида мевани лазер билан белгилаш пўстлоқ ёки пулпа нуқсонларига олиб келмаслиги лозим.

**Қадоқланаётган партиялар таркибида бегона моддалар бўлмаслиги ва унинг таркиби ёрлиқда кўрсатилган хусусиятларга мос келиши керак. Тўғридан-тўғри қадоқлашга келсак, Европа Иттифоқида пластмассанинг айрим турлари аллақачон тақиқланган ёки чекланган.**



1-расм. Финляндия (Хельсинки)даги супермаркет. Кўкат, гулкарам ва оқ карамнинг қадоқланган кўриниши.



2-расм. Суратда Финляндия (Хельсинки) супермаркетидаги қуритилган мева ва ёнғоқларнинг қадоқланган ҳолати. Баъзи қадоқлар шаффофф бўлиб, таркиби ҳақида маълумот беради. Пакетлардан бир қисмининг оғзи кўп маротаба очиб-ёпиш имконини беради (зипплок).

Тақиқланган рўйхатга озиқ-овқат ва ичимликларни ташиб учун парчаланадиган пластмасса ва пинополискиради.

**2024 йилдан бошлаб Европа Иттифоқида шарбат ишлаб чиқарувчилар ҳажми З лимтрандам кам бўлган шиша идишлар қопқоқ билан бекитилиши ва улар очилганидан сўнг ҳам қопқоқ идишга бириккан ҳолда туриши кераклигини ҳисобга олиши лозим.**

Маҳсулотлар мамлакат тилида ёки мамлакат тилига яқин тилда этикеткаланиши керак. (Масалан, Норвегия учун швед ёки дания тилига рухсат берилади.) Ёрлик билан белгиланган ҳар бир пакетга аниқ, ўчирилмайдиган шрифт қўлланади. Бунда ёзувлар бир томонга гурухланган ва ташқи томондан кўринадиган бўлиши керак ҳамда қуйидаги маълумотларга эга бўлиши лозим.

Маҳсулотнинг тавсифи, агар таркиб ташқи томондан кўринмаса, маҳсулот номи, нав номи, савдо белгиси (TM) номи фақат нав номига қўшимча равишда кўрсатилиши мумкин. Агар маҳсулот ташқи томондан кўринмаса, маҳсулот тури ёки ранги ва пакетдаги ҳар бирининг миқдори кўрсатилиши керак.

Маҳсулотни танитувчи белгилар (идентификация белгилари), қадоқловчи ва жўнатувчи (экспорт қўлувчи)нинг номи ва манзили қайдэтилади.

Маҳсулотнинг келиб чиқиши, етиштирилган мамлакат ва у ўсадиган ҳудуд ёки миллий минтақавий ном келтирилади. Агар турли навлар турли келиб чиқадиган турларнинг аралашмаси бўлса, ҳар бири етиштирилган мамлакат номи тегишли нав номидан кейин кўрсатилади. Агар товар тури ёки ранги жиҳатдан аниқ фарқ қиласиган аралаш-



3-расм. Суратда Финляндиянинг K-Citymarket супермаркетида сабзавотларнинг ўрамдаги кўриниши. Қадоқлашда асосан пластик қутилар, тўрлар, полиэтилен плёнкалар ва сумкалардан фойдаланилади ёки маҳсулот қадоқланмасдан тақдим этилади. Ҳар бир маҳсулот (бодринг, булғори, карам) қадоқланиб, барралиги узоқ муддат сақланишига имконият яратилади ва ташки таъсирлардан химоя қилинади. Бу борада поддонларда картон яшиклардан фойдаланилади.

малар ҳар бир келиб чиқсан мамлакат номи товар тури ёки ранг номларидан кейин кўрсатилиди.

Товар хусусияти, нав, ўлчам (калибрлаш ҳолатида) ва маҳсулот турига оид бошқа хусусиятлар қайдэтимилиди.

Қадоқланмаган маҳсулотлар учун маълумотда маҳсулот миқдори, ушбу партиянинг идентификация рақами, ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили, сақлаш ва ташиб бўйича кўрсатмалар келтирилади. Кўшимча маълумотлар маҳсулот турига қараб фарқ қиласи ва навнинг номи, ўрим-йигим санаси, брикс даражаси бўлиши мумкин.

Қадоқлаш тўғрисидаги бошланғич маълумотлар контейнерда ёки унга қўшилган ҳужжатларда кўрсатилиши керак. Чакана қадоқлаш ёрлиғи истеъмолчиларга озиқ-овқат ҳақида маълумот бериш бўйича Европа Иттифоқи қоидаларига жавоб бериши лозим. Экспортда чакана товарнинг ўз маркази билан белгиланиши маҳсулотнинг озуқавий ва энергетик қуввати, 100 гр учун ёғ, тўйинган модда, углевод, оқсил, қанд ва туз миқдорини ўз ичига олиши лозим. Кўшимча маълумотлар ҳам жойлаштирилиши мумкин. Клейковина, витамин, минерал, аллергенларнинг таркиби (қайта ишланган маҳсулотлар учун), келиб чиқсан мамлакат шулар жумласидан.

Керакли маълумотлар минимал 1,2 мм шрифтда ёзилиши керак.

Европа Иттифоқидаги харидорларга тўғри озиқ-овқат танлови ҳақида энг яхши маълумот бе-

риш учун бир нечта ихтиёрий озиқ-овқат маҳсулотларини ёрлиқлаш схемалари ишлаб чиқилган. Умумий белгилаш схемаси Nutri-Score томонидан тан олинган. Ҳар қандай маҳсулотга "огоҳлантиради", "даволайди" ёки "даволашга қодир" деган сўзлар ёзилмайди ва бу Европа Иттифоқидаги ёрлиқда кўлланилмайди.

Маҳсулот сифати параметрлари унинг турига қараб белгиланади. Кўпгина мезонлар тармоқ стандартлари асосида ҳисобга олинади. Харидорлар, Европа савдо тармоқлари ўзларининг сифат стандартларини белгилайди. Қабул қилинган амалиётга қараб, маҳсулот нархи келишилган ўртача сифатга ёки сифат синфига қараб фарқланиши мумкин.

Дарҳақиқат, Финляндия экспорти маҳсулот қадоғи борасидаги муҳим иш талабига қаттиқ риоя этади. Шу боис ҳам мазкур тартиб-интизомга ҳамиша амал қиладиган мамлакатнинг ички ва ташки бозорларга чиқараётган маҳсулотларининг қадоғи асло эътиrozга сабаб бўлмайди.

**Жамила ҲАЙДАРОВА,**

"Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак" лойиҳаси журналисти



# ФИНЛЯНДИЯНИГ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ

Финляндия, Швеция, Норвегия, Россия билан чегарадош ва жанубда Болтиқ денгизига туташган давлатдир. 2020 йилда аҳоли сони 5,5 миллион кишини, аҳоли жон бошига ЯИМ эса 42,7 минг европни (Европада 9-урин) ташкил этди. Финляндияда ўртача ойлик иш ҳақи 3,6 минг европни, ишсизлик даражаси эса 6,4 фоизни ташкил этади. Мамлакат 2021 йилги барқарор ривожланиш индекси бўйича дунёнинг 165 мамлакати ичидаги 1-уринни эгаллади. У юқори даражадаги ижтимоий хавфсизлик, ҳуқуқий шаффофлик, хавфсизлик ва ривожланиш даражасига кўра Европанинг энг бой мамлакатлари етакчи ўнталигига киради.

Мамлакатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўртача аҳоли сони ҳар оиласга қарийб икки кишидан тўғри келади. Бир миллиондан ортиқ киши, яъни мамлакатнинг ҳар бешинчи одами ёлғиз яшайди. Мамлакат аҳолисининг истеъмол харажати таркибида озиқ-овқат маҳсулотларига чиқимлар 11 фоиздан бироз юқори кўрсаткични ташкил этади.

Финлар асосан сут ва тухум (барча озиқ-овқат харажатининг 17,7 фоизи), гўшт (17,1 фоиз), дон ва нон маҳсулотлари (15,1 фоиз)ни истеъмол қилади. Озиқ-овқат маҳсулотларига харажатнинг 10,1 фоизи сабзавот, 8,9 фоизи эса мева-чева учун сарфланади. Финляндияда озиқ-овқат соҳаси учта асосий чакана савдо тармоғига бўлинган. Улар мамлакат чакана савдосининг 90 фоиздан ортиғина ташкил қилади. Бу супермаркетлар кичик дўкон-

лардан тортиб йирик гипермаркетларгача турланади. Энг йирик чакана савдо тармоқлари кўпинча йирик шаҳарларнинг чеккасида жойлашган бўлса, шаҳар супермаркетлари анча чекланган танлов билан жудакичик бўлиши мумкин.

Мамлакатнинг майдони 338 450 квадрат км, шундан 8 фоизи қишлоқ хўжалигига тегишли ер. Икки миллион гектари ҳайдаладиган ер бўлиб, 20 минг гектардан ортиғи мева-сабзавот маҳсулотлари, жумладан, 386 гектари иссиқхоналар учун ажратилган.

2020 йилда мева-сабзавотчилик тармоғида 3 337 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, шундан 896 таси иссиқхона хўжалигига тўғри келади, 2016 йилдан бошлаб эса (1 143 та иссиқхона корхонаси) йил сайин камайиб бормоқда. Аксарият фермер



хўжаликлари 10 гектардан кам экин майдонига эга бўлган кичик фермер хўжаликлари дидир, аммо уларнинг кенгайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Сабзавотлардан очиқ далада маданийлаштирилган нўхат, карам (оқ, савой, қизил, хитой, гулкарам ва брокколи, колъраби ва бошқалар), сабзи, пиёз, лавлаги, шолғом, қовоқ, кабачки, бодринг, пастернак, бошқа сабзавотлар, салат, кўкатлар (исмалоқ, сельдерей, шивит, равоч, кашнич) ва ширин маккажўхори каби маҳсулотлар етиштирилади. Энг кўп ҳажм картошка (9,9 минг га), маданий нўхат (5,4 минг га), сабзи (1,7 минг га) ва пиёз (1,2 минг га) хиссасигат тўғри келади.

2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда сабзавот экиладиган майдонлар 21 фоизга кенгайган. Маданий нўхат (51 фоиз ёки 1,8 минг гектарга), шунингдек, пастернак, равоч, қовоқ ва бошқа экинлар экиладиган ерлар майдони ошди. Аксинча бодринг, порей пиёзи, кабачок, сельдерей, хитой карами, латук салати, лавлаги, шивит ва ширин маккажўхори маҳсулотлари етиштириладиган майдонлар ҳажмининг пасайиши кузатилди. Ширин маккажўхори ва брюссель карамидан ташқари, барча экинлар учун етиштириш динамикасига мутаносиб равишда майдон ҳажми ҳам ўзгарди. Финляндиянинг асосий сабзавот маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаши 24 фоиз (порей пиёзи)дан 88 фоизгача (бодринг ва корнишон).

Мамлакат статистикаси 672 гектар майдонда олма ва 50 гектарда бошқа мевали дарахтлар етиштирилаётганини кўрсатмоқда. 2015–2020 йиллардаги динамикада мевали экин майдони 2,7 фоиз ёки 19 гектарга (жумладан, 6 гектар олма майдони) ортган. Етиштириш ва мева ҳосилдорлиги динамикаси ҳам ижобий. Шу билан бирга, олма билан ўзини-ўзи таъминлаш даражаси ўсиш тенденциясига эгабўлсада, 13 фоиздан ошмайди.

Очиқ жойларда мева-сабзавот етиштиришга ажратилган барча майдоннинг 38 фоизини, яъни 7 минг гектардан ортиқ майдонни резавор мевалар ташкил этади. Ассортимент таркибига қулупнай (4,4 минг га), қора ва яшил смородина (1,7 минг га), шунингдек, қизил ва оқ смородина, малина, голубика, чаканда, крижовник, арония ва бошқалар киради.

Иссиқхоналарда помидор (иссиқхона майдонининг 44 фоизи), бодринг (24 фоиз), шунингдек, салатлар ва латук карами, булфори, пекин карами, сабзи, пиёз ва туваклардаги кўкатлар (салат, петрушка, шивит, райхон) (13 фоиз) каби маҳсулотлар етиштирилади. Резаворлар (қулупнай ва бошқалар)га иссиқхона майдонининг атиги 2,3 фоизи тўғри келади. Жами бўлиб иссиқхона майдони 2597

минг квадрат метрни ташкил этади. 2015–2020 йиллар оралиғидаги динамикада сабзавот учун иссиқхона майдонининг ҳажми латук карами, булфор қалампири ва петрушка майдонининг кенгайиши ҳисобига атиги 1,6 фоиз ёки 35 минг квадрат метрга ошган. Қолган сабзавот экинлари учун иссиқхона майдонининг 5 минг квадрат метрдан (хитой карами) 59 минг квадрат метргача (помидор) қисқариши кузатилди. Экин майдонининг йиллик кенгайиши кўкат ва резаворлар ҳиссасига тўғри келади.

**Финляндиянинг узоқ муддатли мақсади углерод чиқиндиларисиз жамиятни яратишидир. Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари мамлакат умумий чиқиндилари ҳажмининг тахминан 20 фоизини ташкил қиласди. Шу муносабат билан мамлакатда органик дехқончиликка катта эътибор қаратилмоқда.**

Шундай қилиб 2020 йилда сабзавот (1 399 га), резаворлар (770 га) ва олма (67 га) етиштиришга ажратилган ер майдонига органик усулда ишлов берилган. Маданий нўхат, бодринг, помидор, сабзи, пиёз ва оқ карам, резаворлардан эса қулупнай, смородина ва хўжафат экинлари органик усулда етиштирилади. Мамлакатда жами 198 та органик фермер хўжалиги рўйхатга олинган бўлиб, органик дехқончилик динамикаси йил сайн ортиб бормоқда. 2015–2020 йилларда сабзавот экиладиган майдонлар ҳажми 5,5 баробар, резаворлар экиладиган майдон ҳажми эса 1,4 баробар ортган.

## ИМПОРТ ПОТЕНЦИАЛИ

2020 йилда мамлакатга 310,2 миллион АҚШ доллари қийматида сабзавот, 575,6 миллион долларлик мева, резавор ва ёнғоқ импорт қилинган. Аҳоли жон бошига 56 долларлик сабзавот ва 104 долларлик мевалар олиб кирилган. Қуйидаги диаграммаларда келтирилганидек, помидор (23 фоиз) ва ширин гармдори (16 фоиз) импорт қилинадиган асосий сабзавотлар бўлса, банан (15 фоиз), олма ва узум (ҳар бири 9 фоиздан) эса энг кўп олиб келинадиган мевалар бўлган.

2015–2020 йиллардаги импорт динамикаси мева-сабзавот маҳсулотларининг турли тоифалари учун фарқ қиласди. Сабзавотлар бўйича энг катта ўсиш гулкарам ва брокколи (115,6 фоиз), спаржа (82,3 фоиз), ширин картошка (62,8 фоиз), исмалоқ (50 фоиз) импортида кузатилди. Таҳлил қилинаётган даврда юқори ўсиш динамикаси арзимас



Манба: TradeMap маълумотлари



Манба: TradeMap маълумотлари

ҳажмда (700 минг долларгача) – брюссель карами (93,4 фоиз), дуккаклилар (100 фоиз) ва цикорий (640 фоиз) импортида содир бўлган. Шунингдек, 2015 йилдан буён саримсоқ, пиёз, салат, помидор, сабзавот аралашмалари ва қуритилган пиёз импортида 20 фоиздан ортиқ қийматдаги ижобий динамика кузатилган. Бодринг ва корнишонлар, музлатилган картошка, маккажӯхори импорти ҳажмида қиймат жиҳатидан – 40 фоиздан ортиқ, салат, картошка, сабзи ва турп импортида эса – 10 фоиздан ортиқ пасайиш кузатилди.

2015–2020 йиллардаги мева импорти динамикасида қиймат бўйича клюква, черника ва бошқа резаворлар – 464 фоиз, хўжафат, маймунжон, тут – 267 фоиз, хурмо – 122,1 фоиз, гилос – 10 баравар, апельсин – 73 фоиз, гуава ва манго – 68 фоиз, киви – 64,8 фоиз, лимон ва лайм – 57,2 фоиз, тамарин (қобиқли кажу ёнғоги ва бошқа экзотик мевалар, жумладан, анор) – 53,5 фоиз, авокадо – 53 фоиз

ўсди. Қиймат жиҳатидан юқори ўсиш – Бразилия ёнғоги (19 баравар), ёнғоқ (97,4 фоиз), папайя (95,6 фоиз), қобиқсиз писта (56 фоиз), беҳи (4 баравар) маҳсулотлари импортида, лекин оз ҳажмда (85 дан 100 минг долларгача) кузатилган. Шунингдек, 2015 йилдан буён узум, музлатилган мева ва ёнғоқ, тарвуз, барра ва музлатилган қулупнай, шафтоли ва нектарин, хурмо, гилос, грейпфрут ҳамда қуритилган маҳсулотларнинг импортида 20 фоиздан ортиқ қийматдаги ижобий динамика кузатилди. Импортнинг қиймат жиҳатидан 20 фоиздан ортиқ, қисқариши ёнғоқ ва қуритилган мевалар, жумладан, ананас, туршак ва қуритилган олхўрини етказиб беришда содир бўлди. Шунингдек, импорт қилинадиган банан, музлатилган резаворлар, полиз экинлари, қуритилган узум, хурмо ва ўрикнинг қийматида 10 фоиздан ортиқ пасайиш кузатилди.

## ИМПОРТ ПРОГНОЗИ

2023 йилгача сабзавот\* импорти ҳажмининг қуйидагича ўзгариши прогноз қилинмоқда:

- помидор – қиймат жиҳатидан 7,3 фоиз ўсиш;
- бошли карам (жумладан, кале, колъраби ва бошқалар) – қиймат жиҳатидан 16 фоиз ўсиш;
- гулкарам ва брокколи – қиймат жиҳатидан 22,2 фоиз ва тоннаж бўйича 21,5 фоиз ўсиш;
- брюссель карами – қиймат жиҳатидан 18,9 фоиз ўсиш, лекин тоннаж бўйича 3 фоиз пасайиш;
- пиёз ва шалот пиёзи – қиймат жиҳатидан 53,3 фоиз ва тоннаж бўйича 39 фоиз ўсиш;
- порей пиёзи ва кўк пиёз – қиймат жиҳатидан 13 фоиз ўсиш, лекин тоннаж бўйича 19,6 фоиз пасайиш;
- бодринг – қиймат жиҳатидан 53,1 фоиз пасайиш;
- картошка – қиймат жиҳатидан 24,5 фоиз пасайиш.

\*2019–2020 йиллар учун картошка, бодринг, помидор, карам учун тоннаж бўйича маълумотлар мавжуд бўлмагани тоннаж бўйича прогноз қилиш имконини бермади.

2023 йилгача мева\* импорти ҳажмида қуйидаги ўзгаришлар кутилмоқда:

- узум – қиймат жиҳатидан 13 фоиз ўсиш;
- қовун – қиймат жиҳатидан 0,6 фоиз пасайиш;
- ўрик – қиймат жиҳатидан 16,2 фоиз ўсиш;
- хурмо – қиймат жиҳатидан 14,4 фоиз ва тоннаж бўйича 10 фоиз ўсиш;
- олма – қиймат жиҳатидан 2 фоиз пасайиш;
- шафтоли ва нектарин – қиймат жиҳатидан 9,5 фоиз ва тоннаж бўйича 2,8 фоиз ўсиш;



● гилос – қиймат жиҳатидан 46 фоиз ва тоннаж бўйича 13 фоиз ўсиш;

● қуритилган узум – қиймат жиҳатидан 15,1 фоиз пасайиш.

\* 2019-2020 йиллар учун узум, қовун, ўрик, олма ва қуритилган узум учун тоннаж бўйича маълумотлар мавжуд эмаслиги тоннаж бўйича прогноз қилишимконини бермади.

Манба:  $y = bx + a$  чизиқли формуласидан фойдаланган ҳолда TradeMap импорт маълумотларига асосланган прогноз. « $b$ » ва « $a$ » коэффициентларини ҳисоблаш учун даврлар бўйича импорт ҳажми ва даврлар сони ҳисобга олинади.

### МЕВА-САБЗАВОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР

2020 йилда Финляндияга сабзавот етказиб берувчи асосий давлатлар Испания (113,7 миллион АҚШ доллари қиймати билан умумий импортнинг 37 фоизи) ва Нидерландия (81,3 миллион доллар қиймати билан умумий импортнинг 26 фоизи) бўлган. Шунингдек, экспортчилар орасида Швеция ва Бельгия (ҳар бири 6 фоиздан), Франция (4 фоизи) ҳам бор.

2020 йилда Финляндияга мева етказиб берувчи асосий давлат Испания бўлиб, 127,4 миллион доллар қийматида мева, резавор ва ёнғоқлар экспорти 22 фоизни ташкил қилган. Асосий етказиб берувчилар орасида Нидерландия (9 фоиз), Италия (8 фоиз), ЖАР ва Коста-Рика (ҳар бири 7 фоиздан) бор эди.

1-жадвал. 2020 йилда Финляндияга асосий сабзавот етказиб берувчилар

Махсулот	Асосий етказиб берувчилар	Бошқа етказиб берувчилар	Етказиб берувчилар сони	Импорт концентрацияси
Гулкарар ва брокколи	66% Испания 16% Нидерландия 10% Италия	Швеция, Германия	8	97%
Брюссель карами	92% Нидерландия	Швеция, Буюк Британия	3	100%
Бошли карар, кале, колъраби ва бошқа турдаги карамалар	52% Испания 13% Венгрия 10% Швеция 10% Нидерландия	Италия, Польша, Шимолий Македония	14	90%
Картошка	44% Швеция 34% Дания	Италия, Нидерландия	12	91%
Порей пиёзи ва кўк пиёзи	84% Нидерландия	Италия, Германия	12	98%
Пиёз ва шалот пиёзи	60% Нидерландия 13% Германия 10% Янги Зеландия	Испания, Миср	16	93%
Бодринг ва корнишон	46% Испания 39% Нидерландия	Германия, Туркия, ЖАР	9	99%
Помидор	45% Испания 35% Нидерландия	Франция, Марокко	13	98%

Манба: TradeMap маълумотлари

2-жадвал. 2020 йилда Финляндияга асосий мева етказиб берувчилар

Махсулот	Асосий етказиб берувчилар	Бошқа етказиб берувчилар	Етказиб берувчилар сони	Импорт концентрацияси
Узум	44% ЖАР 19% Испания 11% Миср	Хиндистон, Бразилия, Греция	14	87%
Қовун	37% Бразилия 34% Испания 19% Нидерландия	Коста-Рика, Гондурас	13	99%
Олма	59% Италия 16% Польша	Чили, Франция, Нидерландия	16	94%
Ўрик	64% Испания 11% Италия	Франция, Нидерландия, Греция	9	94%
Гилос	42% Испания 21% Туркия 18% Греция	Нидерландия, Бельгия	12	93%
Хурмо	96% Испания	Нидерландия, Колумбия	7	100%
Шафтоли ва нектарин	85% Испания 11% Италия	ЖАР, Нидерландия	8	99%
Қуритилган узум	58% АҚШ 18% ЖАР	Туркия, Германия, Дания	16	94%

Манба: TradeMap маълумотлари

3-жадвал. 2021 йилда Финляндияга давлатлар бўйича ўртacha қўрсаткичдан юқори масофадан импорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари

Сабзавотлар	Мевалар/ёнғоқлар		
	Махсулот	Ўртacha масофа, км	Махсулот
<b>Финляндия</b>			
Қуритилган нўхат, ловия	6 000 ортиқ	Банан	10 000 ортиқ
Батат, бодринг, қуритилган пиёз	5 000 ортиқ	Қуритилган олхўри, макадамия, дуриан, киви	7 000 ортиқ
Саримсок, спаржа, нўхат	3 000 ортиқ	Авокадо, узум, қуритилган узум, кокос, қовун, манго, ананас	6 000 ортиқ

Манба: TradeMap маълумотлари

Финляндия ва Ўзбекистон пойтахтлари орасидаги масофа 4400 км.дан ортиқ, Швеция пойтахти билан – 4600 км, Норвегия пойтахти билан – 5473 км. Скандинавия мамлакатларига мавжуд логистика йўналишлари ҳаво транспортидан ташқари, автомобиль, темир йўл ва денгиз йўлларини ўз ичига олади. Денгиз орқали алоқа Болтиқбўйи мамлакатлари (Эстония, Литва ва Латвия) портлари орқали амалга оширилади. У ерга эса маҳсулотлар, ўз навбатида, темир йўл ёки автомобиль транспорти орқали етказилади. Ўзбекистондан муқобил йўналиш – Болтиқ денгизи орқали Санкт-Петербург/Виборг/Висоцк/Приморск/Уст-Луга портидан Финляндиянинг Котка портигача бўлган денгиз йўлидир.

Финляндияга юкларни ташиш Қозоғистон ва Россия чегаралари орқали амалга оширилади. Юк

**4-жадвал. 2020 йилда Финляндияда мева ва сабзавот импортининг мавсумийлиги, тонна %**

Махсулот номи	февр. 20	март 20	апр. 20	май 20	июнь 20	июль 20	авг. 20	сент. 20	окт. 20	ноя. 20	дек. 20	янв. 21
<b>Мевалар</b>												
Олма	9,4	11,8	9,2	10,5	7,3	6,6	6,5	5,8	6,5	8,3	9,3	8,8
Узум	7,0	11,3	9	5,6	6,4	7,2	8,1	8,7	8,5	10,9	11,9	5,3
Лимон ва лайм	7,3	8,6	13,4	8,7	8,6	9,9	6,8	6	7,3	7,3	8,8	7,5
Ўрик	0,9	1,6	0	17,3	32,4	24,7	7,2	13,4	0,3	0	0,3	1,9
Шафтоли ва нектарин	0,8	4,4	0,8	9,7	17,6	21,3	17,7	19,3	4,4	1,2	1,7	1,1
Қовун	8,0	9	7,1	5,3	8,8	14,1	10	7,4	9	8,4	6,4	6,5
Тарвуз	3,4	4,1	3,5	6,5	17	26,4	18,9	6,5	4,5	3,6	2,9	2,8
Гилос	0	0	0,1	1,3	34,4	54,7	8,1	1,4	0	0	0,1	0
Хурмо	17,6	0,1	0,6	1,8	0,1	0,1	0,1	0,3	6,8	18,7	37,1	16,8
Қулупнай	5,6	7,7	14,5	23,5	27,3	6,7	2,2	2,9	2,6	2,6	1,9	2,4
Клюква, черника ва б.	3,8	6,4	9,3	9,9	14,2	14,0	8,8	9,3	5,3	7,5	5,5	5,9
Хўяғат, маймунжон, тут ва бошқалар	8,8	7,9	8,2	11,9	12,8	5,8	5,5	7,7	8,7	9,1	6,6	7,2
Қуритилган узум	2,0	18,3	13,1	2,5	3,4	6,3	8,1	10,3	8,0	16,4	4,4	7,2
Тозаланган писта	11,9	11,4	8,4	6	4,2	9,1	7	7,3	8,3	13,7	1,6	11
Ёнғоқ (пўстлоги билан)	2,1	5,5	5,1	3	2,7	19,7	1,8	21,8	13,3	15,8	8,7	0,4
<b>Сабзавотлар</b>												
Помидор	9,8	9,6	8	8,6	7,4	6,7	7,6	9	7,2	8,2	9,5	8,3
Пиёз (шу жумладан, шалот пиёзи)	8,4	7,3	10,2	6,7	8,4	11,8	11	7,8	8,6	4,9	6,6	8,4
Картошка	1,3	0,7	5,7	6,3	19,9	11,7	9,9	18,1	7,5	11,4	3,4	3,9
Бошли карам (кале, колъраби ва бошқалар)	11,4	10,3	12,5	18,2	14,8	2,9	1,8	3,2	5,5	6,2	5,9	7,3
Сабзи ва шолғом	5,9	1,9	1,2	29,2	35,9	16,2	4,4	1,6	1,2	1,1	0,7	0,8
Гулкарам ва брокколи	14,6	10,8	10,5	8,4	9,7	4,4	1,1	2,5	6	9,5	11,3	11,2
Батат	7,8	8,9	8,3	9,9	6,9	5,1	5,9	5,7	10,4	10,4	13	7,7
Қовоқ	10,7	6,8	6,2	14,9	17,4	7,1	2,1	3,5	8,5	8,2	7,6	6,9
Бодринг ва корнишон	14,3	7,1	3,6	1,6	3	7,1	8,6	14,7	10,1	11,8	10	8,1
Брюссель карами	20,2	11,4	6,3	3,3	7,4	0,2	6,4	6,7	1,8	8,2	8,1	19,9
Цикорий	10,4	9,1	6,6	7,3	9,4	9,7	8,8	6,8	7,9	7,8	7,3	
Порей пиёзи, кўк пиёз ва бошқалар	10,4	12,1	11,1	11,2	8	8,1	4,6	3,9	3,2	6,7	9,1	11,6
Спаржа	2,5	6,8	24	35,4	19,4	5,8	2,1	1,3	0,6	0,9	0,5	0,6
Исмалоқ	8,6	10	8,9	6,9	7,2	6,4	6,1	7,7	13	8,1	10	7,1
Саримсоқ	7,9	9,2	11,9	7,6	7,6	7,6	7,9	8,2	7,4	8	8,7	8
Бақлажон	7,0	6,3	8,8	14,6	11,9	10,1	8,8	8	6,9	6	5,9	5,7

Манба: TradeMap маълумотлари




3-расм. 2021 йилда Фенноскандия мамлакатларидағи сабзавот импорти нархлари жаҳон ўртача даражасига ва Ўзбекистондан экспорт қилинадиган нарх даражасига таққосланганда, тонна/\$



Манба: TradeMap маълумотлари

4-расм. 2021 йилда Фенноскандия мамлакатларига мева, резаворлар ва ёнгоклар импорти нархлари ўртача жаҳон кўрсаткичлари ва Ўзбекистондан экспорт қилинадиган нархлар даражасига таққосланганда, тонна/\$



Манба: TradeMap маълумотлари

ташиш З кундан ортиқ давом этади (50 соатдан ортиқ); темир йўл транзити ҳам Россия ва Қозоғистон давлатлари орқали ўтади. Бу транспорт тури анча тежамкор, лекин узоқроқ. Финляндия темир йўл тармоғи давлат компанияси томонидан бошқарилади.

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистоннинг Финляндияга нисбатан савдо баланси салбий сальдога эга. 2021 йилда Ўзбекистон Финляндиядан 56,7 миллион АҚШ доллари қийматида (қоғоз ва картон, машина ва механик асборлар, кимёвий маҳсулотлар, транспорт воситалари, пластмасса ва бошқалар) импорт қилди. Худди шу даврда Финляндия Ўзбекистондан 3,7 миллион долларлик маҳсулот импорт қилган. Шундан атиги 5 минг доллари сабзавот ҳиссасига тўғри келади, мева, резавор ва ёнғоқ импорт қилинмаган.

2015–2020 йилларда Ўзбекистондан фақат қутилган сабзавот ва сабзавот аралашмаси, мевалардан эса – данакли мевалар ва қутилган олма, майиз ва туршак мунтазам етказиб берилмаган.

## МЕВА-САБЗАВОТ ИМПОРТИНИНГ МАВСУМИЙЛИГИ

Финляндияда мева импорти мавсумийлинг фаол даври июнь-июль ва декабрь ойларига, сабзавотлар эса январь-апрель ва июнь ойларига тўғри келади. Финляндияга йил давомида сабзавот ва меваларнинг аксарияти (гилос ва ўрик бундан мустасно) импорт қилинади.

## СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИДА МЕВА-САБЗАВОТНИНГ НАРХИ

Норвегия, Швеция ва Финляндияга мева-сабзавотларни импорт қилиш нархи, маҳсулот тоифасига қараб, барча тоифалар бўйича жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 1,2-2 баравар юқори. Ўзбекистондан экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг нархи таҳлил қилинаётган барча тоифадаги маҳсулотлар бўйича жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан паст. Шунга кўра, Ўзбекистондан амалга оширилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт нархи мева-сабзавотларнинг барча тоифаси бўйича Фенноскандия мамлакатларидағи импорт нархидан анча паст: Норвегиядаги импорт нархига нисбатан 3 баравардан 11 бараваргача; Финляндия импорт нархлари билан солиштирганда – 2 баравардан 6 бараваргача; Швеция импорт нархига нисбатан 2 баравар кам. Фенноскандия мамлакатларидағи мева-сабзавот маҳсулотлари импорти нархлари, ўртача жаҳон кўрсаткичлари ва Ўзбекистондан бир хил тоифадаги маҳсулотларнинг экспорт нархи солиштирумаси 3-ва 4-расмларда батафсил кўрсатилган.

Шуниси эътиборга лойиқли, Норвегияга мева ва сабзавотларни импорт қилиш нархи Швеция ва Финляндиядаги мева-сабзавотларнинг аксарият тоифалари нархига нисбатан юқори. Гилос ва қутилган узум бундан мустасно – Финляндия мамлакати ушбу товарлар нархи бўйича етакчилик қилган.

### МАНБА:

<https://www.trademap.org/>

**Наргиза КАРИМОВА,**  
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик  
маркетинги бўйича техник кўмак”  
лойиҳаси журналисти



# ФЕРМЕРЛАРИ “СИФАТ” СЎЗИНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ТУШУНАДИГАН МАМЛАКАТ

Финляндияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий қисми кичик деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳам Финляндия ахолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. Ҳозирги вақтда Финляндияда 70 мингга яқин фермер хўжалиги мавжуд. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи кичик ва ўрта фермер хўжаликлари бўлиб, ҳар бирининг умумий ер майдони – кичик фермерларда 11 гектаргачани, ўртача фермер хўжаликлирида 50 гектарни, иирик фермер хўжаликлирида эса 76 гектарни ташкил этади.

Финляндиядаги ўрмонзор майдонининг 60 фоиздан ортиғи фермерларга тегишли. Уларнинг кўпчилиги дараҳт кесиш билан шуғулланади. Аксарият фермер хўжаликлирида дараҳт кесиш даромадлари фермер хўжалиги бюджетининг тўртдан бир қисмини ташкил қилади. Баъзиларида ярмигача, мамлакатнинг марказий ва шимолий қисмларида бюджети деярли бутунлай ўрмонга боғланган фермер хўжаликларини ташкил этади ва қишлоқ хўжалигининг ўзи асосий даромад ҳисобланади.

Чорвачилик юқори даражада ривожлангани сабабли экин майдонининг катта қисмida ем-хашак экинлари етиштирилади. Бугунги кунда ернинг деярли 75 фоизи ем-хашак экинларига ажратилган. Асосан сули, арпа ва маккажўхори экилади. Агар биринчи ҳосил фақат мамлакатнинг жанубий қисмida ўсадиган бўлса, иккинчи ҳосил мамлакатнинг шимолий ҳудуди – Лапландияда етиштирилади.

Финляндияда ҳар йили 1,6 миллион тонна арпа

ва 1 миллион тоннадан ортиқ маккажўхори йиғиб олинади. Экин майдонининг 10 фоизга яқини озиқовқат дони (жавдар ва буғдой) учун ажратилган. Бундан ташқари, баҳорги буғдой энг кенг тарқалган. Фалла ҳосилининг 65 фоизини буғдой, 30-33 фоизини жавдар ташкил этади. Мамлакатда йилига қарийб 750 минг тонна буғдой йиғиб олинади. Донли экинлардан ташқари 600 минг тонна картошка ва 1 миллион тонна қанд лавлаги етиштирилади.

Финляндия қишлоқ хўжалиги дон (жумладан, ем-хашак), мамлакатнинг сут маҳсулотлари, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради. Қишлоқ хўжалигига чорвачилик устунлик қиласи. У Финляндия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ишлаб чиқаришининг 80 фоизини ташкил қиласи. Шундан 48 фоизи сут экспортига тўғри келади. Мамлакатда қорамолнинг умумий сони 1,8 миллион бошни ташкил этиб, 800 мингга яқин соғин сигир боқиласи. Сигирларнинг иккита энг кенг тарқалган

зоти бор: Финляндия ва Айршир. Иккаласи ҳам юқори маҳсулдорлиги ва сутининг ёғлилиги билан ажралиб туради.

Ўз маҳсулотларини сотиш учун финляндиялик фермерлар маркетинг кооперативларини тузади. Миллий компания даражасига кўтаришган бундай кооперативнинг одатий намунаси "Valio" бўлиб, бугунги кунда унинг йиллик пул айланмаси бир ярим миллиард еврони ташкил этади. "Valio" мингдан ортиқ турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Финляндияда етиштирилган барча сутнинг 80 фоизини қайта ишлайди.

Алоҳида жиҳати шундаки, компания ташкил этилган пайтда 17 та фермер хўжалигини бирлаштирган кичик кооператив эди. Ҳозирги кунда эса 13 мингдан ортиқ фермерни бирлаштирган. Мамлакатда 1,3 миллион бош чўчқа боқилади. 3,4 минг чўчқачилик фермасида йилига 200 минг тоннадан ортиқ чўчқа гўшти етиштирилади. Шундан 40 минг тоннаси экспорт қилинади. Шу билан бирга, йилига 5 минг тоннагача қўзичноқ гўшти, 3 минг тонна кийик гўшти тайёрланади. 7 мингдан ортиқ киши буғу боқиш билан шуғулланади. Буғуларнинг умумий сони 200 минг бошни ташкил қиласиди.

Финляндияда мол гўшти жуда кам етиштирилади – йилига 90 минг тоннага яқин, аммо ҳақиқий эҳтиёж 100 минг тоннадан сал кўпроқ. Мамлакатда 4 минг 600 фермер хўжалигига мол гўшти етиштириш йўлга қўйилган. Финляндия фермаларида қорамол ва чўчқалар сонини ҳисобга олиш учун компьютер кузатув тизими қўлланилади. Унинг оддий шахсий компьютер кўринишидаги терминаллари ҳар бир йирик фермер хўжалигига мавжуд. Фермердан ҳар куни ўз подаси сони ҳақида маълумот киритиш талаб қилинади. Бунинг натижасида бутун мамлакат бўйлаб ҳайвонлар сонининг ўзгаришини жуда аниқ кузатиш мумкин.

**2002 йилда Европа Иттифоқига қўшилиши ва кейинчалик чегараларининг чет эл товарлари учун очилиши бугунги Финляндия қишлоқ хўжалигининг ривожланишида катта роль ўйнади. Бу финляндиялик дехқонларинг қўшни мамлакатлардаги ҳамкаслари билан рақобатлашини талаб этади. Бундай рақобат охир-оқибат финларни ўз маҳсулоти сифатига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга олиб келди. Финляндия фермерлари "сифат" сўзини таъм, ранг ва ҳатто қадоқлаш деб тушунишади.**

Бугунги кунда Финляндияда кўп мева-сабзавот ва резаворлар иссиқхоналарда етиштирилади. Финлар ўз маҳсулотининг табиийлигига эътибор қаратишади. Масалан, минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича чеклов мавжуд. Чорванинг қўралари мунтазам тозаланади ва яхши вентиляция қилинади. Молхоналарга фақат маҳсус халат ва бир марта ишлатиладиган пойабзал қопламаларини кийиб кириш талаб этилади. Бундан ташқари, ҳар бир ҳайвоннинг озиқ, рациони ҳисоблаб чиқилади. Масалан, 30 кг.дан 100 кг.гача бўлган чўчқа ҳар куни 1,13 кг вазн олиши керак, деб ҳисобланади.

Барча ҳайвонларнинг ёш ва взн гуруҳлари учун ҳисоб-китоб жадваллари мавжуд. Ҳар бир сигирнинг биометрик паспорти ва навигатори бор. Қоидага кўра, фермада камидабитта ишлайдиган от бўлади. Финляндияда ишчи отлардан ташқари троттинг, йирик ва майда от зотлари боқилади. Чавандоз отлар от спортида, понилар ёш болаларга минишни ўргатиш учун ишлатилади. Отчилик давлат субсидияси обьекти ҳисобланади.

Финляндияда балиқчилик қишлоқ хўжалигига тегишли бўлиб, у қўйидаги рақамлар билан тавсифланади: ҳар йили мамлакатда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ овланади, улардан 15 фоизга яқини олабалиқ. Мамлакатнинг ғарбий қисмида мўйнали жониворлар фермалари ҳам мавжуд. Бу ерда ҳар йили З мингдан ортиқ норка териси олинади. Фермерлар баъзан ўрим-йиғим ва қишлоқ хўжалиги ишларида бир-бирига техника борасида ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Финляндия қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга эҳтиёжини деярли тўлиқ қондиради ва экспорт қиласиди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги мамлакат учун жуда муҳим соҳа ҳисобланади. Ҳозир ҳар бир фин йилига ўртacha 19 кг мол гўшти, 35 кг чўчқа гўшти, 200 литр сут, 9 кг парранда гўшти, 5 кг сариёф ва 15 кг пишлоқ истеъмол қиласиди. Бу кўрсатичлар сўнгги ўн йилликларда деярли ўзгармади.

#### МАНБА:

<https://www.mtk.fi/web/en/agriculture-and-forestry-in-finland>  
<https://guide.travel.ru/finland/202849.html>

**Норжигит НИШОНОВ,**  
"Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик  
маркетинги бўйича техник кўмак"  
лойиҳасининг ҳудудий иқтисодчиси



**Ҳусниобод ТУРОПОВА,**  
ТошДАУСФ магистранти



# ФИНЛЯНДИЯ АГРОТУРИЗМИ

Финляндия Европа экологик ва қишлоқ хўжалиги туризми маркази (European Center for Ecological and Agricultural Tourism – ECEAT) аъзоси сифатида барқарор агротуризм тармоғини қўллаб-қувватлаб, ривожлантириб келмоқда. Бунда органик ва биодинамик фермаларни кўпайтириш, экологик масъул В&В меҳмонхонаси ва меҳмон уйларини қўллаб-қувватлаш, табиат ва маҳаллий маданият обьектлари муҳофазасини тарғиб қилувчи бошқа турдаги тураржойларни ташкил қилиш асосий йўналишлар ҳисобланади.

Финляндияда агротуризм йўналишини ривожлантириш 2000-йиллардан бошланиб, 2001–2004 йилларда органик ва барқарор туризм миллий лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Қишлоқ сиёсати қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги томонидан молиялаштирилган. Финляндия органик дехқончилик уюшмаси эса унинг амалий бошқаруви учун масъул эди. Лойиҳа доирасида экологик, ижтимоий ва маданий жиҳатдан барқарор асосда фаолият юритувчи янги агротуризм корхоналари тармоғи барпо этилди.

Лойиҳа фаолиятини давом эттириш ва барқарор туризм тармоғини кенгайтириш мақсадида 2005 йилда Финляндия Европа экологик ва қишлоқ хўжалиги туризми марказига аъзо бўлган. Ушбу марказга аъзо фермерлар ўз хўжалигини органик дехқончилик тамойилларига мувофиқ олиб боради.

Ушбу фермалар туристларга хизмат кўрсатиша туризм хизматларининг экологик ва маданий барқарорлигига ҳам алоҳида эътибор беради.

Аъзо фермерлар бир қатор талабларга риоя қилиши шарт. Жумладан:

- органик ва экологик тоза дехқончиликни қўллаб-қувватлаш;
- сув ва электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- тўпланадиган чиқиндилар микдорини минималлаштириш;
- “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосланиб, қурилишишларини олиб бориш;
- сайёҳларни экологик ва маданий барқарорлик билан боғлиқ масалалардан хабардор қилиш;
- экологик тоза саёҳат ва жамоат транспор-



## Финляндия давлатининг туристик бренди

тинитарғиб қилиш;

- бой маданий меросни қадрлаш;
- маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва турдош соҳаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш;
- марказнинг сифат стандарти хавфсизлиги ва қулалиги билан боғлиқ мезонларга риоя қилиш.

Органик дехқончиликка асосланган фермаларда сайёхларга мева-сабзавотларни экиш учун ерни тайёрлаш, экиш жараёни, йиғим-терим, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган барча фаолият ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга, балиқ овлаш, фин саунасида чўмилиш, кўллар бўйида дам олиш, отда сайёр қилиш, ўрмонда қўзиқорин ва резавор мевалар териш каби ишлар билан ҳам танишиш мумкин.

Мамлакатда агротуризм ривожига хизмат қилувчи Финляндия қишлоқ туризми тадбиркорлари уюшмаси ҳам мавжуд бўлиб, у 1995 йили ташкил этилган. Ҳозир унга 180 та тадбир аъзо. Тадбиркорлар сайёхларга қишлоқ жойлар ва сой бўйида уй, коттек ва бошқа турар жойларни ижарага бериш, қишлоқ ҳаёти, туб аҳолининг урф-одати ва маданияти билан танишириш, вино заводлариiga саёҳат ҳамда бошқа агротуристик турларни ташкил этади. Ушбу уюшмага йиллик аъзолик бадали 210 евро бўлиб, уюшма тадбиркорларга қуйидаги афзалликларни тақдим этади:

- соҳада фаолият олиб борадиган бошқа тадбиркорлар билан тажриба алмашиб ва ҳамкорлик қилишдаги устунликлар;
- уюшмага аъзо қишлоқ туризми ва ушбу соҳадаги компаниялар манфаатини ҳимоя қилиш;
- уюшмага аъзоларининг тадбирларида иштирок этиш имконияти;
- уюшмага томонидан олиб бориладиган бозор тадқиқотлари, иқтисодий тахлиллар, прогнозлар ва бошқа бизнес учун муҳим бўлган маълумотлардан фойдаланиш;

● реклама, тадбиркор компаниясини турли онлайн тижорат сайтлари ва ижтимоий тармоқларга жойлаб, сотишнирагбатлантириш.

Географик жиҳатдан Финляндияни шартли равишда 4 та ҳудудга бўлиш мумкин. Уларга кўллар округи, архипелаг ва қирғоқ, мамлакат пойтахти Хельсинки шаҳри ва Лапландия киради.

Қиши мавсумида сайёҳлар асосан Лапландия вилояти маркази Рованиеми шаҳрига бориб, Санта Клаус қароргоҳи билан танишади. Ушбу масканга бориб ҳордиқ чиқариш учун 50 га яқин туристик компаниялар ўз хизматларини таклиф этади. Рованиемида Қорбобо билан танишув, унга мактуб ёзиш, совғалар олиш, буғу ва хаски зотдор итлари чангисида учиш, шимол ёғдусини кўриш, табиатни асрар ва қишлоқ хўжалиги неъматларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тарғиб қилинади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Финляндияда агротуризм "Табиатга қанча яқин бўлса – шунча яхши" тамоили асосида ривожлантирилиб, аксарият фермер хўжаликлари органик концепция асосида фаолият олиб боради. Мева-сабзавотларни етиширишда кимёвий моддалардан фойдаланиш бутунлай тақиқланган. Биодинамик фермер хўжалиги мақомини олиш учун фермер хўжалиги давлат экспертизасидан ўтказилади. Агротуризмдан кўзланган асосий мақсад қишлоқ ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш, қишлоқ тадбиркорлари ва аҳоли ўртасида алоқа ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, қишлоқлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро таълимни кучайтириш, агротуризмда хизматлар сифати мезонини ишлаб чиқиш, қишлоқ жойларда тадбиркорлик учун қулаги шароитлар яратиб, аҳоли бандлигини ошириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтиришdir.

### МАНБА:

1. Европа экологик ва Қишлоқ хўжалиги туризми маркази расмий веб-сайти маълумотлари: <http://www.eceat.org/>
2. Финляндия қишлоқ туризми тадбиркорлари уюшмаси расмий веб-сайти маълумотлари: <https://www.smmy.fi/in-english/>
3. Финляндиядаги Рованиеми шаҳри расмий веб-сайти маълумотлари: <https://www.visitrovaniemi.fi/ru/ljubov/santa-klaus/>

**Мирфайз НАРЗИЕВ,**  
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”  
ложиҳасининг маркетинг бўйича  
худудий мутахассиси



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛАРИНИНГ БЕРЛИН КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Берлинда 84-халқаро озиқ-овқат кўргазмаси –  
“Яшил ҳафталиқ –2023” ниҳоясига етди

Кўргазмада бутун дунёдан 1 700 дан ортиқ экспонентлар жаҳонда танилган хилма-хил маҳсулотларнинг 100 мингга яқин турини намойиш этди. Анжуманда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди. 240 квадрат метрли майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 60 дан ортиқ тадбиркорнинг миллий маҳсулотлари намойиш этилди. Жумладан, 227 турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари – барра ва қуритилган мева-сабзавотлар, қайта ишланган сут, гўшт, қандолат, ун маҳсулотлари, яхна ичимликлар ийғилганлар эътиборинитортди.

Кўргазма доирасида қишлоқ хўжалиги вазирларининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 15-Берлин конференцияси бўлиб ўтди. Унда 71 нафар вазир ва халқаро ташкилотларнинг 15 нафар раҳбари бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир масалаларни муҳокама қилиш учун ийғилди. Шунингдек, анжуман доирасида озиқ-овқат билан боғлиқ 300 дан ортиқ турли форум, семинар, конгресс ва учрашувлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов бошчилигидаги делегация Нидерландия, Канада, Грузия, Польша, Мўғулистан, Латвия, Германия, Туркия, Франция ва Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлари билан қизғин учрашувлар ўтказди. Уларда аграр соҳанинг муҳим йўна-

лишлари, хусусан, фан, таълим соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, интенсив мевали боғдорчиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини, иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш масалалари хусусида мулоқот олиб борди. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, инвестициялар ва технологиялар, чорвачилик ва генетик муҳандисликни ривожлантириш каби кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги







алоқаларни мустаҳкамлаш, уруғчилик, иссиқхоналар, рақамлаштириш соҳаларида тажриба алманишни назарда тутивчи ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Жаҳон банки, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан юқори даражада учрашувлар ўтказилди. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) бошиқтисодчиси Максимо Тореро Кулайэн билан ўтказилган учрашувда қишлоқ хўжалигининг барқарорлигини ошириш бўйича бир қатор иқтисодий-сиёсий чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Барча ҳамкорлар озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳамикорликни оширишга тайёр эканини билдиради.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов нутқ сўзлади. У мамлакатимиз учун учта муҳим жиҳатни қайд этди. Улар: дерегуляция, инклузивлик, экологик барқарорлик ва ҳосилдорликнинг ўсишини рағбатлантиришдир. “Мамлакатимизда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси, шунингдек, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришга қаратилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилинган. Бу борада сув ресурслари, энергетика, озиқ-овқат саноати ва

экология ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган яшил иқтисодиётга ўтишимиз муҳим аҳамиятга эга”, – деди қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов ўз нутқида.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон миллий ва глобал озиқ-овқат трансформацияси жараёнига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ушбу ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг муҳим вазифаси аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимиз томонидан имтиёзли кредитлаш дастурлари орқали жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами, қишлоқ аҳолиси, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорликка интилишини рағбатлантириш, турмуш тарзини яхшилаш қўллаб-қувватланмоқда.

Ўтказилган муҳокамалар давомида умумий қиймати 575 миллион доллардан ортиқ бўлган 12 та лойиҳа ҳамда 154 миллион долларлик савдо шартномаларини икки томонлама амалга оширишга келишилди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Матбуот хизмати**

# ГЕРМАНИЯ МЕВА-САБЗАВОТ БОЗОРИ: АВВАЛО – СИФАТ, КЕЙИН НАРХ

Германиянинг мева-сабзавот бозори Европадаги энг йирик бозорлардан биридир. Ушбу бозорнинг 2021 йилдаги умумий товар айланмаси қиймати 23,4 миллиард долларни ташкил этган. Таққослаш учун айтиш мумкинки, Россиядаги мева-сабзавот маҳсулотлари айланмаси 7,3 миллиард долларга тенг. Бу мамлакатнинг аҳолиси Германиянига нисбатан қарийб икки баробар кўплигини инобатга олсан, олмонларнинг истеъмоли русларнидан 5,5 баробар кўплигини таҳмин қилиш мумкин.

Германиядаги мева-сабзавот чакана савдоси асосан ретейл тармоқлар ва кичик дўконлар орқали амалга оширилади. Жумладан, Edeka, Rewe, Aldi ва Kaufland каби йирик супермаркетлар Германиянинг ҳар бир шаҳарчасида бир нечта филиалига эга. Бу супермаркетлардан ташқари турли этник халқлар ва диаспораларнинг ҳам дўкон ва супермаркетлар тармоғи мавжуд. Хусусан, Eurogida тармоғи туркий ва мусулмон халқлар учун бўлса, Mix Mrkt тармоғи дўконлари МДҲ ва Россиядан келган эмигрантлар учун очилган супермаркетлар ҳисобланади. Бундан ташқари, Metro супермаркетлар тармоғи мавжуд бўлиб, у асосан улгуржи нархда катта ҳажмда харид қилиувчи харидорларга хизмат кўрсатади.

Rewe Германиядаги энг йирик супермаркетлар тармоқларидан бўлиб, маҳсулотларининг сифати ва хилма-хиллиги билан рақобатчиларидан устун туради. Бу тармоқ асосан ўрта қатламга мўлжал-

ланган бўлса-да, харидорлари учун деярли барча маҳсулотни муҳайё қилган. Ушбу супермаркетлар тармоғида мева-сабзавотлар икки хил сегментга – органик (bio) ва ноорганик (conventional)ка ажратилган. Албатта, bio ёрлиғига эга маҳсулотлар conventional сегментига нисбатан энг камида 30 фоиз, баъзи ҳолларда 150 фоизгача қиммат. Масалан, оддий помидорлар ранги, тури ва ҳажмига қараб 2-4 евродан сотилаётган бўлса, худди шу турдаги bio помидорлар 6-10 евродан сотилмоқда.

Mix Mrkt тармоғи дўконлари ассортимент борасида REWE ва EDEKA каби гигант рақобатчиларидан анча ортда қолса-да, харидорлар ўзи туғилиб ўсган мамлакатдан келтирилган турли маҳсулотларни топиши мумкин. Шу сабабли ушбу тармоқ бутун Германия бўйлаб 180 га яқин дўконига эга. Суҳбат чоғида Mix Mrkt дўкони савдо менежери



REWE супермаркетидан лавҳалар

Ўзбекистондан келтирилган турли маҳсулотлар ҳам ушбу тармоқ дўйонларида сотилишини маълум қилди. Хусусан, ёз ойларида Ўзбекистондан МДҲ мамлакатларида машҳур торпедо навли қовунлар келтирилиши ва жуда тез сотилишини таъкидлади. Шу билан бирга у дўконда мавжуд бўлган ягона Ўзбекистон маҳсулоти – майизни кўрсатди. Бугунги кун (2022 йил 10 декабр)да Германиянинг Monolith International GMBH компанияси томонидан Alvo брендси остида қадоқланётган Sultaninen турдаги ушбу майизнинг 200 грамми 1,59 евро (1 кг – 7,95 евро) баҳосида сотилаётган экан. Бошқа мевалар эса асосан Туркиядан келтирилган бўлиб, улар ҳам сифати билан бошқа давлатларнига нисбатан анча устунликка эга.

Германия Ўзбекистондан 30 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни импорт қилади. Улар орасида асосан беш турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари нисбатан кўпроқ импорт қилинади. 2021 йилда қовун (1209 тонна), майиз (1154 тонна), қурилган булфори (629 тонна), қурилган турли сабзавотлар (624 тонна), қурилган қалампир (232 тонна) импорт қилинган. Ушбу маҳсулотларнинг умумий ҳажми 2021 йилда 3848 тоннани ташкил этган. У Германия Ўзбекистондан импорт қилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 88 фоизини ташкил қилади.

### Германия бозорига қандай кириш мумкин?

Германия бозорида маҳсулотлар сифат кўрсаткичларидан келиб чиқиб турли бозор сегментларига бўлинади. Бозорнинг турли сегментлари

маҳсулотга талаб қўяди ва унга кўра нарх белгилайди. Нархлар ва маҳсулот сифати бозор сегментини аниқлашда энг муҳим иккита омил ҳисобланади. Экспортёр ўз маҳсулоти қайси сегментга тўғри келишига қараб ушбу сегмент вакиллари (импортёр, трейдер, қайта ишловчи ва бошқалар)га таклиф қилиши керак.

### Сифат талабларига нималар киради:

#### 1. Пестицидлардан фойдаланишга оид чекловлар.

Европа Иттилоқи озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларнинг максимал қолдик даражасини ўрнатди. Рухсат этилганидан ортиқ пестицидларни ўз ичига олган маҳсулотлар Европа бозорларида киритилмайди ёки чиқарип юборилади. Бу талаб фойдаланиш тақиқланган пестицидлар рўйхати кенгайиши туфайли йилдан-йилга тобора мураккаблашиб бормоқда. Бу талаб, аввало, товарни етиштирувчи ва экспортёр зиммасига катта масъулият юклайди.

#### 2. Маҳсулотлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларга чекловлар.

Европа Иттилоқида пестицидлар каби бир нечта ифлослантирувчи моддаларга чекловлар ўрнатилган. Мева-сабзавот таркибида қўроғошин, кадмий ва нитрат микдорининг меъёрдан ортиқ бўлмаслиги жудаям муҳим. Қуйидаги ҳавола орқали сиз мазкур чекловлар ҳақида янада кўпроқ маълумот олишингиз мумкин: <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2006/1881/2022-01-01>

#### 3. Микробиологик мезонлар бўйича чекловлар.

Мева-сабзавотларни экспорт қилишда сиз *Salmonella* and *E. Coli* каби микробиологик хавфларни ҳисобга олишингиз керак. Барра маҳсулотнинг яроқлилик муддати давомида салмонеллалар бўлмаслиги керак. *E. Coli* етишириш жараёнида деярли йўқ бўлиши керак. Кўшимча маълумот билан <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2005/2073/2020-03-08> ҳаволаси орқали танишибчиқинг.

#### 4. Ўсимликларнинг саломатлиги ва фитосанитария қоидалари.

Европа Иттилоқига экспорт қилинадиган мева-сабзавотлар ва ўсимликлар саломатлиги бўйича Европа қонунчилигига мос келиши керак. Европа Иттилоқи ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари учун зарарли организмларнинг Европага кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш учун Европа Иттилоқига аъзо бўлмаган мамлакатлардан ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларисавдоси қоидаларини ишлаб чиқди. Ушбу

талаблар импорт ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ваколатли органлари томонидан бошқарилади. Ўзбекистонда мазкур ваколат Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига берилган.

### 5. Махсулотни қадоқлаш бўйича талаблар.

Европа Иттифоқи бозорига экспорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ЕИнинг озиқ-овқат маҳсулотларини этикетлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши керак. Янги мева ёки сабзавотларнинг савдо пакетлари ва қадоқларида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- қадоқловчи ёки етказиб берувчи корхона номи ва манзили;
- маҳсулотнинг номи ва нави (агар маҳсулот қадоқнинг ташқи томонидан кўринмаса);
- етиштирувчи ва етказиб берувчи мамлакат;
- тоифа ва ўлчам (маркетинг стандартларига мувофиқ);
- маҳсулот лот рақами ёки GLOBAL GAP сертификати бўлса, GGN рақами;
- органик сертификат, жумладан, инспекция органининг номи ва сертификатлаш рақами (агар мавжуд бўлса).

### 6. Сифат кафолати сертификатлари мавжудлиги.

Махсулотингизни қайта ишловчи корхона ёки супермаркетлар тармоғига экспорт қилмоқчи бўлсангиз, аввало, унинг хавфсиз экани ҳақидаги сертификатлар, хусусан, HACCP (hazard analysis and critical control points) ёки ISO (22000, 9001 ва ҳоказо) сертификатлар талаб қилинади. Барра мева-сабзавотлар учун ЕИ бозори асосан GLOBAL GAP сертификатини талаб қиласди.

Аксарият ҳолларда маҳсулотингиз Германиядаги импортёр корхона орқали бозордаги бошқа иштирокчиларга етказиб берилади. Қуида маҳсулотларга кўпинча қўлланадиган таъминот занжирини кўришингиз мумкин:



МДХдан келганларга хизмат кўрсатувчи Mix Mrkt супермаркетлар тармоғига тегишли дўкондан лавҳалар

### Маҳсулот нархи ва сифатидан келиб чиқиб бозор асосан қуидағи уч сегментга бўлинади:




Топишингиз мумкин бўлган ҳар хил турдаги бозор иштирокчиларига қуида мисоллар келтириамиз:

1) агентлар ёки брокерлар. Бозорда вакилингиз сифатида ҳаракатланади. Маҳсулотни импорт ҳам ёки унга эгалик ҳам қилмайди. Маҳсулотингизга мос харидор топища ёрдам беради ва ўз улушини олади;

2) импорт қилувчилар, улгуржи сотувчилар ва дистрибуторлар. Бозорда қайта сотиш учун товарингизни импорт қиласди. Бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулотингизни ўзи сотади ва тармоқларига тарқатади;

3) ишлаб чиқарувчилар. Маҳсулотингиздан қайта маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланади. Улар товарни ўзи импорт қиласди ёки бошқа етказиб берувчилардан сотиб олади;

4) чакана сотувчилар. Охирги истеъмолчиларга сотувчи бўлиб, маҳсулотни камдан-кам ҳолларда тўғридан-тўғри импорт қиласди. Улар маҳсулотингизни асосан импорт қилувчи ёки қайта



1-диаграмма

ишловчи корхонадан сотиб олади (баъзида битта компания бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажариши мумкин).

### Ўзбекистондан Германияга транспорт-логистика ечими

Ўзбекистонлик экспортёр товарни германиялик импортёрга етказиб беришда маҳсулотнинг ташишга чидамлилигига қараб турли транспорт воситаларидан фойдаланиши мумкин.

**Авиатранспорт воситасида ташув.** Бу бошқа ташув турларидан энг тез, осон ва шу билан бирга энг қиммати ҳисобланади. Бунда сотувчи ёки экспортёр маҳаллий авиалиниялар (Ўзбекистон ҳаво йўларининг карго хизмати)

агентликларига ёки хорижий ва Европа авиа-компанияларига мурожаат қилиши мумкин. Turkish Airways ва Lufthansa карго хизматлари ҳам шулар жумласидан.

**Автотранспорт воситасида ташув.** Бу транспорт тури жуда кенг тарқалган бўлиб, нисбатан осон ва тез етказиб бериш тури ҳисобланади. Ўзбекистонда бугунги кунда кўплаб маҳаллий ва хорижий транспорт-логистика компаниялари фаолият юритади. Улар билан турли шаклда (нақд ёки пул ўтказиш йўли билан) келишиб, маҳсулотларни ташишни йўлга қўйиш мумкин. Бунда сиз маҳсулотингизнинг эскирувчанлик ва чидамлилик хусусиятига қараб тент ёки совиткичли (рефрежераторли) транспорт воситасинитанлашингиз зарур.




**Темир йўл транспорти воситасида ташув.** Бу нисбатан узоқ йўл босадиган ва арzon транспорт воситасидир. Шундай экан, бундай транспорт воситасида Европага ҳўл мева-сабзавотларни ташиш умумантавсиya этилмайди. Темир йўл орқали кўпроқ ёнғок, қурилтилган ва қайта ишланган мева-сабзавотларни ташиш мумкин.

**Сув транспорти орқали ташув.** Афсуски, Ўзбекистоннинг денгиз ва океан портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти йўқ. Лекин маҳсулотларни етказиб беришда мазкур транспорт воситасидан фойдаланиб турилади.

Бунда Ўзбекистондан денгиз портларигача бўлган масофага юклар автотранспорт ёки темир йўл транспорти воситасида етказилиб, сўнг порт транзит зонасида юклар денгиз кемалари контейнерларига қайта юкланди ёки контейнерда келган юклар тўғридан-тўғри кема бортларига ортилади. Ташишнинг бу усули кўринча мультимодаль ташув деб ҳам юритилади.

Биз буғунги кундаги геовазиятдан келиб чиқиб маҳсулотларни Ўзбекистондан Германиягача юк автомобилида етказиб бериш йўналишини чизиб чиқдик. Бунда Ўзбекистон пойтахти Тошкентдан Германиянинг энг саноатлашган ҳудуди Франкфуртгача бўлган йўлтанланди.


1. Тошкент – Оқтўба (Қозоғистон) – Москва (Россия) – Минск (Беларусь) – Варшава (Польша) – Франкфурт маршрути (5700 км).



Россия-Украина ўртасидаги можарогача бўлган даврда юклар шу йўл орқали автомашиналар воситасида 8-10 кунда манзилга етказиларди. Лекин бу йўлни босиш учун энди камида 15-20 кун сарфланяпти. Муддат асосан Беларусь ва Польша ўртасидаги тирбандлик туфайли чўзилиб кетмоқда. Маълумот учун айтиш зарурки, Россия – Украина

можароси туфайли Беларусь ва Россиядан Европага турли маҳсулотлар импорти тақиқланган. Худди шу сабабга кўра, Россиянинг энг яқин ҳамкори бўлган Беларусь ҳам Европанинг аксарият импорт маҳсулотларига тақиқ қўйган. Шу туфайли ҳар иккала томон чегарачилари ўзаро савдо юкларини жиддий текширувдан ўтказади. Бу чоралар, ўз навбатида, юк автомобилларининг сунъий тирбандлигини ҳосил қилиб, маҳсулотнинг транзит вақтини қўшимча 7-10 кунга узайтироқда.

2. Тошкент – Оқтўба (Қозогистон) – Москва (Россия) – Рига (Латвия) – Вильнюс (Литва) – Варшава (Польша) – Франкфурт маршрути (6000 км).



Ушбу маршрут узокроқ бўлса-да, Беларусь орқали боришдан кўра нисбатан осон. Бугунги кунда Россия ва Латвия ўртасидаги муносабатлар Европанинг бошқа давлатларига нисбатан иликроқлиги туфайли ушбу йўлга ҳам ўртacha 15-20 сарфланиши мумкин.

3. Тошкент – Ашхобод (Туркманистон) – Боку (Озарбайжон) – Поти (Грузия) – Варна (Болгария) – Руминия – Венгрия – Чехия – Франкфурт маршрути (6200 км).



Ушбу маршрут аввалги йўналишга нисбатан қисқароқ кўринса-да, анча мураккаб ва энг камида 25-30 кун транзит вақт талаб қиласди. У Россия ва Европа муносабатлари тубдан ёмонлашган тақдирда Россияни айланиб ўтиш учун фойдаланиш мумкин бўлган маршрутларданadir. Бу йўналиш мультимодаль хисобланиб, йўл давомида юк бир неча чегара постидан ўтиши, йўл давомида турли транспорт воситаларидан, жумладан, юк автомобили, дengiz транспорти ва темир йўл воситаларидан фойдаланиши талаб этилади. Ушбу



маршрут сақланиш муддати қандайлигидан қатъи назар, барра (фреш) маҳсулотларни ташиш учун умуман тўғри келмайди. Бу йўналиш орқали фақат қайта ишланган маҳсулотларни (агар улар яхши ва мустаҳкам қадоқланган бўлса) гина ташиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари яна турли транспорт-логистика ечимларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, Мерсин (Туркия) ва Бандар Аббос (Эрон) портларидан фойдаланиб, юкни Германиянинг Гамбург портига етказиб бериш имконияти ҳам мавжуд. Лекин бу маршрутлар жуда узоқ вақт талаб қилувчи ҳамда нисбатан қиммат ечим ҳисобланади.

### **Биринчи экспорт – муҳим босқич, лекин...**

Экспортнинг давомийлигини таъминлаш учун экспортёр корхона мунтазам равишида ўз устида ишлаши ва ушбу жараёндаги кутилмаган масалаларга ечим топишга тайёр туриши зарур. Шу билан бирга, инновациялар, янги маҳсулотлар, янги хизматлар ва янги имкониятларни аниқлаш, тез қабул қилиб, улардан унумли фойдаланиш экспорт барқарорлигини таъминлайди. Ҳар ҳолда Германиялик импортёрлар узоқ муддатли етказиб берувчи билан ишлашни хоҳлайди. Шундай экан, ўзбекистонлик экспортёрлар ҳамкорлари билан яхши муносабат ўрнатиши ва уни қадрлаши зарур. Унутмаслик керакки, Германияда ишонч яхши муносабатларнинг калити ҳисобланади. Ҳамкорлар билан ҳалол муносабатни йўлга қўйиш, агар бирор-бир муаммо чиқса ёки бирор иш нотўғри бўлса, дарҳол ҳамкорликда муҳокама қилиш ва зудлик билан ечим топиш керак.

**Хусан ҲАЙДАРОВ,**  
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик  
маркетинги бўйича техник кўмак”  
лойиҳаси бош маслаҳатчиси





## Бахтиёр КАМАЛОВ: “ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ АЛБАТТА НАТИЖАСИ БҮЛИШИ ШАРТ!”

Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказида бажарилаётган лойиҳалар, қилиниши режалаштирилаётган ишлар ҳақида марказ директори Бахтиёр Камалов билан сұхбатлашдик.

**– Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ташкил этилганига кўп вақт бўлмади. Мана шу қисқа даврда жамоангиз билан қандай ижобийнатижаларга эриша олдингиз?**

– Бу ҳақида гапиришдан аввал 5 йил ортга қайтсак... Сув хўжалиги вазирлигини ташкил қилиш бўйича жуда катта жамоа, жуда катта куч сафарбар қилинган эди. Вазирлик, идора, ҳукумат дараражасида ишли гурӯҳи тузилиб, сув хўжалиги тизимини ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Натижада Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик олдига бир қатор вазифалар билан бирга ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ҳам алоҳида ташкилот тузиш топшириғи қўйилди. Ушбу ташкилотнинг зиммасига ҳалқаро молия институтлари билан биргаликда режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Шу муносабат билан

2021 йили давлатимиз раҳбарининг 6200-сонли фармони қабул қилинди. Фармонга асосан 5055-сонли қарор имзоланди. Ушбу қарор билан Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ташкил этилди. 2021 йилдан бошлаб марказ тўлиқ фаолият юритаётганини инобатга олсак, ҳозир ҳалқаро молия институтлари билан биргаликда 6 та лойиҳани амалга оширяпмиз. Асосий ҳамкорларимиз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, Саудия тараққиёт жамғармаси, Ислом тараққиёт банкидир.

**– Марказда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз...**

– Лойиҳаларимиз асосан энг стратегик, муҳим обьектларни такомиллаштириш, реконструкция, модернизация қилиш билан боғлиқ. Улар доирасида комплекс чора-тадбирлар ҳам кўрилаётга-

нини таъкидлаш зарур. Халқаро молия институтларининг талаб ва тамойилларига мувофиқ умумий портфели 1 миллиард долларга яқин бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилаётир. Бу маблағ Ўзбекистондаги сув муаммоси мавжуд, сув таъминоти оғир ҳудудлардаги сув хўжалиги обьектларини модернизация қилишга йўналтирилади. Албатта, ушбу маблағ таъмирлаш-тиклаш, модернизация қилиш ишлари билан бирга у ердаги аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, кўшимча иш ўринларини яратиш, сув тежовчи технологияларни жорий қилган ҳолда кенгроқ далаларга, ерларга сув етказиб беришга йўналтириляпти. Бу лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда бир қатор масалалар, муаммоларни жойида ҳал қилиш учун марказнинг етук мутахассислари, ходимлари ҳамда халқаро консультантлар сафарбар қилинган.

### **– Амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ҳозир жойларда қандай жараёнлар кетмоқда?**

– Ҳозир асосий вегетация ишларини ниҳоясига етказдик. Бундан сўнг сув хўжалиги олдидағи асосий вазифа кузги-қишики тадбирларни амалга оширишдир. Жойларда қор ёғиши, ўйлайманки, 2023 йилда сув хўжалигидаги сув таъминотининг яхшилинишига катта ёрдам беради. Охиригина 5 йилда хорижий ҳамкорларимизнинг жами 564 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди. Натижада 100 км.дан зиёд каналлар реконструкция қилинди. Уларда деярли 1 200 та гидротехник иншоот барпо этилди. Насос станциялари реконструкция ҳамда модернизация қилинмоқда.

**Сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда 250 дан ортиқ вертикал суғориш қудуғи барпо қилинди. 16 минг гектарга яқин жой лазер ёрдамида текисланди ҳамда чуқур юмшатилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигининг 15-20 фоиз ошиши таъминланди. Бунинг натижасида қанчадан-қанча иш ўрни яратилди.**

Ижтимоий соҳаларга эътибор берилди. Шу билан бирга, у ердаги аҳоли турмуш шароити яхшилинишига босқичма-босқич эришиб келинмоқда. Олдимиизга қўйилган вазифалар ҳам белгилаб олинган. Аммо кундан-кун замоннинг илгарилаб бораётгани бизни яна қўшимча чора-тадбирлар кўllaшга мажбур қилмоқда.


Сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун 2020–2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси қабул қилинган. Унга мувофиқ

2021–2023 йилларда ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган. Бу стратегия асосида халқаро донор ташкилотнинг етук мутахассислари, халқаро эксперталар, тегишли вазирлик, идоралар мутахассислари билан биргаликда комплекс чора-тадбирлар режаситузилган.

**– Марказда бир нечта лойиҳалар параллел амалга оширилаётганини ҳисобга олган ҳолда, раҳбар сифатида келгуси 5 йилда марказ ҳамда унинг жамоасини қандай мэрраларда кўряпсиз? Умуман, билимли ёшлар бу соҳага қанчалик қизиқиш билдиримоқда?**

– Марказ 2021 йил ташкил қилинган бўлса, ҳозир 6 та лойиҳа доирасида жами 61 нафар мутахассис фаолият олиб бормоқда. Улардан 10 нафари аёллар. Чунки биз ходимларининг деярли тенг ярми аёллардан иборат жамоа шакллантиришни режа қилганмиз. Бундан ташқари, 5 нафар мутахассисимизни маҳсус курслар орқали хорижий давлатларга юборганимиз. Жумладан, ўқиши учун бир ходимимизни Англияга юборган бўлсак, 2 та ходимимиз Жанубий Кореядаги малака оширимоқда. Яна 2 нафар мутахассисимиз Японияда докторлик диссертациясини ёқламоқда. Албатта, улар Ўзбекистонга қайтгач, янги билим ва малакасини марказимизда қўллаб, амалиётга татбиқ қиласди. Бундан ташқари, марказимиз томонидан келгуси йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам режалаштириб қўйилмоқда. Нафақат мавжуд лойиҳаларни давом эттириш, балки истиқболли лойиҳаларни шакллантириш, тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш, вазирлик ва идораларда уларни ҳимоя қилиш, донор ташкилотларга тақдимотлар ўtkазиш каби вазифаларни ҳам амалга оширишимиз лозим. Жорий йилда давлатимиз раҳбарининг 4 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та фармойиши қабул қилинди. Шу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан 3 та янги истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошланди.

Иқлимга мослашган ҳолда сув ресурсларини бошқариш лойиҳасига Осиё тараққиёт банкининг 150 миллион доллар миқдоридаги имтиёзли кредити жалб қилинди. Ушбу маблағ кейинги 5 йилда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги сув обьектларини модернизация қилиш ва бир қатор комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади. Бундан ташқари, 95 та насос станциясини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларимизни амалга ошириш ишлари бошланган. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ҳамда Навоий вилоятларида сув таъминоти оғир бўлган



ерлардаги 1950–1960-йиллардан бери фойдаланиб келинаётган насосларни модернизация қилиш, янгилашишлари амалга оширилмоқда.

**— Яқинда давлатимиз раҳбарининг Фарғона водийсида 118 та насос станциясини модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу лойиҳанинг самараси ҳақида тўхталсангиз.**

— Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан бирга амалга ошириладиган 118 та насос станциясини модернизация қилиш лойиҳасига ҳам старт берилди. Ушбу лойиҳани Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун жами 200 миллион доллар маблағ жалб қилинди.

Марказий Осиёning асосий сув таъминотчилари иккита йирик дарё бўлмиш Сирдарё ва Амударё ҳисобланади. У ердаги шароитларни яхшилаш учун земснарядлар харид қилиш бўйича лойиҳаларимиз концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Йилдан-йилга сув ресурслари камайиб кетаётганини инобатга олган ҳолда сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежашда кичик ва ўрта ҳажмдаги сув омборларини барпо қилиш бўйича бир қатор лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. Ўйлайманки, сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларга эришиш мақсадида хорижий давлатларнинг маб-

лағлари кенг жалб қилинади.

**— Лойиҳаларни амалга ошириш жараённида турли муаммоларга дуч келинади, албатта. Мана шу муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддати чекланган. Баъзи лойиҳалар 4 йил, баъзилари 5 йил, баъзилари эса бундан ҳам чўзилиши мумкин. Ҳужжатларни расмийлаштириш, уларни тўғри амалга оширишда жалб қилинган халқаро эксперт ва консультантларнинг ўрни катта. Лойиҳаларни амалга оширишда уларнинг тажрибаси жуда қўл келади. Уларга юклатилган вазифага асосан, мавжуд муаммолар, айниқса, вегетация вақтида сув таъминотини узиб қўйиш, у ерда қурилиш, таъмирлаш, тиклаш ишларини амалга оширишда жуда катта масалалар келиб чиқади. Мисол учун, реконструкция жараёнида сувни тўхтатишлозим бўлади.

**Сув тўхтатилса, оддий аҳоли ҳамда фермерлар қийналиб қолишиади. Шунинг аниқ вақтини белгилаб, ўша пайтда қурилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш ўта муҳим саналади. Мана шу каби масалаларга дуч келинганда халқаро эксперт ва маслаҳатчиларнинг билими керак бўлади.**

Муаммоларни зудлик билан бартараф этиш учун лойиҳа менежерлари, муҳандислар ва тегишли мутахассислар жойига борган ҳолда ишни ташкил қилиш йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир лойиҳа учун киритилаётган инвестицияни самарали ишлатиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўришга мажбурмиз.

**Қимматли маълумотлар учун ташаккур.**

**Ушбу мақола чоп этилиши арафасида Президентимизнинг қарори билан Баҳтиёр Камалов Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди.**

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”  
ложиҳаси журналисти  
**Наргиза КАРИМОВА** сухбатлашди.





# СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

"Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳаси Б компоненти доирасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидағи лойиҳа ҳудудида фермерлар, дәхқон хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчи субъектлар уюшмалари вакилларининг молиявий эҳтиёжини ўрганиш, саводхонлигини баҳолаш ҳамда амалий семинар-тренинглар орқали саводхонлигини ошириш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, бенефициарларнинг молиявий эҳтиёжини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали фермерлар, дәхқон хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчи субъектлар уюшмалари фаолиятида дуч келинган асосий муаммо, тўсик ва қийинчиликлар айтилди ҳамда ечимлартаклиф этилди.

Баҳолаш жараёнини амалга оширишда молиявий эҳтиёж ва саводхонлик, ҳисоботлар ва бизнес режа тайёрлаш, банк кредити ва лизинг маҳсулотларига ариза бериш бўйича билим ва кўнкимлар, қишлоқ хўжалиги фаолиятида бизнес ва молиявий хатарларни аниқлаш, чамалаш ва юмшатиш усувлари каби тушунчаларни қамраб олган сўровноматайёрланди.

2022 йилнинг июнь ойида қўшимча равишда лойиҳа бенефициарларининг молиявий эҳтиёжи, билим ва кўнкимлари ўрганилди. Бу сафар кўпроқ молиявий муаммолар, омиллар, молиявий ва хукуқий тўсикларни аниқлашга эътибор каратилди. Молиявий эҳтиёжларни баҳолаш лойиҳа ҳудудида фермерлар, дәхқон хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчи субъектлар уюшмалари вакиллари

иштироқида фокус групчалар шаклида фермерлар дала мактаби машғулотлари давомида амалга оширилди.

Фокус групч форматида олиб борилган тадқиқотлар қатнашчиларнинг эркин тарзда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишини таъминлади. Билдирилган фикрларни қатнашчилар ўзи мантикий синовдан ўтказди.

Фермер ва дәхқон хўжаликлари вакиллари кўп дуч келадиган молиявий ҳамда хукуқий муаммо ва қийинчиликларнинг қўйидагитурлари қайд этилди:

- мустақил фаолият юритишдаги тўсик ва қийинчиликлар;
- савдо фаолиятини амалга ошириш учун шароитнинг етарли эмаслиги;
- шартномаларнинг қонуний кучга эга эмас-

лиги ёки сустлиги, ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

– муҳим ускуна ва технологиялар, хомашё ва бошқа воситаларни молиялаштириш имкониятининг пастлиги;

– арzon ва мутаносиб молиялаштириш манбалари ҳамда инструментларнинг етишмаслиги;

– сув танқислиги ёки сув таъминотидаги узилишлар;

– молиявий саводхонликнинг етишмаслиги.

**Мустақил фаолият юритишдаги тўсиқ ва қийинчиликларга мисол сифатида фермерлар ўзи етиштирган маҳсулотларни мустақил равишида сота олмаслигини келтирди. Сувдан фойдаланувчи субъектлар уюшмалари эса ҳаддан зиёд марказлашган бюджетни тасдиқлаш жараёнининг самарадорлиги камлиги, жумладан, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш учун ажратилган маблағ ва ресурсларнинг етарли даражада эмаслигини таъкидлади (масалан, ёнилғи ва каналларни тозалаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари етарли эмас).**

Савдо фаолиятини амалга ошириш учун шароитларнинг етарли эмаслигига мисол қилиб маҳсулотни экспорт қилиш учун муҳим шароитлар, маҳаллий омборларда сақлаш имконияти ва қайта ишлаш корхоналарининг камлиги ёки мавжуд эмаслиги келтирилди. Сувдан фойдаланувчи субъектлар уюшмалари вакиллари экин майдонларини суворишида сувдан фойдаланиш маданияти йўқлиги (фермерларнинг сувдан фойдаланишда бир-бирунинг ҳуқуқларини ҳурмат килмаслиги, суворишига сабрсизлик билан ёндашув, сувдан зарур бўлганидан кўпроқ ёки беҳуда фойдаланиш ва ҳоказо)ни айтишиди. Бундан ташқари, сув ташкилотлари ходимлари учун меҳнат компенсациясининг иш ҳажмига мутлақо номутаносиблиги (яъни жуда камлиги) таъкидланди.

Шартномаларнинг қонуний кучга эга эмаслиги ёки суст ишлаши ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги бўйича мисол сифатида қонун устуворлигининг сустлиги, фермерларнинг мол-мулки, ҳосили ва фаолиятини ташки таъсирлардан ҳимоя қилувчи механизмларни тушунмаслик ёки оёқости қилиш ҳолатлари мавжудлиги келтирилди. Сувдан фойдаланувчилар (истеъмолчилар) ва сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномалар бўйича ҳуқуқий асослар заифлиги –

сувориш хизмати бадалини қўллаш учун ҳуқуқий тузилма ёки механизм мавжуд эмаслиги сувдан фойдаланишни тартиба солишга қарши асосий тўсиқ сифатида қайд этилди. Бундан ташқари, сув солиги тартиби ва сув ресурсларини бошқариш хизматларидан олинадиган тушум ўртасида номутаносиблик мавжудлиги маълум қилинди. Масалан, сўров қатнашчиларининг фикрига асосан, сувдан фойдаланишдан олинадиган солик сувдан фойдаланишни бошқарадиган ташкилотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмайди, биринчи навбатда, ундириболинади.

Муҳим ускуна ва технологиялар, хомашё ва бошқа воситаларни молиялаштириш имконияти камлиги. Дехқон ва фермер ҳўжаликлари вакилларининг фикрича, самарадорликни ошириш учун техник жиҳозлар ва технологиялардан фойдаланиш имконияти етарли эмас. Сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотлар вакиллари эса сувни адолатли тақсимлаш ва сувориш хизмати бадалини мувофиқ белгилаш учун гидропостлар ва сув оқимини ўлчайдиган мосламалар йўқлигини таъкидлади.

Арzon ва мутаносиб молиялаштириш манбалари ва инструментларнинг етишмаслиги фермерлар ва дехқон-фермер ҳўжаликлари учун асосий қийинчиликлардан экани аниқланди. Жумладан, сўровнома қатнашчиларининг фикрича, банкларнинг кредит гарови бўйича қарз олувчиларга қўйган оғир талаблари фермерларнинг кредит олишини қийинлаштирумокда. Фермерларнинг шароити ва имкониятига мос келадиган, адолатли шартлар асосида хизмат кўрсатадиган банк ва бошқа молиялаштириш воситалари (инструментлари) етишмайди. Сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотлар вакиллари ходимлар меҳнатига маош ва капитал сарф-харажатларни бир вақтнинг ўзида қоплаш учун молиялаштириш манбалари ва айланма маблағларетишмаслигини санаб ўтди.

Сув танқислиги ёки сув зарур бўлган пайтда сув таъминотидаги узилишлар. Аксарият қатнашчиларнинг фикрича, маҳаллий ҳокимият томонидан сув оқимини ўзгартириш ва назорат қилиш ҳолатлари баъзи фермерларнинг сувдан вақтида фойдалана олмаслигига сабаб бўлмоқда. Натижада сувориш хизматлари учун тўловларни вақтида тўлаш бўйича низолар келиб чиқмоқда.

Молиявий саводхонликнинг етишмаслигига сабаб қилиб фермер ва дехқон ҳўжаликлари молиявий ўқитиш дастурлари камёблиги ёки сустлигини кўрсатди. Сувдан фойдаланувчи субъектлар уюшмалари ва сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотларда молиявий ва ҳуқуқий саводхонлик пастлиги сув ресурслари ва активларини самарали бошқариш режалари йўқлигига (ёки сустлигига)





сабаб қилиб күрсатилди.

Юқоридаги муаммо, түсиқ ва қийинчиликтарни бартараф қилиш бүйича қатнашчилар томонидан қуидаги ечимлар тақлиф қилинди:

- фермерларнинг жаҳон бозорига чиқиши ва маҳсулотини халқаро миқёсда сотишини қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам бериш;

- сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотларга ресурсларни тўғри (мақбул) тақсимлаш учун бюджетни тасдиқлаш ва сарфлаш жараёнини марказдан холи қилиш, бу борада зарур чоратадбирларни амалга ошириш;

- янги логистика савдо марказлари, қишлоқ хўжалиги маслаҳат (агроконсалтинг) хизматларини очиш ва ишга тушириш (улар фермерларга экин ва уруғлик сотиб олишдан ускуна, технологиялар ҳарид қилиш ва маҳсулотини хорижга сотишгacha бўлган босқичларда ёрдам ва маслаҳат бериши мақсадга мувофиқ);

- қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш маданиятини тарғиб қилиш, бу бүйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва намуна кўрсатиш;

- сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг адекват ва адолатли тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

- ҳуқуқий тузилма ва механизмлар, жумладан, "Махсусхизмат" ва МЧЖларнинг солиқقا тортиш мақомини ислоҳ қилиш, сугориш хизмати бадалини максимал даражада ундириш, пул маблагини ўз вақтида ўтказиш ва ходимларга меҳнат ҳақини тўлаш учун шартнома муносабатларини тақомил-

лаштириш;

- каналлар ва сув тақсимлаш йўлида гидропостлар, сув сарфини ўлчовчи, тақсимловчи иншоотлар ва ускуналарни ўрнатиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўйича жамғарма ташкил этиш;

- фермерларнинг шароити ва эҳтиёжига мос молиялаштириш воситалари ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

- сувдан фойдаланишни бошқарувчи ташкилотлар ходимлари учун молиявий саводхонликини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- сувдан изчил ва самарали фойдаланиш ҳамда активларни мақсадли бошқариш режасини яратишга техник ва молиявий кўмаклашиш.

Мазкур муаммолар, тўсиқлар ва қийинчиликтарни бартараф қилиш фермер хўжаликларида юқори маҳсулдорлик ва самарадорликка эришиш ҳамда сувдан тежамкорлик билан самарали фойдаланишни тақомиллаштириш имконини беради.

### Қобилжон ЮНОСОВ,

«Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш, II босқич» лойиҳаси



Б компоненти: қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш ва диверсификация қилишни қўллаб-қувватлаш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни тақомиллаштириш" лойиҳаси молиявий мутахассиси

# ХОРИЖИЙ ПИСТА НАВЛАРИ ПЛАНТАЦИЯЛАРИ

Хандон писта дунёнинг кўпгина мамлакатларида етиштириладиган қимматбаҳо, сердаромад маданий экин туридир. Дунё бўйича етиштириладиган писта мағзи йилига 1 миллион тоннадан ошади. Энг кўп писта етиштирувчи давлатлар АҚШ, Эрон, Туркия, Хитой ва Суряя ҳисобланади. Ҳозирги пайтда АҚШ, Туркия, Суряя, Тунис писта етиштириш бўйича Эронга рақобатчилик қилаётган бўлса-да, дунёда Эрон писталарига талаб ва қизиқиш катта. Эронда хандон пистанинг 90 га яқин нави етиштирилаётир. Шундан жуда кўплаб навлари савдо брендлари остида сотилади. Буларга Оухади (Round номи билан машҳур), Аҳмад Агаи (Long), Акбари (Super Long), Кале Гучи (Jumbo) кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистоннинг тоғолди лалмикор майдонларида хандон писта плантацияларини барпо этиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган нав ва шаклларни тўғри танлаш, агротехник тадбирларни сифатли ташкил этишни илмий равишда ташкил этиш долзарб масаладир. Бу борада Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, ишлаб чиқаришгажорий этилмоқда.

Хандон писта пистадошлар оиласига киради. Бу оила вакиллари дараҳт ва буталар бўлиб, улар тропик ва субтропик, айрим турлари мўътадил иқлимли минтақаларда тарқалган.

Мамлакатимизда хориждан келтирилган хандон пистанинг нав уруғларидан пистазорлар барпо этишга эътибор тобора ортиб бормоқда. Барча хориждан келтирилган писта уруғларидан писта-

зорлар барпо қилишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- экилган йирик уруғдан албатта йирикмева берувчи писта дараҳти ўсиб чиқмайди, писта юқори полиморфизм хусусиятига эга бўлиб, уруғидан ўстирилган дараҳтлар мевасининг сифати турли туман бўлади;

- ёш писта дараҳтлари ёки кўчатларини кўчириб ўтқазиш мумкин эмас, чунки кўчатлар 2 йиллик илдизи 2 метр чуқурликка етади;

- хандон писта икки уйли дараҳт ҳисобланиб, чангчи ва уруғчи дараҳтлари алоҳида ўсади, яъни уруғидан экилган дараҳтларнинг ўртача 50 фоиз қисми чангчи (эркак) дараҳт бўлади;

- чангчи дараҳтларни жойлаштиришда ҳар 7 та уруғчи дараҳтга 1 та чангчи дараҳт экиш етарли ҳисобланади, қолганларига уруғчи писта навларини пайванд қилиш мумкин;

- пайванд қилиш муддатлари ва усусларини



түғри танлаш керак, хандон пистани пайвандлашда асосан куртак пайвандусули құлланади;

Навни яхшилашнинг асосий усули узун қалқонча (узунлиги 30-35 мм ва эни 8-12 мм) билан куртак пайвандлашдир. Куртаклар навли дараҳттардан олинади ва пайвандтагнинг пўстлоғи Т шаклида кесилиб, остига куртак қалқончаси билан ўрнатиласди. Пайвандуст сифатида яхши етилган вегетатив куртаклар ишлатиласди.

Хандон писта кўчатлари одатда экилгандан сўнг лалмикор ҳудудларда 2-3 йили пайвандлашга тайёр бўлиб, пайвандлаш ишлари июнь ойининг сўнги декадаси ва июль ойининг биринчи декадасида амалга ошириласди. Тадқиқотлар жараёнида икки йиллик хандон писта кўчатларини эрта баҳорда 10 см баландликда кесиш орқали янгиланган новдага пайвандлаш ишларининг самарадорлиги юқори бўлганлиги кузатилди. Чунки ушбу новда тўлиқ ёғочлашмаган ҳамда ундаги шира ҳаракатининг жадаллиги ёғочлашган новдага нисбатан юқори бўлади.

Пайванд қилинган куртак пайвандтагда зич жойлашиши ва унинг пайвандтаг билан ўсиб кетишида камчилик бўлмаслиги учун плёнка билан зич қилиб боғланади. Бунда барча кесилган жойлар плёнка билан ёпилиши керак, куртак эса очик бўлади. Полиэтиленли плёнканинг узунлиги 30-35 см, кенглиги 1-1,5 см бўлиши лозим.

Пайвандлаш ишлари эрта ёзда (йилига ёғин гарчилик миқдори 200-250 мм бўлган ҳудудда) ва ёзги вақтда (одатда июннинг биринчи декадасидан июлнинг биринчи декадасигача) вегетатив куртакларнинг тўлиқ етилишидан то пайвандтагнинг тана қисмининг пўстлоғи ажralиши тўхтагунча) бажарилиши лозим. Нам шароитда қаламчаларни сақлаш даври хона ҳароратида 3 суткадан ошмаслиги керак. Қаламчалар +1 дан +5°C ҳароратда 10 суткага давомида сақланиши мумкин.

Пайванд ишлари эрталабки ва кечки соатларда икки кишилик звено билан бажариласди. Бири пайванд иши билан, иккинчиси қаламчаларни олиб келади ва уланган жойни кесади. 15-20 кундан сўнг куртак пайвандтаг билан бирга ўсади, бу вақтда плёнкалар олиб ташланади ва куртакларнинг тутиб қолиши назорат қилинади.

Пайвандтагдан ўсиб чиқсан ён бачки новдалар ва пайвандтагнинг уч қисми кесиб ташланади. Куртак ўсиши билан уланган куртакдан 20 см баландликда новда кесилади. Уланган куртаклар 30 см.гача ўсганда тепасидаги ёввойи қисми олиб ташланади.

Хандон писта ўсимлиги яхши ўсиши, ривожланиши учун вегетация давомида тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, шох-шаббасини шакллантириш лозим. Хандон писта ёруғсевар экинdir, шунинг учун қалин жойлашган новдалари қисман кесиб



ташланади. Зааркунанда ва касалликларга қарши қурашишларини олиб боришлозим бўлади.

Куртаклари тутиб қолган новдаларнинг ўсишини жадаллаштириш учун уланган куртакдан 10 см юқорироқ ва пастроқдаги куртаклар олиб ташланади ва пайвандтагнинг уч қисми кесилади. Куртак тутиб қолгандан сўнг новда 15-20 см қолдириб кесилади. Куртаклар 20-25 см ўсгандан сўнг пайвандтагнинг 15-20 см.ли новдаси олиб ташланади. Кейинги 3-4 йиличидаги пайвандтагнинг пастки қисмидан ўсиб чиқаётган бачки новдаларни мунтазам равиша олиб туриласди. Одатда маданийлаштирилган боғлар 3-5 йилда ҳосилга кира бошлайди, ҳар бир дараҳтдан 0,5-2,8 кг ҳосил олина бошлайди.

#### МАНБА:

- 1.Кайимов А., Бердиев Э.Т. Дендрология.–Тошкент: Фан ва технология, 2012.–132-134 б.
- 2.Холмуротов М.З., Қайимов А., Чернова Г.М., Тўраев А. Хандон писта плантацияларини барпо этишда унинг истиқболли шакл ва навларини асослаш.–Тошкент, 2012.– 40-84 б.
- 3.Hamzayev A. K., Eshankulov B. I., Kholmurotov M. Z., Inomova M. M. Study on cultivation of pistachio (*Pistacia vera L.*) seedlings in containers //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2020.– Т. 614. – №. 1. – С. 012119.
- 4.<https://www.worldatlas.com/articles/top-pistachio-consuming-countries.html>

**Мансур ХОЛМУРОДОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети  
кафедра мудири, доцент



**Бобомурод ЭШОНҖУЛОВ,**  
Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот  
институти катта илмий ходими



# ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНАДА ЕТИШТИРИШГА МОС БОДРИНГНИНГ ПАРТЕНОКАРПИК ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ

Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишда аграр тармоқларни такомиллаштириш асосий омил ҳисобланади. Сабзавотларнинг илмий асосланган йиллик истеъмол меъёри уларнинг йил давомида бир хил истеъмол этилишини тақозо қиласди. Бунга эришиш учун очиқ ва ҳимояланган майдон сабзавотчилигини мутаносиб равишда ривожлантириш лозим. Аҳолини йилнинг кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ҳимояланган майдон сабзавотчилиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ҳимояланган майдонлар сабзавотчилигига катта ўзгаришлар содир бўлди. У ривожланиб келаётган тармоқдан илмий ва индустрисиал асосда ривожланган тармоққа айланди, яъни иссиқхона турлари такомиллаштирилди, ҳимояланган майдонлар учун янги нав ва дурагайлар яратилди, парваришлишнинг янада янги, маҳсулот таннархи пасайишини таъминловчи илфор усуллари ишлаб чиқилди.

Ҳимояланган майдонларнинг замонавий босқичдаги алоҳида хусусияти шуки, бозор иқтисодиёти ислоҳотида замонавий иссиқхоналар майдони кенгайди. Ҳозирги кунда республикамизда ойнаванд иссиқхоналарнинг умумий майдони 600, плёнка қопламалиси 12 минг гектардан ортиқ майдонни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ҳар йили 600–800 гектарга кўпаймоқда.

Энергия ресурслари тақчиллиги ва нархининг ошиб бориши натижасида сўнгги йилларда иссиқхоналарни иситиш учун сарф-харажат ортмоқда.

Бунинг натижасида номавсумий муддатларда аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун иссиқхоналарни иситмасдан фойдаланиш услуби кенг тарқалмоқда.

Шу муносабат билан иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштириш учун мос бодринг дурагайларини танлашдолзарб масалалардан биридир.

Тажрибаларда бодрингнинг маҳаллий ва хорижий селекцияга мансуб 20 та, жумладан, Ўзбекистоннинг 8 та, Нидерландиянинг 7 та, Жанубий Кореянинг 3 та, Россия ва Германиянинг биттадан партенокарпик дурагайлари синалди. Булар: маҳаллий Сардор F1, Дурафшон F1, Даира F1, Элегант F1, Хон F1, Ягона F1, Осиё F1, Чемпион F1, Баҳора F1, Нидерландиянинг Орзу F1, Азamat F1, Эспенада F1, Пиколино F1, Холайн F1, Нано (304) F1, Жанубий Кореянинг Аванте F1, Фонтана F1, Колет F1, Россиянинг Искандар F1 ва Германиянинг Акцент F1 дурагайларидир.



## 1-жадвал. Иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодрингнинг F<sub>1</sub> дурагайлари ҳосилдорлиги

Дурагайлар	Ҳосилдорлик, кг/м <sup>2</sup>				
	2019 йил	2020 йил	2021 йил	Үртача	st га нисбатан, %
Орзу F <sub>1</sub> ст	15	13,9	14,8	14,58	100
Дурафшон F <sub>1</sub>	13,9	13,1	14,1	13,7	94
Даяра F <sub>1</sub>	16,7	15,5	16,4	16,19	111
Элегант F <sub>1</sub>	14,1	13,9	14	14	96
Хон F <sub>1</sub>	15,1	14,1	15,4	14,87	102
Ягона F <sub>1</sub>	13	12	12,7	12,56	86,1
Осиё F <sub>1</sub>	11,5	11	12,3	11,59	79,5
Чемпион F <sub>1</sub>	12	11,6	12,4	11,98	82,2
Баҳора F <sub>1</sub>	14,2	14,9	15,6	14,88	102
Сардор F <sub>1</sub>	16,2	16,9	17,1	16,74	114,8
Азамат F <sub>1</sub>	15,1	14,5	15,5	15,03	103,1
Эспенада F <sub>1</sub>	13,2	12,9	13,7	13,28	91,1
Пиколино F <sub>1</sub>	15,1	14,9	16,2	15,4	105,6
Аванте F <sub>1</sub>	14,8	15	15,3	15,05	103,2
Фонтина F <sub>1</sub>	17,1	15,9	16,3	16,43	112,7
Искандар F <sub>1</sub>	14,3	13,5	15,2	14,32	98,2
Колет F <sub>1</sub>	13	14,1	13,5	13,55	92,9
Хоплайн F <sub>1</sub>	11,2	11,8	12,2	11,72	80,4
Акцент F <sub>1</sub>	12,5	13,1	12,5	12,69	87
Нано (304) F <sub>1</sub>	13	13,4	12,1	12,82	87,9

**Тажрибалар 2019–2021 йилларда Андижон вилояти Олтинкўл туманинаги “Шоҳислом орзу келажаги” фермер хўжалигининг иситилмайдиган полиэтилен қопламаси билан ёпилган ангар (блокли) иссиқхонасида ўтказилган.**

Бодринг уруғи 50 талик 7×7 см кассеталарда экилди. Кўчатларни экиш учун кассеталарда чириган гўнг (40 фоиз), тупроқ (40 фоиз) ва ёғоч қипиғи (20 фоиз) аралашмасидан фойдаланилди. Иссиқхонада ерни тайёрлашдан олдин гектар ҳисобига 40 тонна органик, физик ҳолда 400 кг фосфорлива 150 кг калийли ўғитлар солинди.

Иссиқхонага дурагайларнинг 3-4 та чинбарг чиқарган, бақувват, илдизи яхши ривожланган 25-30 кунлик кўчатлари 10 мартда 80x40 см схемада экилди. Иссиқхонага ўтқазилган кўчатлар яхши тутиб кетиши учун дарҳол суғорилди, сўнг 2-3 кун ичida хато жойларга қайтадан кўчат ўтқазилди. Тажриба майдонига экилганда кўчатларнинг 100 фоиз тутиши қайд этилди.

Бодринг дурагайларидан 75 фоиз ҳосилнинг техник етилиши стандарт Орзу F<sub>1</sub> ва Элегант F<sub>1</sub>, Ягона F<sub>1</sub>, Хоплейн F<sub>1</sub>, Азамат F<sub>1</sub> дурагайларида 59 кун бўлиб, Хон F<sub>1</sub> дурагайи 4 кун эрта – 55 кунда, Даяра F<sub>1</sub>, Осиё F<sub>1</sub>, Баҳора F<sub>1</sub>, Эспенада F<sub>1</sub>, Пиколино F<sub>1</sub>, Фонтина F<sub>1</sub>, Акцент F<sub>1</sub>, Дурафшон F<sub>1</sub>, Согна F<sub>1</sub>, Сардор F<sub>1</sub>, Искандар F<sub>1</sub> дурагайлари 1-2 кун эрта –



57-58 кунда ва қолган дурагайлар 1-2 кун кеч пишиди.

Үсимликлар 40 кунлик бўлганда биометрик ўлчовлар ўтказилди. Стандарт Орзу F1 үсимлигининг бўйи 175 см бўлиб, унга яқин кўрсаткич Дурафшон F1, Элегант F1, Хон F1, Осиё F1, Баҳора F1, Азамат F1, Искандар F1, Колет F1 ва Хоплайн F1 дурагайларида қайд қилинди. Стандарт навдан юқори Даяра F1 ва Сардор F1 дурагайларида қайд этилди ва 184 см ёки 105,1 фоиз юқори бўлди. Стандарт Орзу F1 дурагайига нисбатан бўйи паст (82,9-92,6 фоиз) үсимликлар Ягона F1, Эспенада F1, Аванте F1, Фонтина F1, Пиколино F1, Акцент F1 ва Нано (304) F1 дурагайларида кузатилди.

Ён шохлар сони стандарт Орзу F1 дурагайида 12 дона бўлган бўлса, Осиё F1, Эспенада F1 ва Акцент F1 дурагайларида 2 та кам, қолган дурагайларда ён шохлар сони стандартга яқин – 11-13 тани ташкил қилди.

Битта тупда стандарт Орзу F1 дурагайида 19 дона барг шаклланган бўлса, унга нисбатан фақат Хон F1 дурагайида барг кам (17 дона) бўлган. Стандартга нисбатан 2-3 дона кўп (21-22 дона) ёки 115,8 фоиз ортиқ кўрсаткич – Баҳора F1, Сардор F1, Пиколино F1, Аванте F1, Фонтина F1, Искандар F1 ва Акцент F1 дурагайларида кузатилган. Қолган дурагайларда стандартга яқин 18-20 табарг бўлган. Нано (304) F1, Акцент F1, Колет F1, Пиколино F1, Чемпион F1 дурагайларида стандартга нисбатан 1-2 та кам (20-21 дона) барг шаклланди.

Барг сатҳи дурагайларда турлича бўлди. Стандарт Орзу F1 дурагайида 27,2 дм<sup>2</sup> бўлган бўлса, Даяра F1, Элегант F1, Ягона F1, Осиё F1, Баҳора F1, Азамат F1, Искандар F1 дурагайларида 118,4-137,4 фоиз юқори бўлди. Стандартга нисбатан Эспенада F1, Колет F1, Аванте F1 ва Нано (304) F1 дурагайларида кичик – 80,9-89 фоиз ва қолган дурагайларда стандартга яқин бўлди.

Дурагайларнинг ҳосилдорлиги стандарт Орзу

F1 дурагайида 14,6 кг/м<sup>2</sup> бўлган бўлса, Пиколино F1, Фонтина F1, Даяра F1 ва Сардор F1 дурагайларида 15,4-16,7 кг/м<sup>2</sup> ёки 105,6-114,8 фоиз юқори. Элегант F1, Хон F1 стандартгатенг.

Баҳора F1, Азамат F1, Аванте F1, Искандар F1 дурагайларида 14,3-15 кг/м<sup>2</sup> кузатилди. Қолган дурагайлар стандартдан кам бўлди (1-жадвал).

Синалган 20 та дурагай бодринг таркибидаги қуруқ модданинг энг кўпи Ягона F1, Колет F1, Сардор F1 ва Фонтина F1 дурагайларида (7,2-7,4 фоиз) бўлган. Стандарт Орзу F1 дурагайига яқин Даяра F1, Осиё F1, Искандар F1, Чемпион F1, Азамат F1, Хоплайн F1 дурагайларида 6,9-7,1 фоиз бўлган.

Умумий қанд миқдори стандарт Орзу F1 дурагайида 2,3 фоиз бўлса, ундан юқори Дурафшон F1, Сардор F1, Аванте F1, Фонтина F1 ва Искандар F1 дурагайларида 2,4-2,5 фоизга тенг бўлди.

Аскорбин кислотаси миқдори Орзу F1 дурагайида стандарт, Даяра F1, Баҳора F1, Сардор F1, Азамат F1, Пиколино F1 дурагайларида юқори бўлди ва 9,8-10,2 мг/фоизни ташкил қилди.

Умумий қанд миқдори стандарт Орзу F1 дурагайида 2,3 фоиз бўлган бўлса, ундан юқори Сардор F1, Фонтина F1 дурагайларида 2,4-2,5 фоиз, Даяра F1 дурагайида 2,2 фоиз бўлган. Аскорбин кислотаси миқдори стандарт Орзу F1 дурагайида 9,5 мг/фоиз бўлган. Унга нисбатан Даяра F1, Сардор F1, Фонтина F1 дурагайларида аскорбин кислотаси миқдори юқори – 9,8-10,2 мг/фоизни ташкил қилди. Стандартга яқин ва тенг Фонтина F1 дурагайларида 9,5 мг/фоизни ташкил этди.

Ҳосилни сотишдан олинган соғ фойда стандарт Орзу F1 дурагайида 142 343 минг сўм, Даяра F1 да стандартга нисбатан 30 785 минг сўм, Сардор F1 да 40 403 минг сўм ва Фонтина F1 да 34 634 минг сўм ортиқ бўлди.

Рентабеллик даражаси стандарт Орзу F1 дурагайида 95,1 фоиз бўлган бўлса, Даяра F1, Сардор F1 ва Фонтина F1 дурагайларида 114,8-120,8 фоизни ташкил қилди.

**Шермуҳаммад АМИНОВ,**  
Сабзавот, полиз экинлари ва  
картошкачилик илмий-тадқиқот  
институти ходими



**Рафик ҲАКИМОВ,**  
Сабзавот, полиз экинлари ва  
картошкачилик илмий-тадқиқот  
институти ходими



# МАРКАЗИЙ АЙЛАНМА СУФОРИШ ТИЗИМИ

қандай қилиб Саудия Арабистони чўлини  
қишлоқ хўжалиги ерига айлантириди?

Қишлоқ хўжалиги ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий ўсиш-нинг ўзаги ҳисобланади. Бироқ мўл озиқ-овқат етиштириш ёки ишлаб чиқариш учун муттасил катта миқдорда сув керак. Шу боис сувни исроф қилмаслик учун суформа сув экинларга етарли даражада қўлланиши лозим. Демак, қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланиш самарадорлигини барқарор равишда ошириш зарур. Марказий айланма суфориш тизимлари тахминан 70 йил олдин қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштиришни ва экинларни суфориш самарадорлигини ошириш учун ихтиро қилинганди.

Марказий айланма суфориш тизимларини қўллаш кўплаб дала шароитига мос келади. Ушбу тизимнинг мослашувчанлиги ва фаолиятини юқори самарадорлик билан бошқариш имконияти туфайли кўпчилик экинларни суфориш учун ишлатиш мумкин. Деярли барча турдаги тупроқ ва иқлим шароитига мос келади. Озуқавий ва кимёвий моддалар ушбу тизим орқали барча турдаги экинларга қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, тизим бошқа суфориш усуслари билан солиштирганда ишлаш учун кўп ишчи кучи ва меҳнат талаб қилмайди.

Марказий айланма суфориш тизими суформа сув етишмайдиган қурғоқчил ёки ярим қурғоқчил ҳудудлар учун энг мос пуркагичли тизимлардан биридир. Ушбу тизим Саудия Арабистонида кенг қўлланади ва мамлакат бўйлаб 20 мингдан ортиқ марказий айланма суфориш тизимлари мавжуд.

## Саудия Арабистони тажрибаси

Саудия Арабистони худуди 2 миллион квадрат километр майдонни эгаллади. Бу билан дунё давлатларининг қурғоқчиллик рейтинги бўйича 14-йуринда туради. Бироқ подшолик ҳудудининг 95 фоизи иссиқ чўл бўлиб, у ерда кўплаб қуммикларга дуч келиш мумкин. Шунингдек, бу давлат бирорта ҳам доимий оқувчи дарё топилмайдиган кам сонли мамлакатлардан биридир. Бундан ташқари, Арабистонда бутун йил давомида ўртacha йиллик ёғингарчиллик 150 мм.дан паст. Аммо мамлакатга электрон хариталардан яқинроқ назар солинса, кутилмаган нарсаларни кўриш мумкин. Саудия Арабистони қишлоқ хўжалиги гуллаб яшнаган, дехқонларга кўп турдаги меваларни йиғиб олишга имкон берадиган кўплаб айланна шаклидаги қишлоқ хўжалиги ерларидир.


Мамлакат 35 минг квадрат километр экин майдонига эга. Бу таққослаганда Нидерландиядан каттароқ ва Қатардан эса уч баробар кенгdir. Ҳолбуки, ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Саудия Арабистонида атиги 400 квадрат километр ҳайдаладиган ер бор эди. Нефтга бой подшолик қандай қилиб қисқа муддатда экин майдонини кенгайтириди? Бирламчи ҳаракат сифатида сувни тежаш учун Саудия Арабистони технологияни импорт қилди ва у жуда кўп ўзгаришларга қўл урди. Бу технология марказий айланма суғориш тизимиdir.

### Марказий айланма суғориш тизими нима ва у қаердан пайдо бўлган?

1948 йилда небраскалик инновацион фермер Френк Зибах 1952 йилда патентланган пуркагич тизимининг янги турини – марказий айланма суғориш тизимини ишлаб чиқди. У механизациялашган суғориш тизимидан фойдаланишни ўз ичига олади. Асосий қисми узун радиусли қувур бўлиб, унга ўрнатилган пуркагичларни сув билан таъминлаб туради. Бу конструкция бутун механизмнинг марказий нуқтаси атрофида айланади. Радиал трубанинг ўзи атрофдаги экинларни сув билан таъминлаш учун тенг масофада жойлашган нозуллардан иборат. Қувур аста-секин айланадиганда сув экинларни суғориш учун нозуллардан бир хил керакли босимда чиқади. Марказий бурилишли суғоришнинг радиал қувурлари тизимидан фойдаланган ҳолда сув далада тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланади. Қувурнинг барча нозуллари бир хил оқим тезлигига эга вабирхил майдонни қоплади.

Бу экинларга қўлланадиган сувнинг бир хил тарқалишини таъминлашга ёрдам беради. Марказий айланма суғориш тизими бириклирилган қувур узунлигига қараб, текис тизимда 60 гектаргача ва айланали тизимда қарийб 90 гектар майдонни эгаллаши мумкин.

Саудия Арабистонидаги суғориладиган барча майдоннинг қарийб учдан икки қисмida марказий айланма суғориш тизимидан фойдаланилади. Бу кўп гектар майдонни интенсив суғориладиган қишлоқ, хўжалиги ерига айлантиришга ёрдам берди. Мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотини сақлаб қолиш учун фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бу ўзгаришларга хизмат қилди. Дастрас Саудия Арабистони дехқонлари марказий айланма суғориш тизимларининг латерал қувурларида ҳаддан ташқари коррозиядан шикоят қилишибди. Чунки улар турли сифатдаги сувдан фойдаланган. Муаммога қарши курашиш учун кўплаб фермер хўжаликларидағи латерал қиммат пўлат қувурлар зангламайдиган полиэтилен



1-расм. Саудия Арабистонининг Буисита худудида марказий айланма суғориш тизимлари жорий қилинишидан олдинги (1987 йил) ва кейинги (2012) йиллардаги тафовут



2-расм. Саудия Арабистонидаги марказий айланма суғориш тизими



3-расм. Марказий айланма суғориш тизими

қувурларга алмаштирилди.

1992 йилда қайта тикланмайдиган ерости сув манбалари суформа сувнинг қарийб 92 фоизини таъминлади. Бу умуммиллий сувдан фойдаланишнинг 85 фоиздан ортигини ташкил этди. Натижада Саудия Арабистонида марказий айланма суғориш тизимлари сони тез суръатда ошди. Марказий айланма суғориш тизими самарали бўлиши мумкин, аммо бу муаммони батамом ҳал қилмади. Ҳақиқий



маънода у фақат сув етишмовчилиги муаммолини кейинга сурди, холос.

## Ўзбекистонда марказий айланма суфориш тизими

Экинларни суфоришнинг турли усули мавжуд. Энг қадимий усуллардан бири ва бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда мавжуд бўлгани ўқариқлар орқали суфоришдир. Бу (кўллатиб суфориш) услуб асрлар давомида қўлланган. Қадимги мисрликлар бундан 3800 йил олдин фойдаланган. Эски усуллар ҳар доим ҳам энг яхши усул эмас. Замон ўзгарди, технологиялар жуда яхшиланди. Сувдан унумли фойдаланиш нуқтаи назаридан кенг қўлланадиган ариқлар орқали суфориш беҳуда. Ўқариқ орқали суфориш ёрдамида сувнинг фақат 50 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги экинларигача етиб боради. Қолган ярми буғланиш, оқиш, ишлов берилмаган майдонларга инфильтрация ва бегона ўтларнинг барглари орқали транспирация натижасида йўқолади. Марказий айланма суфориш тизими билан сувнинг экингача етиб бориш даражаси 85-90 фоизгача яхшиланади.

2019 йилда "Jizzax Organic" МЧЖ мол гўшти ва сут агрокластери 2019-2023 йилларда "Valley" (АҚШ) билан Жиззах вилоятининг Зомин ва Зарбдор туманларида 3000 гектардан ортиқ майдонда марказий айланма суфориш тизимларини ўрнатиш бўйича шартнома имзолади. 2019-2020 йилларда қарийб 1500 гектар майдонга марказий айланма суфориш тизими ўрнатилди. Энди агрокластер ўзининг сув муаммоли далаларида ушбу суфориш тизимларидан фойдаланмоқда. Марказий айланма суфориш тизимидан олинадиган фойдани "Jizzax Organic" МЧЖ вакилларидан бири қўйидаги изоҳлади:

"Марказий айланма суфориш тизими орқали далаларни ўзгарувчан тезликда суфориш нафақат ресурсларни тежаш учун, балки ҳудудда тўғри миқдорда сув қўллаш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳатто битта далада ҳам ҳар хил тупроқ мавжуд. Ариқлар орқали суфорганда тупроқ турига

қараб суфориш интенсивлигини назорат қилиб бўлмайди. Марказий айланма суфориш тизими мавсум давомида даламида қўлланадиган ўғитларни беҳуда йўқотишнинг олдини олишга ёрдам беради. Мақсадли экинлар орқали сўрилиши даражасини оширади. Биз ўғитларни қўллаш учун сарфланган пулни тежаб қолмай, балки марказий айланма суфориш тизими билан сезиларли даражада экологик муаммоларни ҳам камайтирамиз. Агар аввал 600 гектар майдонни 5 кун давомида 10 киши суфорган бўлса, энди бу майдонни бир мутахассис назорат қиласи ва у бу муддатда 6 марта тез-тез суфориши мумкин".

## Хуносা

Марказий айланма суфориш тизимининг афзаллиги сув тақсимлашнинг мақбул бир хиллиги, тупроқ турига қараб бир вақтнинг ўзида турли интенсивликларда ишлай олиши, сувни экинларга етказиб беришдаги фойдали иш коэффициенти юқорилиги ва жуда кам ишчи кучи талаб қилишидадир. Бу тизим айни вақтда Ўзбекистондаги вазиятдан келиб чиқсан ҳолда истиқболли, замонавий ирригация тизимларидан биридир. Марказий айланма суфориш тизимини кенг кўламда жорий этиш учун Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги инвесторларни, фермер хўжаликларини ушбу тизимдан фойдаланишга ундаш ва субсидиялар орқали рағбатлантириш жуда муҳим. "Jizzax Organic" МЧЖда олинган тажрибалар Ўзбекистоннинг ҳамма жойида кўриб чиқилиши ва жорий этилиши айни дамда муаммога айланётган сув танқислиги муаммоларини бартараф этиш учун бошланғич қадам сифатида ечимдир.

### МАНБА:

- Kushwaha, Nand Lal & Kanojia, Varsha. (2018). Evaluation of central pivot irrigation system under different soil and climatic conditions. 2551-2553.  
[https://www.researchgate.net/publication/338789175\\_Evaluation\\_of\\_central\\_pivot\\_irrigation\\_system\\_under\\_different\\_soil\\_and\\_climatic\\_conditions/citation/download](https://www.researchgate.net/publication/338789175_Evaluation_of_central_pivot_irrigation_system_under_different_soil_and_climatic_conditions/citation/download)
- El Marazky, Mohamed Said. (2018). Field assessment of water losses and performance of center pivot irrigation systems under Riyadh area conditions. Journal of King Saud University. 27. 27-35. [https://www.researchgate.net/publication/328223942\\_Field\\_assessment\\_of\\_water\\_losses\\_and\\_performance\\_of\\_center\\_pivot\\_irrigation\\_systems\\_under\\_Riyadh\\_area\\_conditions/citation/download](https://www.researchgate.net/publication/328223942_Field_assessment_of_water_losses_and_performance_of_center_pivot_irrigation_systems_under_Riyadh_area_conditions/citation/download)

### Жонибек РАҲМОНОВ,

"Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак" лойиҳасининг бозор тадқиқотлари бўйича консультантини





# ДЕҲҚОНЛАР САБЗАВОТЛАРНИ ЎҒИТЛАШДА НИМАЛАРГА АҲАМИЯТ БЕРИШИ КЕРАК?

## Сабзавотларнинг қисқача тавсифи

Сабзавот экинлари – серсув, этли ва мазали (меваси, илдизмеваси, карамбоши, пиёзбоши, туганаги, пояси, барги, куртаги, илдизи) инсон истеъмол қиласидиган ўтсимон ўсимликлардир.

Сабзавотлар хушхўрлиги, тўйимлилиги ҳамда шифобахшлиги билан асосий озиқ-овқат турларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинадиган қисмлари (органлари)га қараб қуидагиларга бўлинади: мевалилар (помидор, қалампир, нўхат, бақлажон, бодринг, қовун, тарвуз, ошқовок, қовоқча, патиссон, ловия, дуккаклилар, ширин маккажўхори), баргли ва поябаргли (карамбоши ва барг карам, салат, кресс салат, исмалоқ, шовул, ровоч, петрушка ва сельдерей, манголд, хантал, кўп йиллик пиёз), пиёзлилар (бош пиёз, саримсоқлиёз), илдизмевалилар (сабзи, лавлаги, брюква, шолғом, турп, редиска, пастернак, сельдерей ва петрушка), илдизпояли (ерқалампир), туганак мевали (картошка, батат), поямевали (колраби), тўпгулли (артишок, гулкарам), новдали (спаржа), қўзиқорин (шампиньон).

Сабзавотларнинг ҳаёт давомийлиги бир йиллик, икки йиллик ва кўп йилликка бўлинади ҳамда қуидаги оилаларни ўзичига олади:

1) карамдошлар ёки бутагулдошлар

(Brassicacea) – карамнинг ҳамма тури, редиска, турп, шолғом, ерқалампир, катран, брюква, хантал;

2) сельдерейдошлар ёки соябонгулдошлар (Apiaceae) – сабзи, петрушка, сельдерей, шивит, пастернак, кашнич, фенхел;

3) қовоқдошлар (Cucurbitaceae) – тарвуз, қовун, ошқовок, бодринг, қовоқча, патиссон;

4) итузумдошлар (Solanaceae) – помидор, бақлажон, қалампир, физиалис, картошка;

5) шўрадошлар (Chenopodiaceae) – ош лавлаги, исмалоқ;

6) дуккақдошлар ёки капалакгуллилар (Fabaceae) – кўк нўхат, ловия, спаржа ловияси, дуккаклилар;

7) астрадошлар ёки мураккабгулдошлар (Asteraceae) – салат (қора салат), артишок (бўзтикан), скорцинер, эстрагон (шеролчин), цикорий (сачратки), эндивий;

8) торонгулдошлар (Polygonaceae) – шовул, ровоч;

9) лабгулдошлар ёки ясноткадошлар (Lamaceae) – райхон, оддий ялпиз, иссол, майоран, жамбил;

10) печакгулдошлар (Malvaceae) – батат;

11) пиёзгулдошлар (Liliaceae) – бош пиёз, батун, порей, кўп ярусли, шнит, олтой, шалот, саримсоқ-



пиёз;

- 12) спаржадошлар (Asparaguaceae) – сарсабил;
- 13) бошоқдошлар (Poaceae) – ширин маккакхўжори.

### Сабзавотлар биомассаси ва унинг кимёвий таркиби

Сабзавотлар биомассасини органик ва минерал моддалар биргаликда ўсимликтарниң қуруқ моддаси ва сув ташкил қилади (1-жадвал).

Сабзавотлар таркибидаги қуруқ модда атмосферадан карбонат ангидрид, тупроқдан сув ва минерал тузларнинг ўзлаштирилишидан ҳосил бўлади. Ўсимликларда қуруқ моддаларнинг ҳосил бўлиши фотосинтез жараёни орқали яшил пигментлар ва қўёш энергияси иштирокида амалга ошади.

Органик модда (углевод)лар ҳосил бўлиши схемаси:



Сабзавот маҳсулотлари қуруқ моддасининг кимёвий таркибини углеводлар – крахмал, қанд, клетчатка ҳамда пектинли моддалар ташкил этади. Крахмал захира озуқа моддаси вазифасини ўтайди. Картошка туанакларида анчагина миқдорда (25 фоизга қадар) тўпланади. Шунингдек, дуккакли сабзавотлар, сабзи, кечки (қишки) қовун нави ва бошқа ўсимликларда ҳам бўлади. Крахмал сувда эримайди ва одам организми уни амилаза (диастаза) ферменти таъсирида парчаланиб, қанд (мальтоза ва ундан кейин глюкоза)га айланган ҳолатдагина ўзлаштира олади. Кечки (қишки) қовун навлари ва баъзи сабзавот турлари сақлаб қўйилганда шираси ортиб қолишининг сабаби ҳам улар таркибидаги крахмалнинг шакарга айланishi дадир.

Қанд – қовун, сабзи, нўхат, пиёз ва лавлагида сахароза; карам, бодринг, ошқовоқ ва тарвузда глюкоза кўп бўлади. Клетчатка (целлюлоза)ни одам организми жуда суст ўзлаштиради. Бироқ клетчатка ичакларни ҳаракатлантириши туфайли овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Пектинли моддалар полисахаридлар гуруҳига киради ва ўсимлик ҳужайралари деворида бўлади. Бу моддалар ҳужайраларни мустаҳкамлайди. Шу туфайли ўсимлик тўқималарига мустаҳкамлик бахш этади. Етилмаган мева-сабзавот экинларида пектинли моддалар эримайдиган пропектин ҳолатида бўлади. Мева пишиб етилгандан кейин эса ферментлар таъсирида сувда эрийдиган пектинга айланади. Натижада ҳужайралар ўртасидаги боғланиш бўшашади ва мева юмшаб қолади.

Азотли моддалар асосан оқсиллардан иборат. Сабзавотда азотли моддалар жуда кам – 0,4-2,5 фоиз атрофида бўлади. Саримсоқ ва дуккакли саб-

Экинлар номи	Ўсимлик таркибидаги қуруқ модда ва сув миқдори	
	Қуруқ модда %	Сув %
Қалампир, помидор, бодринг мевасида	4-8	92-96
Оқ карам, редиска, турп илдизмевасида	7-10	90-93
Сабзи, лавлаги, піёз илдизмевасида	10-15	85-90
Кўпчилик дала экинлари баргида	15-25	75-85
Картошка туганаги, қанд лавлаги илдизмевасида	20-25	75-80
Бошоқли ва дуккакли экинлар донида	85-88	12-15
Кунгабоқар, каноп, ва бошқа мойли экинлар ургида	90-93	7-10

1-жадвал

завот ўсимликлари бундан мустасно. Зеро, дуккакли ўсимликларнинг кўк меваси (қўзоги) таркибида 6-7 фоизга қадар азотли моддалар бўлади. Бошқа сабзавотлардан фарқли равишда исмалоқ азотли моддаларга бой. Глюкозидлар таркибида азот сақловчи моддалар бор. Таъми аччиқ ва кўпинча заҳарли хоссага эга. Булар орасида соланин моддаси энг кўп тарқалган бўлиб, картошка ва бошқа томатдош ўсимликларда тўпланади. Мой сабзавотлар таркибида жуда кам миқдорда (0,1-0,4 фоиз), Bcocall уларнинг уруғида бўлади. Қовоқдошларга мансуб ўсимлик уруғи мойга бой.

Органик кислоталар. Сабзавот маҳсулотлари таркибида лимон кислотаси, олма кислотаси, оксалат (шавель) кислотаси ва баъзи бошқа кислоталар бўлади. Улар сабзавот маҳсулотларининг таъм ва сифатини яхшилайди ҳамда овқатнинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради. Бироқ отқулок, ровоч ва баъзи бошқа сабзавотлар таркибида учрайдиган оксалат кислотасини ортиқча истеъмол қилиш зарарлидир.

Сабзавотларда ғоят хилма-хил бўёқ моддалар – пигментлар учрайди. Барглар ва етилмаган меваларнинг яшил ранги хлорофиллга; сабзи ва ошқовоқнинг тўқ сариқ ва қизил ранги каротинга (A провитамины) ҳамда унинг оксидланиш маҳсулоти бўлмиш ксантофиллга; помидор мевасининг қизил ранги ликопин пигментига; қалампирнинг сариқ ранги кансенин пигментига боғлиқ бўлиб, унинг ўзи ҳам каротиннинг оксидланиши маҳсулидир. Антоциан деган умумий ном билан аталувчи бир гуруҳ бўёвчи моддалар сабзавот маҳсулотларига кўк, бинафша ва қизғиши бинафшаранг тус беради. Пиёзнинг сиртқи қобиғига ранг бериб турувчи бўёвчи моддалар кварцетин деб аталади. Юқори ҳарорат ёки оксидланиш таъсирида бўёвчи моддалар парчаланади ва сабзавот асл рангини йўқотади (масалан, қуритилганда, қайнатилганда ва ҳоказо).

Эфир мойлар кўпчилик сабзавот маҳсулотлари (пиёз, саримсоқ, укроп, сельдерей, петрушка)да бўлиб, аксар ҳолларда ҳимоячи вазифасини ўтайди. Таркибида эфир мой бўлган сабзавотлар одатда овқатни хуштаъм қиладиган зиравор сифатида ишлатилади. Булар овқатни мазали қилиш билан бирга

организмда ошқозон ширасини ажратиб чиқариш хусусиятига эга. Бу эса овқат ҳазм бўлишини кучайтиради. Янги сабзавотлардан тайёрланган салатлар ҳамда тузланган ва маринадланган (сиркаланган) сабзавот маҳсулотлари ҳам худди шундай аҳамиятга эга.

Баъзи сабзавотлар, айниқса, пиёз ва саримсоқдаги эфир мойлар жуда кучли фитонцид хоссага эга. Улар касаллик туғдирувчи микроорганизмларни ўлдириди ва одамни кўпгина юқумли касалликлардан ҳимоя қиласди.

Сабзавот маҳсулотларининг қиймати ва инсон овқатланишидаги бебаҳо аҳамияти уларнинг таркибида одам организмининг нормал ривожланиши ва ҳаракат қилиши учун зарур бўлган витаминлар, ферментлар ва минерал тузлар кам миқдорда мавжуд эканидадир. Кимёвий таркиби турлича бўлган органик бирикмалар бўлмиш витаминлар, айниқса, катта аҳамиятга эга. Улар организмда катализатор вазифасини ўтайди. Шу туфайли моддалар алмашинувидан муҳим роль ўйнайди. Овқатда витамин бўлмаслиги ёки етишмаслиги организмда моддалар алмашинувидан бузилишига ва кўпчиликка аён бўлган авитаминоз билан касалланишга олиб келади.

С витамини ёки аскорбин кислотаси ( $C_6H_8O_6$ ) организмни цинга ва камқонликдан муҳофаза қиласди. Ички секреция безларининг нормал фаолияти учун зарур бўлган оксидланиш жараёнини ва углеводлар алмашинувини кучайтиради ҳамда атеросклероз ривожланишини тўхтатади.

Сабзавот ҳамда мевалар, айниқса, барралигига истеъмол қилинадиган сабзавот ва мевалар С витаминининг асосий манбаи ҳисобланади. Сабзавот ҳамда мевалар қайнатилганда ёки бошқа усууллар билан пиширилганда С витамини анчагина парчаланади. Шунингдек, сабзавотларни сақлаш вақтида ҳам таркибидаги С витамини миқдори жудакамайиб кетади.

Овқатда А витамини ( $C_{20}H_{29}OH$ ) етишмаслиги ўсишни секинлаштиради. Кўзнинг касалланишига (шабқўрликка) олиб келади. Организм баъзи тери касалликлари юқишига мойил бўлиб қолади. Сабзи, ошқовоқ, исмалоқ, петрушкада кўп бўладиган каротин А провитамини вазифасини ўтайди. Одам организмидан каротин парчаланиб, икки молекулави А витамини ҳосил қиласди ( $C_{40}H_{56}+2H_2O=2C_{20}H_{29}OH$ ). Сабзавот маҳсулотлари қайнатилганда ва ачитилганда каротин деярли парчаланмайди, аммо улар қуритилганда жуда кўп каротин нобуд бўлади.

B1 витамини ёки тиамин ( $C_{12}H_{18}ON_4SC_{12}$ ) углеводларнинг чала ёниши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотнинг – пироузум кислотасининг организмдан чиқариб юборилишига ёрдам беради. Бу кислотанинг организмда кўплаб тўпланиши ўта

толиқувчанликка ва бери-бери касаллигининг авж олишига олиб келади. B1 витамини юрак-қон томир ва асаб тизимининг нормал ишлаши учун ҳам зарур. Бу витамин гулкарам, дуккакли ўсимликлар, картошка, исмалоқ ва бошқа сабзавот экинларида бўлади.

B2 витамини ёки рибофлавин ( $C_{17}H_{20}N_4O_6$ ) организмда углевод, оқсил ва ёғ алмашинувидан қатнашадиган ферментлар таркибида киради. Бу витаминнинг етишмаслиги бўй ўсишининг сусайиши, кўзнинг хиралашуви, тери, асаб хасталиклари га сабаб бўлади. Ачитки, гўшт, сабзавотлардан эса кўк нўхат, ловия, исмалоқ ва бошқалар B2 витамини манбаи ҳисобланади.

Витамин PP ёки никотин кислотаси ( $C_6H_5O_2N$ ) организмда кечадиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнида фаол қатнашади. Организмда бу витамин етишмаслиги пеллагра касаллигини келтириб чиқаради. Никотин кислотаси картошка, гулкарам, кўк нўхат, қалампир, бақлажон ва бошқа сабзавотлар таркибида бўлади.

Тури, нави, ёши ҳамда ўсиш шароитига қараб, сабзавотларнинг таркибидаги витаминлар миқдори кескин ўзгариб туради. Масалан, қизил сабзи навида ва тўқ сариқ, этли қовоқ навида шу экинларнинг оч сариқ навига нисбатан витамин кўп бўлади. Етилиб пишган қалампир ва помидор меваси етилмаган навига нисбатан С витаминига бой бўлади. Салат, карам ва пиёзнинг сиртқи баргларида С витамини ички баргларидагига нисбатан кўпроқ. Далада ўстирилган помидор таркибида иссиқхонада ўсганига нисбатан каротин кўп. Азотли ўғитлар исмалоқ баргидан каротинни кўпайтиради, калийли ўғитлар эса камайтиради.

### Сабзавотларда озуқа элементи функциясида етишмаслиқ белгилари

Ўсимликлардаги озиқланиш бир пайтнинг ўзида иккита хилкечади: биринчиси, фотосинтез, яъни поя ва баргларнинг атмосферадаги  $CO_2$  газини ўзлаштириб олиши; иккинчиси, минерал – илдиз орқали сув ва унда эриган минерал тузларнинг ўзлаштирилиши. Фотосинтез анча мураккаб жараён бўлиб, бир нечта босқичда содир бўлади. Баргдаги яшил пигмент бўлмиш хлорофиллар ёруғлик энергияси квантларини ютгач, фаол ҳолатга ўтади. Барг таркибидаги икки молекула сув ( $H_2O$ ) билан таъсирилашиб, икки атом водород ( $H$ )ни тортиб олади. Қолдиқ гидроксид ( $OH$ )дан водород пероксид ( $H_2O_2$ ) ҳосил бўлади. Бу, ўз навбатида, сув ва кислород атомларига парчаланади. Баргнинг атмосфера ҳавосини кислород билан бойитиши бевосита мазкур жараёнга асосланган:  $H_2O_2 = H_2O + O$ .

Фотосинтезнинг ёруғлик фазасида хлорофилл қўзғатган электронлар фотолизга учраган сув



протонлари ёрдамида трифосфориридиннуклеотид (ТПХ)ни қайтариб, Н<sub>2</sub> ни ҳосил қилади. Бу бирикманинг бошқача номи кўпчиликка таниш бўлган никотинамидадениннуклеотид (НАД)дир. Ўз навбатида, НАД-Н<sub>2</sub> фотосинтезнинг қоронфилик реакциясида қайтарувчи вазифани бажаради. Юқоридаги барча ўзгаришларда аденоэозинтрифосфат (АТФ) энергия донори вазифасини ўтайди.

Углерод, кислород ва водороддан ташқари яна 7 та элемент – азот (N), фосфор (P), калий (K), кальций (Ca), магний (Mg), олтингугурт (S) ва темир (Fe) сабзавотлардаги органик моддалар таркибига киради. Буларнинг ўсимлик қуруқ қолдиғидаги миқдори бир неча фоиздан тортиб, фоизнинг юздан бир улушигача 1/100 ёки 0,01 фоиз бўлади. Бу гурух элементлари макроэлементлар деб аталади. Бу элементлардан ташқари марганец (Mn), бор (B), молибден (Mo), ванадий (V), мис (Cu), рух (Zn), кобалт (Co), йод (J) ва бошқалар ҳам учрайди. Бу элементларнинг ўсимлик қуруқ қолдиғидаги миқдори 1/1000 ёки 0,001 фоиз, яъни бир неча минг фоиз улушдан бир нечта юз минг фоиз 1/100000 ёки 0,00001 фоиз улушгача бўлади. Бу гурух элементлари микроэлементлар деб аталади (2-жадвал). Макро ва микроэлементлардан ташқари, ўсимлик қуруқ моддасида жуда кам миқдорда 1/1000000, 10-6 ёки 0,000001 фоиздан 1/1000000000000, 10-12 ёки 0,00000000001 фоизгача миқдорда учрайдиган ультра микроэлементлар ҳам бор. Бу ультра микроэлементларга рубидий (Rb), цезий (Cs), селен (Se), кадмий (Cd), кумуш (Pb), симоб (Hg) элементлари киради. Ўсимлик пояси ёқилгандан натрий, магний, калий, кальций, фосфор, олтингугурт, темир, бор, марганец элементлари кул таркибида қолади ва булар кул элементлари деб ҳам аталади.

Азот (N) ўсимлик ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. У оқсил, хлорофилл, ферментлар таркибига киради. Азот билан яхши таъминланган ўсимликнинг барг юзаси кенг ва тўқ яшил тусда бўлади. Азот етишмаса, экин нимжон, эски баргларидан янгиларигача, баргнинг юқори учидан поясигача сарғаяди, ўлчами кичиклашади, секин, нимжон бўлиб ўсади.

Ўсимлиқда фосфор (P) элементи нуклеопротеидлар, оқсил ҳужайраси ядроси, фосфатид ва фитинлар таркибида бўлади. Ўсимлиқда фосфор бўлиши ассимиляция ва диссимилияция жараёнига боғлиқ. Ферментлар ҳосил бўлишидаги мураккаб жараёнларни фосфорланиш реакциясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фосфор етишмаса, экин нимжон, тугунлари калта, барглари тўқ қизил ёки тўқ яшил, эски барглари хазон бўлади. Гул ва мевалар жуда кам тугади. Секин ўсади, пишиб етилиши кечикади.

Ўсимлик ва тупроқ таркибидаги озуқа элементлари концентрацияси		Ўсимлик ва тупроқдаги ўртacha концентрацияси (%)		
Номи	Белгиси	*Ўсимлик	**Тупроқ	Классификация
Водород	H	6%	0,50%	Макроўгитлар
Кислород	O	45%	49%	
Углерод	C	45%	2%	
Азот	N	1,5%	0,1%	
Фосфор	P	0,2%	0,08%	
Калий	K	1%	1,3%	
Кальций	Ca	0,5%	1,3%	
Магний	Mg	0,2%	0,6%	
Олтингугурт	S	0,2%	0,08%	
Хлор	Cl	100 ppm (0,01%)	0,01%	Микроўгитлар
Темир	Fe	100 ppm (0,01%)	3,7%	
Бор	B	20 ppm (0,002%)	0,001%	
Натрий	Na	20 ppm (0,002%)	0,6%	
Магний	Mn	50 ppm (0,005%)	0,6%	
Рух	Zn	20 ppm (0,002%)	0,005%	
Мис	Cu	6 ppm (0,0006%)	0,002%	
Молибден	Mo	0,1 ppm (0,00001%)	0,0004%	
Никель	Ni	0,01ppm (0,000001%)	0,004%	

\* - Ўсимлик қуруқ моддасига нисбатан (Soil fertility and fertilizers, New Jersey, 2005);

\*\*-Тупроқнинг каттиқ қисмига нисбатан (A.P. Виноградов, манба Агрокимё-2012).

2-жадвал

Калий (K) – ўсимликнинг тупроқдан озиқланишидаги энг муҳим макроэлементлардан бири. Азот ва фосфордан фарқли ўлароқ, калий ўсимлик ҳужайраларидағи органик моддалар ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Углевод ва оқсилининг ҳосил бўлиши жараёнини тезлаштиради. Калий етишмаса, эски баргларнинг чети қовжирайди, пояси заифлашади, меваси қуриб, қовжираб қолади, бир хил етилиб пишмайди.

Кальций (Ca) ўсимликнинг ер устки органлари ва илдиз қисмининг нормал ўсиб ривожланиши учун зарур. Кальцийнинг тупроқда етишмаслигидан илдиз тизими, айниқса, унинг фаол қисми бўлмиш илдиз қинчалари яхши ривожланмайди. Натижада ўсимликда заарарли элементлар тўпланишига шароит яратилади. Ўсимликда кальций етишмаса, янги барглар сарғаяди, кейинчалик қўнғир тусга киради. Ўсаётган уни букилади, пояси нимжонлашади, илдизи калталашиб, қораяди. Гуллашнинг тўхташига ва чиришга олиб келади, янги ҳосил бўлаётган баргларнинг ўсиши секинлашади, уларда оч сариқ доғ (хлороз)лар ҳосил бўлади. Кейин барглар қурийди, аммо эски барглар нормал ўсади.

Магний (Mg) ўсимликнинг физиологик жараёнида муҳим роль ўйнайдиган хлорофилл таркибида киради ва нафас олишда иштирок этади. Магний етишмаслигидан ўсимлик баргларида хлорофилл доначалари камаяди, унда доғлар пайдо бўлади, барглар аста-секинлик билан сариқ, қизил ёки бинафшаранг тусга киради. Йирик баргларнинг томири яшил тусда қолади ва улар орасидаги ранг ўзгаради. Ўсимликда фазалар ўтиши кечикади. Юқори даражада сув тўпланиши сабабли барглари синувчан бўлиб қолади. Магний етишмаслигига барглар юпқа, барг томирлари қуидан юқорисигача рангини йўқотади. Юқорига қараб қайрилишга

мойил бўлади. Магний сувда эрийди, таркибида 21-24 фоиз соф модда бор. Экинлар унинг 0,01-0,05 фоизли эритмаси билан барг орқали озиқлантирилади.

Олтингугурт (S) ўсимликдаги кўп оқсиллар таркибига киради. Бундан ташқари, баъзи ўсимликларнинг ёғида учрайди. Олтингугурт етишмаслиги баргларда хлороз (барг рангизланиши)ни келтириб чиқаради. Унинг етишмаслиги туфайли пастки барглар сарғаяди, ўсимлик пояси қаттиқ ва мўрт бўлади. Барг ва меваларнинг ёғочланишини тезлаштиради.

Темир (Fe) ўсимликдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнида иштирок этади. Хлороз хлорофилда темир етишмаслигидан ҳосил бўлади. Хлорозда одатда юқориги янги барглар сарғаяди, пастки барглар нормал яшил тусда бўлади. Темир етишмаслигидан аввал янги барглар томирларнинг ораси учидан пастигача сарғаяди. Баргларнинг томирлари, четлари ва учлари яшиллигича қолади.

Бор (B) ўсимлиқда оқсил ҳосил бўлишида иштирок этади. Унинг касалликка чидамлилигини оширади. Бор етишмаса, ўсаётган ўсимликнинг уни қурийди, куртак оч яшил тусга кира бошлайди. Илдизи қўнғир, меваси пўқак, ўртаси қўнғир бўлади, гултугмайди.

Мис (Cu) фотосинтез жараёнида иштирок этади ва ўсимлик таркибидаги ферментларни фаоллаштиради. Ўсимлиқда оқсил, крахмал ва мой ҳосил бўлишини тезлаштиради, хлорофилнинг ноқулай шароитга чидамлилигини оширади, туганакдаги бактерияларнинг азот ўзлаштириш хусусиятини яхшилайди. Мис етишмагандан барглар оқариб, ингичкалашади, янги ўсаётганлари қурийди. Мис купороси (тўтиё) ҳолида берилади. У сувда яхши эрийди. Шу ўғитга эҳтиёж сезилганда мис купоросининг 0,02-0,05 фоизли эритмаси гектарига 500-600 литр сув билан аралаштирилиб барги орқали озиқлантирилади.

Кобальт (Co) ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитга чидамлилигини оширишга ёрдам беради. Ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёнини яхшилайди, оқсил алмашинувини тезлаштиради. Зарур бўлганда унинг 0,01 фоизли эритмаси билан ўсимликлар барги орқали озиқлантирилади.

Марганец (Mn) ўсимликлардаги ферментлар таркибига киради. Фотосинтез жараёнини кучайтиради ҳамда оқсил ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Марганец етишмаса, томирлар орасидаги тўқума оқаради, баргларда ўлик доира-лар пайдо бўлади, ўсимлик ўсишдан орқада қолади.

Рух (Zn) ўсимликдаги биологик жараёнларни ва нафас олишда қатнашадиган ферментлар фа-

лиягини кучайтиради. Рух етишмаса, ўсимликнинг тепақсимида барглар кичрайиб, кам куртак пайдо бўлади. Баргларда ўлик доира-лар ҳосил бўлади, оқсил тез парчаланади. Ёруғлик кучайиши билан ўсимликнинг руҳга талаби ошади.

Молибден (Mo) оқсилнинг синтез қилиниши ва азотли бирикмаларнинг алмашинувини яхшилайди. У юқори биоген хусусиятга эга бўлиб, дуккакли ўсимликларда кўп тўпланади. Молибден етишмаса, ўсимлик жуда нимжон, баргларнинг ранги ўчган, буришган бўлади ва туганаклар ҳосил бўлмайди. У аммоний молибдат тузи ( $\text{NH}_4$ )<sub>2</sub> Mo<sub>4</sub> ҳолида берилади. Асосан уруғни намлашда фойдаланилади.

### Сабзавот экинларини ўғитлаш зарурати

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сабзавот экинларининг ўсиши ва ривожланиши бутун бир биологик жараён ҳисобланади. Шунинг учун дехқонларимиздан сабзавот экинларини ўғитлашда қуйидагиларга аҳамият бериш талаб қилинади:

- биринчидан, сабзавот экинларининг оила тавсифини билиш;
- иккинчидан, сабзавотлар таркибига кирувчи моддалар миқдори ва таркибини билиш;
- учинчидан, тупроқда озуқа моддалари етишмаслигидан келиб чиқсан ҳолда сабзавотларнинг ривожланишидаги белгиларга қараб ўғит кўллаш;
- тўртинчидан, сабзавот экиладиган майдонларга кузги шудгорлаш вақтида органик ўғитларни кўпроқ қўллаш. Органик ўғитлар минерал ўғитларга қўшимча сифатида сабзавотларни озуқа билан таъминлайди.

### МАНБА:

- Н.Н. Балашев, Г.Н. Земан "Сабзавотчилик", Тошкент; 1977 й.  
 Х.Бўриев, А.Абдуллаев "Томорқа сабзавотчилиги",  
 Тошкент; 1987 й.  
 Р.Хакимов, А.Аббосов "Томорқада сабзавот етиштириш",  
 Тошкент; 2006 й.  
 В.Зуев, А.Абдуллаев "Сабзавот экинлари ва уларни  
 етиштириш технологияси", Тошкент; 1997 й.  
 В.И. Зуев, О.Кодирхўжаев, М.М. Адилов, У.И. Акрамов  
 "Сабзавотчилик ва полизчилик", Тошкент; 2009 й.  
 О.Ж. Эгамбердиев "Фермер хўжалиги менежменти",  
 Урганч; 2021 й.

**Ойбек ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
 "Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари  
 бўйича техник кўмак" лойиҳаси эксперти



# МЕВАЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Мева-сабзавотларни куз-қиши ойларида сақлаш күпгина афзалликларга эга. Бу билан томорқачилар биринчи ўринда ўз оила аъзоларини кузги ва қишки мавсумда узлуксиз мева ва сабзавотлар билан таъминлайдилар, иккинчи ўринда кузги ва қишки мавсумда истеъмол бозорига мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш имкониятига эга бўладилар, шунингдек, оила даромадини оширадилар.

Маълумки, мева ва сабзавотларни сақлашда республикамиз аҳолиси катта тажрибага ва узоқ тарихга эга. Бугунги кунда мева-сабзавотларни сақлашнинг 2 усули мавжуд.

Табиий усульда сақлаш: бунда маҳсулотлар турили хил ертўла ва ўраларда сақланади, бундай усульда сақлашдаги жараённи назорат қилиш имкони бўлмайди, яъни бу ҳолда маҳсулотлар атроф-муҳит ҳарорати ванамлигига боғлиқ бўлади.

Сунъий усульда сақлаш: бу усульда маҳсулотлар махсус лойиҳалаштирилган биноларда сақланади. Бугунги кунда дунё бозорида сақланиб, истеъмолга чиқариладиган маҳсулотларнинг қарийб 80 фоиздан ортиғи сунъий усульда сақланган маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади. Бунда бинолардаги совитиш камераларида махсус жиҳозлар ёрдамида мева ва сабзавотларнинг янги узилган кўринишдаги ҳолатини таъминлаб берувчи муҳит яратилади ва ушлаб турилади.

**Нок мевасини сақлаш.** Нокнинг сақлашга чидамли навларини 4-5 ой, кузгинавларини эса 1,5-2 ой сақласа бўлади. Нок олмага нисбатан тез уриниб қолади, шу сабабли уни узишда ва яшикларга жойлашда эҳтиёткорлик билан ишлаш талаб қилинади.



нади. Нок одатда пишиб етилиш олдидан узилиб, тоза ва қуруқ яшикларга жойлаштирилади. Яшиклар тагига қофоз ёйиб қўйилади, қофознинг иккинчи учи нокнинг устига ёпилади. Нокни шахмат усулида жойлаштириб, қатор орасига қиринди сепиш ҳам мумкин. Нокни сақлашда ҳарорат 0 дан +2°C гача бўлиши мақбул ҳисобланади. Кўпинча бу ҳароратда ўта кечпишар навлардан терилган мевалар жуда секин етилади ва сақлаш муддатининг охиригача рангини йўқотмай қаттиқ ҳолда бўлади. Бундай нокларни савдога жўнатишдан аввал 4-7 кун давомида 15-20°C да сақлаб, етилтириш лозим. Омборда ҳавонинг нисбий намлиги 85-90 фоиз бўлиши керак. Шунга эътибор бериш керакки, омборда ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариб туришига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда мевалар тез етилиб қолиши мумкин, бундай нокни узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

**Беҳи мевасини сақлаш.** Беҳи ҳам сақлаш учун яшикларга жойлаштирилади. Беҳи яшикларга жойлаштирилганда уларнинг орасига ҳам қофоз ёки қиринди солса бўлади. Беҳини сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги 85-90 фоиз, ҳарорат 0+40°C гача бўлиши мақбул ҳисобланади. Беҳи мевасини сақлашда барча талаб меъёrlарига риоя қилинса, меваларни 5-6 ойгача сақлаш мумкин.

**Узум ҳосилини сақлаш усуллари.** Узум сақлашнинг қадимги усули бор. Ота-боболаримиз қадим замонлардан бўён етиштирилган узум ҳосилини сақлаш ва қиш фаслида истеъмол қилиш бўйича об-ҳаво табиий ўзгаришларга асосланган ҳолда иш олиб борган. Узум ҳосилини сақлаш учун маҳсус омборлардан фойдаланилган. Совуқ кучайиб кетганда дёраза тирқишлири пахтали кўрпача билан ёпиб қўйилган, исиб кетганида эса, очиб қўйилган. Шу жумладан, вақти-вақти билан очиб, шамоллатиб турилган. Бу билан сақлаш омбори ичкарисида доимо тоза ҳаво алмашиб туриши назоратга олинган. Сақлаш учун етилиб пишган ва бақувват бандли узум бошлари танлаб олинган ва улар тўп-тўп, зич қилиб боғланиб чилвир ипларга тизилиб шифтга осиб чиқилган. Бу ҳолат бозор учун



бўлса, баъзи деҳқонлар ўз оиласи учун токнинг кесиладиган шохларини узуми билан кесиб ёхуд узумнинг кесиб олинган зангларига боғлаб ҳам осиб чиқишиган. Омборнинг совиб кетганлиги ва ҳона ҳароратининг 0°C дан тушиб кетганлигини ўз вақтида сезиб қолиш учун қиш кунлари хонага бир пиёла сув қўйилган. Пиёладаги сув музласа, хонани иситиш чоралари кўрилган. Шунингдек, тоғораларда ҳам сув қўйилган. Бу чора ҳаво исиб, намлик камайиб кетган кунлари кўрилган. Узлуксиз туманли ва давомли ёмғири кунларда эса, намлик миқдорини камайтириш учун оҳактош бутунлигicha қўйиб чиқилган. Оҳак тоши ўзига ортиқча намликни тортиб олиб, ёрилиб, титилиб кетган. Кўлланаётган энг сўнгги усул: узум токдан узилмайди. Одатда токзорнинг атрофи девор билан ўралган бўлади ва ҳаво кириб айланиб туриши учун девор ўртасидан эшик (туйнук) қўйилади. Ҳаво исиб кетган кунлари ёки кундузлари туйнуклар очиб қўйилади, совиб кетганда ёки тунлари ёпиб қўйилади. Бу усул учун одатда, сўриток девор бўйи қилиб тортилган бўлади. Ҳаво ҳарорати +5°C дан пасая бошлагач, сўриток тепасидан полиэтилен плёнкаси тортилади. Ҳаво янада совиб борганида эса плёнка тепасидан хашак ва поя боғлари ташлаб қўйилади. Шунингдек, токзорнинг айрим жойларига электр лампочкалар ёқиб қўйиш ва иситкичлар ўрнатиш, шу орқали умумий ҳарорат 0°C атрофида ушлаб турилади. Бундай ҳолатда, албатта, узум ўз бандида узоқ сақланади, лекин узум зангининг чарчаб, келгуси йили ҳосил бермаслигига олиб келади. Миришкорлар бунинг ҳам бир оз йўлини топгандайлар. Бунинг учун уч ҳосилдор новданинг биридаги узум бошлари бутунлай узиб олиниб, келгуси йилга қўйиб қўйилади, чарчаган новдалар эса баҳорда кесиб ташланади. Ҳозирги оммалашган усул: кичик тахта яшиклар тагига газета қофози ёзилиб, уларга узум бошлари зич ҳолда терилади. Сақлаш учун албатта йирик донали ва меваси тоза ҳамда яхши пишиб етилган узум бошлари танлаб олинади. Улар зич ҳолда терилганида узум таркибидағи намлик узоқ сақланади. Бу эса унинг дастлабки вазни ҳолатининг узоқ ва сифатли сақланишига ҳам сабаб бўлади. Сақлаш мақсадида узиладиган ҳосил одатда кузнинг об-ҳаво ҳарорати +20°C дан пастлаган ойларида йиғилади. Қишида сақлашга мўлжалланадиган узум бошларига мева пиша бошлаган, яъни халқ тили билан айтганда, сув кира бошлаган август ойининг бошларида ҳар бирининг тепасидан қофоз карнай қилиб ўраб чиқилади. Бу билан ёғилажак ёмғир ва тонгги шудринг намидан эҳтиёт қилиниб, меванинг табиий чангини сақлаб қолишига эришилади. Унинг табиий чангига, яъни ўзига хос табиий пардаси узумнинг узоқ ва сифатли сақланишини таъминлайди. Узум яшикларга терилиб, омборга тахлаб қўйилгач, бир

боғ қуруқ исириққа бир чой қошиқ олтингугурт тутатиб қўйилади ва бу жараён ҳар ойда бир такрорланиб туради. Бундан мақсад ёрилган узум доналари ёки қорайиб чиришига сабаб бўлган бактерияларни ўлдириб, майизга айлантириб, қотириб қўйишдир. Бу жараённинг бошқа мева доначаларига таъсири бўлмайди.



**Фазлииддин ҚУРБОНОВ,  
Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўлими докторанти:**

– М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўлимида ўзимизда етиширилган олма, лимон ва шунга ўхшаш меваларни музлаткичда сақлаш ишларини олиб бормоқдамиз. Биринчи ўринда, аҳолини йил давомида табиий маҳсулот ёки табиий мевалар билан таъминлаш учун музлаткичлардан фойдаланиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади, яъни мевани териб олганимиздан кейин уни тўғридан-тўғри музлаткичга қўя олмаймиз. Сабаби, мевани териб олиб, дастлабки совитиш жараёни бўлади, яъни мослаштириш жараёни дейилади. Мана шу жараёндан ўтгач, совиткичга солсак бўлади. Мевани териб келиб, уринган ва касалланганларини олиб ташлаб, хонага олиб кирамиз ва хона ҳароратини мевани градусига мослашимиз керак. Чунки кўча ҳарорати 25 даража иссиқ бўлса, уни тўғридан-тўғри +5 даражали хонага солиб қўйиш мумкин эмас. Дастлаб +20, +15, +10, +5 даража қилиб, музлаткичга жойлаш керак бўлади. Бу жараён тахминан 5 кундан 1 хафтагача чўзилиши мумкин. Кўчадаги ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлади. Меванинг мослашишига қараб жараённинг вақти белгиланади. Ҳозирги кунда МАР пакетлар чиқди. Мана шулардан фойдаланилмоқда. Биз фермерлар учун меваларни сақлаш бўйича энг оддий, далада ҳеч қийинчиликларсиз фойдалана оладиган усулни, технологияларни ишлаб чиқиб, тавсия қиласиз.

Боғда олма меваси пишди. Олмаларни териб оламиз. Уни яшикларга жойлагандан кейин худди шундай хонага олиб кирамиз, яъни бу хонанинг ҳарорати кўчаникidan кўп фарқ қилмаслиги керак. Масалан, кўчада +25, хонада +20. Хона ҳароратини ва ёруғликни камайтирамиз. Ёруғликни камайтириш натижасида биз музлаткичнинг характеристикасига мослаб борамиз. Демак, ёруғлик камайтирилади ва ҳарорат пасайтирилади. Яъни +20, +15, икки кундан кейин +10, яна икки кундан кейин +5 га

туширилади. Сўнг музлаткичга олиб кирилади. Музлаткичга олиб кирилгандан кейин меваларни яхши сақлаш учун +1 дан +5 гача бўлган ҳарорат етарли бўлади. Музлаткичларимиз ҳароратини +1, +5 га тўғрилаб қўйиб, уни сақлаймиз. Ҳар 2-3 кунда кириб меваларни назорат қилиб турамиз. Ичида уринган ва касалланганлари бўлса, олиб ташлаймиз. Сабаби, қолганларига ҳам ўтиб кетмаслигикерак.



**Шаҳзод ФАНИЕВ, Академик  
М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг мева-узумни сақлаш ва қайта ишлаш бўлими 1-бос-кич докторанти:**

– Мен анжир меваларининг технологик хусусиятлари, уларни қуритиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланаман. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1430 гектар майдонни анжирзорлар ташкил қиласиди. Уларнинг ҳосили 185,3 тоннани ташкил қиласиди. Анжир меваларини қуритиш жуда муҳим. Чунки анжир меваси дарахтдан узилгандан кейин 3-4 кунда ўз ҳолатини ўзгартиради. Шу сабабли ҳам уни қайта ишлаш муҳим. Қуритишнинг бир нечта усули мавжуд: очиқ майдонда, плёнка остида ҳамда иссик ҳавода конвектив қуритиш усулидан фойдаланилди. Бу усуллардан энг мақбули ва сифатлиси, қуритиш ускунаси (конвектив усулда 40-45°C ҳароратда) ёрдамида қуритишидир. Кейинги босқич, яъни қуритилган меваларни сақлаб, экспорт қилиш ҳисобланади. Ушбу маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилиш бўйича илмий ишлар олиб бормоқдамиз. Туркияда тушлик вақтида стол устида доимий равишда қуритилган анжир меваси турар экан. Витаминли бўлгани учун мунтазам истеъмол қилинар экан. Қуритилган анжирни экспорт қилиш бўйича Туркиядан бизга таклиф тушди. Бундан ташқари, ноябрь ойида ўтказилган кўргазмада Истроил, Туркия ва яна бошқа давлатлар ҳам маҳсулотларимизга қизиқиш билдириди. Мана шу давлатлар билан шартнома тузиш арафасида турибмиз.

**Гўзал ПИРЖАНОВА,**  
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”  
лойиҳаси журналисти



**Наргиза КАРИМОВА,**  
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”  
лойиҳаси журналисти



# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛМАЧИЛИК РИВОЖИ

2021 иили дунё бўйлаб ялпи олма ҳосили ҳажми жами 89 556 600 тоннани ташкил этиб, ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича биринчи ўринни Хитой (47,86 миллион тонна), иккинчи ўринни АҚШ (46,49 миллион тонна) эгаллаб келмоқда. Олма етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидағи олмазорларнинг қарийб 90-95 фоизи паст бўйли пайвандтагларга асосланган интенсив боғлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Олма етиштиришда янги, серҳосил, меваси сифатли олма навларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илғор инновацион етиштириш технологияларини такомиллаштириш талаб этилади. Шунингдек, янги барпо этилган олмазорларни томчилатиб суфориш, ўғитлаш, зараркунанда ва касалликларга қарши уйғунлашган ҳимоя усуулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳосилни йиғиш, қадоклаш ва совуқхоналарда сақлаш усуулларини янада такомиллаштириш ҳам олма етиштиришдаги энг муҳим вазифалардандир.

**Олма (Malus mill)** туркумининг 50 га яқин тури бор. Уларнинг асосийлари ўрмон олмаси, Сибирь олмаси, юмшоқ олма, ёввойи (сиверс) олма, туркман олмаси, қизил олма, олхўри баргли олма (китайка), Кавказ ёки Шарқ олмаси, пакана олма, дусен, парадизка (райка)дир.

Олма катта дараҳт бўлиб кўкаради. Бақувват танасининг баландлиги 12-20 метрга етади. Шоҳшаббаси ҳам анча кенг ёйилган. Ҳосилга кириш ва

мевасининг пишиш муддати навлар бўйича ҳар хил. Пишиш муддатига қараб ёзги, кузги ва қишки навларга бўлинади.

Мевасининг шакли, йирик-майдалиги, ранги ва хушбўйлиги бир-биридан фарқ қиласиди. Унинг дараҳти кучли пайвандтагларда ўстирилганда ўрта ҳисобда 45-50 йил, айрим туплари эса 100 йил ва ундан ҳам узоқ, яшайди.

Янги новдалардаги барглар дастлабки 12-15 кунда ўзининг ривожланиши учун дараҳтнинг бошқа қисмларида ишлаб чиқарилган озиқ моддаларни сарфлайди. Кейинчалик баргларнинг қуввати меваларнинг ва ёш новдаларнинг шаклланиши, куртак ҳосил бўлиши ҳамда дараҳтнинг захираси учун сарф бўлади.

**Илдиз** ривожи тупроқ ҳарорати 15-25 дараҷа бўлганда ва илдизларга сув таъминоти узилмагандага энг фаол бўлади. Илдизлар бир мав-сумда иккимарта ўсиш даврини бошдан кечиради: биринчи бор эрта баҳорда ва иккинчи марта кузда, ҳосил йиғими

вақтида ёки ундан кейин. Илдизнинг баҳорги ривожи куртаклар ёрилиб, ўсиш учун тупроқ етарлича илиши билан бошланади.

**Гули.** Олманинг гуллари икки жинсли бўлиб, соябонсизмон тўпгулларда тўпланади. Гули йириқ, ранги оқ, ташқи томони бироз пушти тусда. Чангчиси кўп, уруғчиси бешта асосидан қўшилиб ўсан устунчага эга. Чангдонлари сарик. Гулкосаси беш бўлакли. Тугунчаси остки, беш уяли, ҳар бир уяда 46 тадан уруғ куртаги мавжуд.

**Навлар.** Старкримсон, Голден Делишес, Голд спур, Джонатан, Кинг девид, Гранни смид, Фуджи, Фуджикику, Гала Муст, Редчиф, Бребурн.

**Интенсив боғ барпо этиш учун жой танлаш.** Паст ва пакана дараҳтлар экилган ерда чучук еrostи суви 1,5-2 метр ва минераллашган ер ости суви 3-3,5 метрдан яқин бўлмаслиги лозим. Дарёларга яқин бўлган майдонларда ерости сувининг сатҳи 1,0-1,2 метр бўлса ҳам бўлади. Фақат улар (тупроқ) таркибида зарарли (хлорид ва сульфат) тузлар бўлмаслиги лозим.

Интенсив боғларни жудаям зич бўлган тупроқларда ва тупроқнинг устки қисми (текислаш жараёнида) олиб ташланган майдонларда барпо қилиб бўлмайди. Пастқам, совуқ ҳаво туриб қолиши оқибатида дараҳтларни совуқ уриши эҳтимоли юқори бўлган майдонда интенсив боғ барпо қилиш тавсия этилмайди.

**Ерни кўчат ўтқазишга тайёрлаш.** Интенсив мевали боғлар доимий бир жойда 18-35 йил ўсиб, ривожланиб ҳосил беради (пайвандтаг турига қараб). Бу жараёнлар яхши кечиши учун боғ барпо этиладиган тупроқ жуда сифатли тайёрланиши керак. Олдиндан боғ барпо этиладиган майдон сув юриши учун яхшилаб текисланиши лозим. Шу мақсадда олдиндан геодезия ишлари олиб борилиб, лозим бўлса, текисланади.

Боқقا ўтқазилган кўчатларнинг ривожланиши, ёш дараҳтларнинг ўсиши, ҳосилга кириш вақти, ҳосилдорлиги, узоқ яшаши мұхит шароитига боғлик бўлади. Боғ барпо қилишдан олдин ер кўчат ўтқазишга сифатли тайёрлангандағина ўсимликлар соғлом ва бақувват ривожланиши мумкин. Ерни экишга тайёрлаш уни текислаш, ҳайдаш, ўғитлаш ва бошқалардан иборат. Боғ барпо қилишдан олдин экилган экинларнинг ҳам аҳамияти катта.

Пакана ва паст бўйли мевали дараҳтлар экиладиган майдонлар суғорилгандан кейин плантажли плугда ағдариб ҳайдалади. Ҳайдаш олдиндан гектарига 30-40 тонна гўнг, 120-150 кг ҳисобида фосфорли ўғит солинади. Агар беда экилган ер бўлса, бедапояларни ҳайдашдан олдин ерга фақат фос-форли ўғитлар солинади.

Боғ барпо қилинадиган майдон кузда ҳайдаб қўйилади, баҳорда эса дискланади ёки

бороналанади. Плантаж плуглар етишмаганда 25-30 см чуқурлиқда ҳайдай оладиган оддий плуглардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кучсиз ва кам ишланган ерларда боғ барпо қилишдан 1-2 йил олдин дуккакли экинлар, картошка, сабзавот ва сидератлар экиш яхши самара беради. Шўр ерларда эса ҳайдашдан ва кўчат ўтқазишдан олдин тупроқ шўри ювилади.

**Боғ майдонини ташкил қилиш.** Боғлар бир-биридан узоқлашиб кетмаслиги ва имкон борича уларни бир ҳудудда барпо қилиш учун хўжаликлар боғ барпо қилиш режасини 3-5 йил олдин тузиши, ер майдонларини ажратиб, ҳар йили уларнинг бир қисмига мевали дараҳтлар экиши лозим. Ихтисослаштирилмаган хўжаликларда боғлар майдони нисбатан кичикроқ бўлиб, одатда 5-10 гектардан кам бўлмаслиги, ихтисослаштирилган боғдорчилик хўжаликларида мевали боғлар ўртача 20 гектарга, умумий ер майдони эса 50-100 гектарга яхин бўлиши керак.

**Чангловчи навларни танлаш ва жойлаштириш.** Мева дараҳтларнинг кўпчилик навлари ўз-ўзидан ҳосил бермайди. Балки бошқа навлар билан чангланишини талаб қиласди. Ўз-ўзидан чангланадиган навлар ҳам четдан чангланган тақдирда мўл ва сифатли ҳосил беради. Гулларнинг тўла чангланиши учун ҳар 10-12 асосий қатордан кейин биринки қаторга бир-иккита чангловчи нав экилади.

Олма – чанглатувчини талаб қиласди мевали дараҳт. Чангланиш муаммоси бўлган мева турларидан боғ барпо этилиши керак бўлса, боғда икки ёки ундан ортиқ чанглатувчи тур бўлиши керак. Чанглатувчи навларни танлашда эътиборга олинадиган хусусиятлар қўйидагилар:

- а) асосий нав ва чанглатувчи навнинг гуллаш вақти мос келиши керак;
- б) чанглатувчи навнинг гул чангчилари кўп ва ҳаракатчан бўлиши керак;
- в) чанглатувчи навнинг товарбоплик қиймати ҳам юқори бўлиши керак;
- г) чанглатувчи нав солкашлик хусусиятига эга бўлмаслиги лозим;
- д) чанглатувчи нав ва асосий навнинг чангланиш вақти бир-бирига яқин бўлиши керак;
- е) боғда чангланиш жараёнини яхшилаш учун арилар бўлиши керак.

#### **Боғда дараҳтларни жойлаштириш усули.**

Интенсив боғларда ҳосилдорлик миқдори фақат нав ва пайвандтаг ўйғулигини тўғри танлаш, агротехник тадбирларни самарали ўтказиш билангина эмас, балки қатор оралари кенглиги ва уларда дараҳтларни жойлаштириш масофасига ҳам боғлик.

Симбағазли боғларда ўстирилаётган мевали дараҳтнинг эни (танасининг қалинлиги) пакана бўйли дараҳтларда 100 см ва паст бўйли дараҳтларда 150 см ни ташкил қилиши лозим, шунда танасини

қүёш нурлари яхши ёритади. Дараҳтларнинг бўйи эса 3,5 метрдан ошмаслиги керак. Қатор оралари 3,5-4 метр бўлганда дараҳтлар танаси қўёш нури билан яхши таъминланган бўлади.

Паст ва пакана бўйли дараҳтлар қатор ораларининг кенглиги тупроқ унумдорлигига, сув билан таъминланганига ва, айниқса, навнинг ўсиш кучига узвий боғлиқ. Шу билан бир вақтда ҳозир республикамизга кенг қамровда кириб келган замонавий усулда дараҳтларни зичлаштирилган усулда жойлаштириш технологиясини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги (1-жадвал) схемада кўчатларни экиш тавсия этилади.

Тўғри бурчакли тўртбурчак усулида қаторлар ораси қаторлардаги дараҳтлар орасига нисбатан бирмунча (2-3 метр) кенгроқ қолдирилади. Натижада бир гектар майдонга квадрат усулидагига қараганда кўпроқ дараҳт ўтқазилади. Қаторларда дараҳтларнинг шоҳ-шаббаси бир-бирига тезроқ тулашиб кетади, юқорига томон чўзилиб кетмайди ва бир-бирини сиқиб қўймайди.

**Кўчатни экишга тайёрлаш ва экиш.** Боғ барпо қилишда фақат стандарт талабларга жавоб берадиган соғлом кўчатларнинг экишга рухсат этилади. Касалланган, шикастланган ва стандарт талабларга жавоб бермайдиган кўчатлар яроқсиз ҳисобланади.

Ўтқазиладиган жойга келтирилган кўчатларнинг илдизларини вақтинча бўлса ҳам очик қолдириш мумкин эмас. Уларни дарҳол тупроққа кўмиш керак. Агар ўсимликнинг нами қочиб қолган бўлса, нормал ҳолга келтириш учун ҳужайралар 1-2 кун сувга солиб қўйилади. Ўтқазиш олдидан кўчатларнинг илдизи тупроққа мол гўнги аралаштириб тайёрланган аталага ботириб олинади. Бу илдизларни қуриб қолишдан сақлайди. Бунинг учун ариқ ёнида чуқур қазилади ва унда атала тайёрланади. Аталага ботирилган кўчатлар экила бошланади.

**Кўчат экиш тартиби.** Кўчат ўтқазиш олдидан чуқурга тупроқ ташланиб, дўнгча ҳосил қилинади. Кўчат ўтқазиш тахтаси назорат қозиқларга киритилади, тахтанинг ўртасидаги ўйиқقا кўчат қўйилади.

Тажрибали ишчилар текис жойларда кўчат ўтқазиш техникасидан фойдаланмайди, балки боғни режалашдаги сингари кўз билан чамалаб ўтқазади. Кўчатни икки ишчи ўтқазади. Бири кўчатни олиб, илдизларни тупроқ уюми устига тараф қўяди. Иккинчи ишчи чуқур атрофига бир текис қилиб юмшоқ тупроқ ташлайди, тупроқ илдизларига зич ёпишиб туриши учун уни босиб қўяди.

Янги ўтқазилган дараҳтлар тупроқ намлиги, ўтқазиш муддатидан (куз, баҳор) қатъи назар, суғориб турилади. Пакана пайвандтаглар совуқقا чидамсизроқ бўлгани учун уларни кузда эмас,

баҳорда экиш тавсия этилади. Агар кузда экилса, уларнинг илдиз-томир қисми тупроқ билан яхшилаб беркитилиши керак. Кузда экиш дараҳтларнинг баҳорда эрта илдиз чиқариб, яхши ривожланишига жуда катта ҳисса қўшади.

Кучли ва ҳамма вақт шамол бўлиб турадиган туманларда эркин ўсувчи ярим пакана кўчатлар ўтқазилгандан кейин узунлиги 1,5 метр, йўғонлиги 4-5 см.ли қозиқларга бойлаб қўйилади. Қозиқлар икки жойидан саккизсимон қилиб бойланади.

### Суғориш. Томчилатиб суғориш тизими.

Томчилатиб суғориш усули ўзининг юқори самародорлиги, яъни сув ресурслари чекланганлик шароитида кам сув сарфлаб, барқарор юқори ҳосил олишимконини бериши билан ажралиб туради.

Томчилатиб суғориш тизимининг ўзига хослиги унинг босим остида ишловчи сув тақсимловчи доимий тармоқдан иборатлиги билан белгиланади. Ушбу тармоқ меъёрдаги сувни узлуксиз ва мунтазам равиша экинларнинг илдиз қатламларига етказиб беради.

Ер устидан суғоришнинг қарийб барча усулларида суғориш пайтида тупроқда сувга бўкиш ва суғоришдан кейин қуриб кетиш ҳолатлари юз беради.

Томчилатиб суғоришда тупроқ эмас, балки мевали дараҳт суғорилади. Сув илдиз тизимига тез-тез ва кам-кам берилгани сабабли мевали дараҳтларнинг илдиз тизими тупроқнинг юза қатламига зич жойлашиб ривожланади (шу сабабли интенсив боғларда бегона ўтларга қарши ўз вақтида доимий курашиш жуда муҳим).

Суғориш шланглари диаметри 16-25 мм.ли полиэтилендан тайёрланади. Боғларда қўулланадиган шлангларда томчилаткичлар ҳар 50 см. ма-софада жойлашган бўлиши ва соатига 1,6-2 литр сув тушириш имконига эга бўлиши керак. Пакана ва ярим пакана олма боғларида ҳар бир дараҳт қатори учун бир ёки икки қатор намлагич шлангларни ўрнатишига тўғри келади. Ярим пакана олма боғларида икки қаторли шлангларни қўйиш жуда муҳимдир. Боғнинг

Мевали дараҳтлар тури	Ўсиш кучи бўйича пайвандтаглар	Экиш схемаси, (м)	Бир гектар боғдаги дараҳтлар сони, дона
Олма	Кучсиз ўсувчи замонавий (зичлашган) симбағазли боғ	4x3,5	714
		4x3	833
		3,5x3	952
		3,5x2,5	1143
		3,5x1,5	1905
		3,5x1	2857

1-жадвал



максимал сув талаби дараҳтлар вояга етганда мевали дараҳт турига қараб, ёзинг иссиқ кунларида талаб этадиган миқдоридан келиб чиқиб белгилағади. Тошкент вилояти учун олма дараҳтларига бир кунда гектарига максимал сув талаби  $60\text{--}70 \text{ м}^3/\text{га}$  тенг бўлиши мумкин.

**Ўғитлаш.** Паст ва пакана бўйли пайвандтагда ўсуви мевали боғларни ўғитлаш ўзига хос технологияга эга. Ҳосилдорлик бошланғич йилларда 150-200 ц ва тўлиқ ҳосилга кирган йиллари 300-400 ц/га бўлганда, ўғит меъёрини 1,5-2 баробар симба-ғазли замонавий интенсив боғларда ҳосилдорлик юқоридагилардан 2-3 баробар кўп бўлишини ҳисобга олганда, уларда ҳам шу ҳосилга нисбатан ўғит меъёри оширилади ва уларни самаралироқ ўзлаштирадиган формада берилса (суғориш найчалари орқали) минерал ўғит бериш меъёрининг нисбатан камроқ қилинса ҳам бўлади.

Азот ва фосфор ўғитларининг нисбати йиллик меъёрда, уларнинг миқдорига қараб, ўзгариб туради. Ўғитлар йиллик меъёри кам бўлган вақтда азот ва фосфор нисбати 1,0:0,75 ни ташкил қилса, йиллик меъёри кўп бўлганда, йиллик ўсиш кучи кўпайиб, ҳосил камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида бу нисбат фосфор томонга қараб кўпайиб боради ва 1:1 ни ташкил қилиши мумкин. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда юртимизда эскидан экилиб келаётган паст ва пакана бўйли боғлар учун азот, фосфор, калий нисбатини йиллик меъёрда қўйидаги-чанисбатда тавсия этса бўлади.

Фосфор ўғити меъёри ва ярим озуқани ювиб кетиш ҳолати юқори бўлса, унинг бир қисмини азот билан биргаликда ўсиш даврида озиқлантиришда бериш лозим. Шу билан бир вақтда калий ўғитини ҳам тупроқка бериш зарур.

Ўзбекистон тупроғи унинг таркибидаги азот ва гумус миқдори билан кескин фарқ қиласди. Буни минерал ва органик ўғитлар йиллик меъёрини ва нисбатини белгилашда эътиборга олиш зарур. Ўтлоқ тупроқлар нисбатан азот ва гумусга бой. Бундай тупроқларга минерал ўғитни белгилашда фосфор ўғитининг улуши кўпроқ бўлади. Азот ва гумус таркибида камроқ бўлган бўз тупроқларда азот улуши кўпроқ бўлади (2-жадвал).

Паст ва пакана бўйли пайвандтагда ўстирилаётган мевали боғлар учинчи-тўртинчи йили ҳосилга киришини ҳисобга олганда, улар қатор орасига озуқани иккинчи или кузидан бера бошлаш лозим.

Танаси эркин усулда шаклланган паст ва пакана пайвандтагларда парваришлананаётган боғларга минерал ўғитларининг йиллик меъёри бир гектар боқса қўйидагичани ташкил қиласди: бўз тупроқларда азот 180, фосфор 140 ва калий 45 кг, бўз ўтлоқ тупроқларда бу нисбат 135, 180 ва 60 кг.ни ташкил киласди.

Симбағазда ўсуви мевали боғларда муҳим мўл ҳосил олиш учун бўз тупроқларда азот 240, фосфор 180, калий 60 кг ва бўз ўтлоқ тупроқларда тегишли равишда 180, 240 ва 90 кг чуқур бериш лозим. Юқорида кўрсатилган меъёrlар тупроқнинг табиий таркибига ва унда мавжуд бўлган озуқага қараб ўзгариб туриши мумкин.

### Олма дараҳти зааркундалари

**Барг битлари.** Барг битлари баргларни буришириб қўяди, баъзан эса тўкиб юборади, ёш новдаларни ўстирмай, қинғир-қийшиқ қилиб қўяди ва мева ҳосилини камайтириб юборади, дараҳтларни ўсишдан қолдиради ва қувватдан кетказади. Айниқса, кўкламда барг битларининг тўдалари кўп бўлади; ёзда кунлар исиши билан, яъни июлдан бошлаб тўдалар катта бўлмайди, чунки саратон иссиғи уларнинг кўпайишига салбий таъсир қиласди. Хонқизи, сирғид пашласи, олтинкўз, яйдоқчилар ва бошқа фойдали ҳашаротлар эса барг битлари билан озиқланиб, уларнинг сонини камайтиради. Баъзан ёз ўрталарига келиб барг битлари бутунлай йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Барг битлари шохларнинг уч қисмida ва янги ёш баргларида кўпроқ учрайди. Сентябрь ойида салқин тушиши билан барг битлари яна оммавий кўпая бошлайди, уларнинг урғочилари дараҳтларга учиб келиб, тирик личинкалар туғади, бу личинкалардан ҳар хил жинсли-эркак ва урғочи авлодетишади.

### Олма бити

**Зарари.** Олма, нок ва беҳига заарар етказиб, баргларни буришириб қўяди, баъзан тўкиб юборади, ёш новдаларни ўстирмай қийшиқ қилиб қўяди, ҳосилни камайтириб юборади, мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради. Ёш мева дараҳтларига катта зиён етказади.

**Таърифи.** Ранги яшил, баъзан сариқ-яшил бўлади, қанотли битлар қора рангли бўлади. Вояга етган битларнинг узунлиги 2 мм, қорин учи қорамтири, шира найчалари қора, танаси нок шаклида бўлади.

**Ҳаёт даври.** Дараҳтларнинг ёш новдаларида тухум ҳолатида қишлиайди. Баҳорда куртаклар ёзилишидан олдин личинкалар чиқиб, аввал бўртган куртаклардаги ширани, кейинчалик барг ва гуллардаги ширани сўради. Вояга етган дастлабки битлар олма қийғос гуллаган вақтгача пайдо бўлади.

Тур	N	P2O5	K <sub>2</sub> O
Олма	2,0-2,4	0,13-0,22	0,9-1,3
Нок	2,0-2,5	0,13-0,22	1,0-1,5

2-жадвал

Битлар ёз бўйи 15 тача бўғин беради. Хонқизи, сирфид пашаси, олтинкўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар битларнинг микдорини камайтириб туради.

**Кураш чоралари.** Куртаклар бўртиш вақтида минерал мойлар билан таркибида хлорпирофос ёки диазинон бўлган воситалар аралаштирилиб ишлов берилади. Вегетация даврида эса таркибида спиротетромат, тиоклоприд, имидоклоприд, ацетамиприд ёки диазинон бўлган препаратлар билан ишлов берилади.

**Қон бити.** Қанотсизи тўқ қизил бўлиб, усти мумсимон парли оқ ғубор билан қопланган. Қон бити танаси тухум шаклида, қанотсиз бит вояга етганда узунлиги 2,1-2,6 мм. Қанотли битнинг оқ пари факат қорнининг учидаги бўлади. Гавдаси цилиндр шаклида бўлиб, узунлиги 2,2 мм. Тухуми чўзинчоқ, бўйи 0,5 мм, юпқа оқ чангига бор, дастлаб зарғалдоқ рангда, 3-6 кундан кейин эса жигарранг тусга киради.

**Нок қандаласи.** Вояга етган қандала узунлиги 3-3,5 мм, қора-қўнғир, олдинги қанотлари сербар, ойнадек тиник, нотўғри шаклдаги қорамтири доғлари ва томир турлари бор, шу сабабли қанотлари тўр кўринишини олади, орқадаги қанотлари камбар. Урғочисининг қорин учи юмалоқланган. Тухуми 0,4 мм, кулранг-қора, чўзиқ. Личинкаси 0,6-2,3 мм, ясси узунчоқ, оч қўнғир, уч ёшдан бошлаб қанот бошланғичлари пайдо бўлади.

**Қарши кураш чоралари.** Кузда хазон баргларни тўплаб кўмид юбориш, дарахт танасини эски пўстлоқлардан тозалаш, дарахт атрофини чопик қилиш; дарахтлар танасини оқлаш.

### Олма дарахти касалликлари

**Бактериал куйиш.** Касалланган дарахтларнинг гуллари тўсатдан сўлиб, қораяди. Барглари буралиб, қораяди ва новдаларда осилиб қолади (тушмайди). Пишмаган мевалар ҳам қорайиб қурийди, тушиб кетмайди.

**Қарши кураш чоралари.** Кузда касалланган меваларни териб йўқотиш, кузда ва баҳорда кучли заарланган шох ва новдаларни кесиб йўқотиш, ҳашаротларга қарши ўз вақтида курашиш, олдинги

йили касаллик белгилари пайдо бўлган боғда асалари қутиларини жойлаштирмаслик, кесиши пайтида боғ асбобларини 0,5 фоизли хлорамин ёки 2 фоизли формалин эритмасида тез-тез заарсанлантириб туриш, кузда барг тўкилишидан сўнг ва баҳорда куртак ёзишдан олдин 3 фоизли, ўсиш даврида эса (гуллашдан 10-12 кун кейин) 1 фоизли Бордо суюқлигини пуркаш талаб этилади. Бир томонлама фақат азотли ўғитлар билан озиқлантириш касалликнинг авж олиб, ривожланишига сабабчи бўлади.

### Бактериал рак

Уруғли ва данакли мева дарахтларини зааралайди. Дарахтларнинг гуллари, новдалари ва мевалари қорайиб, ёш кўчватлар ва новдалар қуриб қолади, йирик дарахтларда ҳосилдорлик 50 фоизгача камаяди.

**Қарши кураш чоралари.** Кузда касалланган меваларни териб йўқотиш, кузда ва баҳорда кучли заарланган шох ва новдаларни кесиб йўқотиш, ҳашаротларга қарши ўз вақтида курашиш, кесиши пайтида боғ асбобларини 0,5 фоизли хлорамин ёки 2 фоизли формалин эритмасида тез-тез заарсанлантириб туриш; кузда барг тўкилишидан сўнг ва баҳорда куртак ёзишдан олдин 3 фоизли, ўсиш даврида эса (гуллашдан 10-12 кун кейин) 1 фоизли Бордо суюқлигини пуркаш.

**Монилиоз (куйиш, мева чириши) касаллиги** олма дарахтларида Monilia fructigena West. замбуруғи қўзғатади. Олма мевалари чириб, яроқсиз ҳолга келади. Мевалар нафақат боғда, балки омборда ҳам бу касаллик билан заарланади.

**Қарши кураш чоралари.** Касалланган меваларни териб йўқотиш, кузда ва баҳорда кучли заарланган шох ва новдаларни кесиб йўқотиш, кузда барг тўкилишидан сўнг ва эрта баҳорда куртак бўртиш арафасида дарахтларни 3-4 фоизли Бордо суюқлиги (10 л сувга 300-400 г мис купороси ва шунча оҳак) билан жиққа ҳўллаб ювиш зарур.

**Ун шудринг.** Podosphaera leucotricha Salm. замбуруғи қўзғатади. Барг, новда ва гулларни, шафттолида эса булардан ташқари мевани ҳам заарлайди. Касалланган барглар яхши ривожланмай, қайиқсимон бўлиб қолади. Ун шудринг билан мева бераётган дарахтлар ва ёш кўчватлар қаттиқ заарланади. Ҳосилдорлик 30-50 фоизгача камайиши мумкин.

**Қарши кураш чоралари.** Меърида суғориши, заарланган новдаларни кесиб йўқотиш, кузда барг тўкилишидан сўнг ва баҳорда куртак ёзишдан олдин 1 фоизли оҳак-олтингугурт қайнатмаси пуркаш ҳамда ҳашаротларга қарши ўз вақтида курашиш талаб этилади.

**Парша (қўтирилган касаллиги** Venturia inaequalis

### Интенсив боғларни ўғитлаш меъёри

Т/р	Ўғит меъёри	Тупроқ турлари	
		Қўнғир бўз	Бўз ўтлоқ тупроқлар
1.	Оддий	1:0,75:0,25	1:1:0,30
2.	Ўртача	1:0,85:0,25	1:1,35:0,5
3.	Юқори	1:1:0,30	1:1,5:0,5

3-жадвал



Wint. замбуруғи құзғатади. Барглар, мевалар, новдалар, барг бандлари, мева банди, гулкоса барглари заарланади. Бу касаллик билан күпроқ катта ёшдаги ва қалин экилган дараҳтлар кучли заарланади. Касалликнинг дастлабки белгилари гуляп-роқлар ёппасига түқила бошлаганданамоён бўлади.

**Қарши кураш чоралари.** Меъерида суғориш, заарланган шохларни кесиб йўқотиш, кузда тўкилган баргларнинг чуқур кўмилишини таъминлаш, кузда барг тўкилишидан сўнг ва баҳорда куртак ёзишдан олдин 1 фоизли оҳак-олтингугурт қайнатмаси (пуркаш).

Фитофтороз касаллигини *Phytophthora spp.* келтириб чиқаради. Касаллик дараҳт тўнкаси тагига сув тўпланиб қолишида ва умуман штамб атрофида намликтининг узоқ муддат юқори бўлиб туришида тез ривожланади. Касалланган дараҳтларнинг барглари сўлиб қурийди ва тўкилмай шохларда қолиб кетади. Боғдаги олма дараҳтлари биринчи 5 йилда касаллик натижасида кўп заарланади. Сабаби касаллик билан курашиш учун илдизтизими кичик бўлади.

**Олма мевасини териб олиш ва сақлаш.** Олма навларининг пишиш муддати май ойининг охирларидан бошланиб, октябрь ойининг бошларигача давом этади. Одатда, эртаки олмалар қисқа муддат сақланади, улар бир теримда йиғишириб олинади. Ўртаки ва кечки навларда терим бир неча марта ўтказилади. Ҳар бир нав пишган пайтида ўзига хос ранг ва тусга киради. Буни ҳосилни теришда инобатга олиш керак.

Узоқ жойларга жўнатиладиган ёзги ва кузги навлар жуда пишиб етилмасидан (техник етилганда) териб олинади. Қуритиш, қайта ишлаш ва янгилигида истеъмол қилиш учун мўлжалланган мевалар истеъмол қилиш учун яроқли бўлиб, пишган даврда, яъни меванинг таъми, ранги шу навга хос бўлган вақтда териб олинади. Олманинг узоқ жойларга жўнатишга мўлжалланган ёзги навлари тўлиқ пишишидан 5-7 кун олдин, кузги навлар 10-15 кун, қишки навлар эса об-ҳавога қараб 5-10 сентябрдан олдин териб олинади. Меваларни йиғиб-териб олишда баландлиги 2,5-3 метр бўлган уч оёқли нарвон ва 6-10 метрли мердвен нарвончаларидан фойдаланилади. 8-10 кг мева сифадиган узун саватлар ҳосилни териш учун жуда кулайдир. Бу саватлар ичига қоп ёки қалин қоғоз тўшалади. Меваларни тунука челакларга ҳам териш мумкин, аммо ичига қипиқ ёки ўт солиш керак. Ҳар бир теримчидаги илмоқли 4-5 та сават бўлиши лозим. Шохларининг учидаги меваларни териш учун маҳсус мева тергичдан фойдаланилади. Терилган мевалар сараланадиган жойга автомашина ва прицепларда ташилади.

**Олма мевасини сақлаш.** Олманинг сақлашга чидамлилиги унинг пишиб етилиш хусусияти билан аниқланади. Олманинг эртапишар навлари

кам муддат, кечки навлари эса, 7-8 ойгача сақлашиши мумкин. Олма сақлаш учун одатда яшикларга жойлаштирилади. Бунда олма қоғозга ўралса, яхшироқ сақланади. Олма яшикларга жойлаштирилганда улар орасига қоғоз ёки қиринди солинса ҳам бўлади.

Яшиклар омборга девор томондан 25-30 сантиметр, яшиклар орасида икки метрли йўл қолдирилиб жойлаштирилади. Бир тахда 7-8 та яшик бўлади. Энг юқоридаги яшик билан омбор шифтининг орасида 50-60 сантиметр жой қолиши керак. Олмани сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги 85-95 фоиз бўлиши мақбул ҳисобланади. Омборхонани совитишга ҳавони сақлаш ҳароратига етгунча жадал аралаштириб туриш орқали эришилади. Бунда тахлар орасида ҳаво оқимининг тезлиги 0,2-0,3 метр/секунд бўлиши тавсия қилинади. Олмани сақлашдан олдин улар маҳсус бўлинмаларда сақланади. Ҳар куни мева омбори бўлинмаси сифимининг 10-15 фоиз қисми олма билан тўлдирилади. Бўлинмада 7-10 кун деганда бутунлай тўлдирилади. Бўлинмаларда ҳаво аста-секин совитилиб,  $+4+6^{\circ}\text{C}$  га етказилади. Кейин эса, нав учун керакли бўлган ҳарорат дараҷасида қолдирилади. Олий ва биринчи навли олмалар узоқ муддатга, иккинчи ва учинчи навли олмалар 2-3 ой сақлашга қўйилади. Улар яшик, картон қути ва контейнерларда сақланади. Меваларни кон-тейнерларда сақлаш омборнинг ҳар бир куб метр фойдали ҳажмидан самарали фойдаланишини таъминлайди. Бунда 1  $\text{m}^3$  фойдали ҳажмда мевалар яшикларда сақланганда зичлиги 250-300 килограммни, контейнерларда 400 килограммни ташкил қиласи.

#### МАНБА:

- Мирзиёев Ш. "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4246-сон қарори.  
– Тошкент, 2019 йил 20 март.
- Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирилиги ҳамда "Денизбанк" ҳамкорлигига тайёрланган "100 та китоб"дан иборат тўплами.
- Арипов А.У., Арипов А.А. "Уруғли интенсив мева боғлари".  
– Тошкент: "SHARQ", 2013.
- Останакулов Т.Э., Исламов С.Я., Хонқулов Х.Х., Санаев С.Т., Холмирзаев Д.К. "Мевачилик ва сабзвотчилик". С., 2011.

**Насриддин ХАЛИЛОВ,**

"Ўзбекистонда мева-сабзвотчилик технологиялари бўйича техник кўмак" лойиҳаси эксперти



# Лайло Абдухолиқова: “СОҲАНИ ҚУЙИДАН БОШЛАБ ЎРГАНГАНИМИЗ ИШИМИЗДА Қўл КЕЛДИ”

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидағи қайта ишлаш корхоналари тажрибасини кузатсангиз, экспортдаги улушини кўпайтириш борасида, аввало, бир-бириникига ўхшамаган янги маҳсулотлар ишлаб чиқараётганига гувоҳ бўласиз. Шундай маҳсулотлари билан улар дунё бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаб боради. Бунинг учун тинимсиз изланиш, билим ва албатта тажриба талаб этилади.

Юртимиздаги шундай корхоналардан бири Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида жойлашган “KRYSTAL JUST SERVICE” масъулияти чекланган жамиятидир. “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси доирасида мазкур корхонада бўлиб, бу ерда АҚШдаги қайта ишлаш корхоналарининг тажрибаси асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўлдик.

– Биз АҚШда яшаганмиз. Ҳозир мунтазам бориб турман. Америка, Мексика каби кўплаб давлатларда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб, у ерда намо-йиш этилган мева-сабзавотлардан қайта ишланган маҳсулотларни кўриб қизиқиб қолдим. Америкаликларнинг маҳсулот тайёрлаш жараёнини мукаммал ўрганиб, шу давлатнинг ускуналари асосида 2014 йилдан бошлаб юртимизда фаолият бошладик. Ўтган йили 10 тоннадан зиёд мева-сабзавотдан бир-бирини тақрорламайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарган



Лайло АБДУХОЛИҚОВА «KRYSTAL JUST SERVICE» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.



«KRYSYAL JUST SERVICE» масъулияти чекланган жамияти фаолиятидан лавҳа.

бўлсак, жорий йилда 15 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни қайта ишлашни режалаштиряпмиз, – дейди корхона раҳбари Лайло Абдухолиқова. – Бизда мева кўп истеъмол қилинади. Аммо сабзавотлардан бодринг, помидор, редиска каби бир неча тури барра ҳолида истеъмол қилинади, холос. Шу боис сабзи, карам, қизил лавлаги каби сабзавотлардан ҳам кўпроқ барра ҳолдаги маҳсулотлар тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.

**– Корхоналар маҳсулотини кўпинча ўзи ёки шерикларининг компанияси орқали экспорт қиласди. «KRYSYAL JUST SERVICE» масъулияти чекланган жамиятида бу иш қандай амалга оширилади?**

– Барча маҳсулотларимиз савдо-сотифи борасидаги ишларни ўзимиз амалга оширамиз. Тўғрисини айтсам, бу борада катта билим ва тажриба талаб этилади. Соҳани қуйидан бошлиб ўрганганимиз ишимизда кўл келмоқда.

Дастлаб иш бошлаганимизда мақсадимиз америкаликлар ишлаб чиқараётган маҳсулотни юритмизда ҳам ишлаб чиқариб, халқимизни баҳраманд этиш бўлган. Шу боис асосий маҳсулотларимиз билан юртимиз ички бозорини, "Korzinka", "Green apple", "Makro", "Magnum", "Carefour", "Azia" каби супермаркетлар тармоғини мунтазам таъминлаб келмоқдамиз.

Айни пайтда Россия, Қозоғистон каби давлатлар билан экспорт борасида ҳам келишувлар бошлаганмиз.

**– Ҳар бир маҳсулотнинг сифати, қадоқланиши, нархи каби мезонлар экспортда катта аҳамиятга эга. Бу борада талабгорлар томонидан корхона маҳсулотларига эътиrozлар бўлганми?**

– Корхонамизда карам, лавлаги, сабзи, помидор каби сабзавотлардан узум сиркаси қўшиб тайёрланган компот, парҳезбоп таом ўрнини босувчи қизил лавлаги, картошка, сабзи макарони, шакар қиёмида қайнатиб қуритилган занжабил, лимон қўшиб тайёрланган соус каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, болалар учун мўлжалланган сабзи фреши, брокколи карамли, қовоқли, қўзиқоринли каби 5 хил шўрва маҳсулотимиз ҳам ҳамёнбоплиги боис харидоргир бўлмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, ҳар бир маҳсулотнинг иштаҳа очувчи бўлишига эътибор қаратяпмиз. Чунки улар маълум бир овқат тури билан қўшиб истеъмол қилинганда иммунитетни кўтаришга ҳисса қўшади. Шу боис ҳам унинг қадоғида иштаҳа очувчи экани қайд этилган.

Биринчى навбатда, ишимишни ҳар бир маҳсулотнинг экологик тоза бўлиши, нархи ҳамда эътиборни тортувчи қадоғига қаратганимиз боис талабгорлар томонидан эътиroz билдирилмайди.



Корхона маҳсулотлари.

**– Маҳсулотларни сотиш жараёни кўпроқ қайси мавсумда амалга оширилади ва қандай нархларда сотилади?**

– Йилнинг куз, қиши, баҳор ойларида маҳсулотларимиз кўп сотилади. Сабзавотли маҳсулотларимиз ўртача 15-18 минг сўмдан, шўрвалар 17-18 минг сўмдан, 3 литрли банкадаги узум сиркаси қўшилиб, турли сабзавотлардан тайёрланган компотлар 25 минг сўм атрофидас сотилмоқда.

**– Янги ҳамкорлар билан келишувлар борасида қандай изланишлар амалга оширилмоқда?**

– Бу борада ҳам изланишларни амалга оширяпмиз. Биринчи ўринда чет эл кўргазмаларида фаол иштирок этаётганимиз бизга кенг имкониятлар яратмоқда. Охирги йилларда юртимизда ҳам ташкил этилаётган кўргазмалар тадбиркорларга қўл келмоқда. Айни кунларда Европа давлатларига чиқиш борасида ишолиб боряпмиз.

**– Корхона маҳсулотларини кўпроқ экспорт қилишни йўлга қўйиш борасида давлат томонидан қандай қўшимча ёрдам берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди?**

– Экспорт борасида маҳсулотларимизга талабгор кўп, аммо уларнинг талабини бажариш учун бизда кенг имконият мавжуд эмас. Корхонамиз катта миқдорда ижара пули тўлаб, кўп қаватли бинонинг ертўла қисмини мослаштириб фаолият юритади. Бу биз учун катта нокулайлик туғдиради. Ишлаб чиқаришдаги фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳсулотларимизни кўпайтириш, уларни сақлаш учун қулай бино ва омборхонага эга бўлишимиз талаб этилади.

Жойимиз катта бўлса, кенг ҳажмли музлаткичлар ўрнатамиз, маҳсулотлар яхши сақланади, кўп одам ишлайди. Кичкина жойда фаолият юритаётганимиз учун экспортда имкониятимиз кам. Бунинг учун имконият қидиряпмиз, аммо давлат томонидан катта бино ва ер ажратилиб, бизга қўшимча ёрдам берилса, айнимудда бўлар эди.

Шу ўринда яна бир гапни таъкидламоқчиман. **Чет элдаги қайта ишлаш корхоналарида бўлганимда у ерда тозаланган мева-сабзавотларнинг чиқиндиси (арчилган пўсти, барги, илдизи кабилар)дан ҳам чорва ёки паррандачилик соҳасида унумли фойдаланилади. Бизда эса кўпинча маҳсустранс машиналарига ортиб, чиқиндиларга қўшиб ташлаб юборилади. Булар увол бўлмоқда. Ваҳоланки улар корхонага яхши фойда келтириши мумкин.**

Бунинг учун, албатта, бир неча сотих ер майдонига эга бўлинса, бас. Уерда паррандачилик ёки чорва молларини боқиши, қуёнчилик фермаси ташкил этилса, фойдадан холи бўлмайди.

Суҳбатдошимизнинг сўзларидан сезилиб турибдики, ишлаб чиқариш жараёнидаги қулай шароит катта имкониятларни юзага келтиради. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириб, экспорт салоҳиятими оширишида, энг аввало, жой муаммоси ҳал этилиши лозим.

Айни вақтда катта бўлмаса-да, кичик имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган “KRYSTAL JUST SERVICE” масъулияти чекланган жамияти аъзоларининг келгусидаги нияти экспортбол маҳсулотларни янада кўпайтиришдан иборат.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”  
ложиҳаси журналисти

**Жамила ҲАЙДАРОВА** сұхбатлашди.




Жаҳон талабларига мос поддонлар  
ишилаб чиқариши ва ижарага берилар


IMPEX  
SYSTEM




## Исталган юк учун сифатли поддонлар



Намунаий ёғоч поддон евроўлчам  
1 500 кг. юкни кўтара олади  
(ГОСТ-33757-2016)  
Поддон вазни 16 кг  
Қуруқ тахта  
Винтли мих  
Прессланган шашкалар  
Устки қоплама 5 ёки 6 тахтани  
ўз ичига олиши мумкин



Намунаий ёғоч поддон евроўлчам  
500 кг. юкни кўтара олади  
(ГОСТ-33757-2016)  
Поддон вазни 14 кг  
Қуруқ тахта  
Винтли мих  
Прессланган шашкалар  
Устки қоплама 5 тахтани  
ўз ичига олиши мумкин



Кучайтирилган ёғоч поддон евроўлчам  
2 500 кг. юкни кўтара олади  
(ГОСТ-9557-87-европоддон аналоги (EUR) )  
Поддон вазни 23 кг  
Қуруқ тахта  
Винтли мих  
Прессланган шашкалар  
Устки қоплама 5 тахтани  
ўз ичига олиши мумкин

## Бизнинг хизматлар

- ✓ Поддонлар халқаро ISPM 15 стандартлар бўйича маркировкаланган
- ✓ Ритейллардан ва дистрибьюторлардан паллетларни қайтариб олиш
- ✓ Хомашё ва материаллардан ишлатилган паллетларни сотиш

ООО "IMPEXSYSTEM" Тошкент ш. Чилонзор тумани, 1-Катта Чилонзор МФЙ, 1 мавзе, 6-уй



+998 90 822 4388 | +998 90 960 8020

# АНДРЕЙ КУЧЕРУК: “ПАЛЛЕТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚАТЪИЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН СТАНДАРТ ЗАРУР”



Нафақат экспорт, балки ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар алмашинуvida ҳам поддон ёки паллетларсиз иш битмайди. Бунинг устига улар юқори сифатли бўлса, ташиш жараёнини бутунлай соддалаштиради. Албатта, поддонлардан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ҳам фойдаланади. Чунки у маҳсулотни узоқ масофага сифатли етказиб беришда муҳим роль ўйнайди. Тахририятимизнинг навбатдаги меҳмони – Санкт-Петербурглик бизнесмен, “IMPEXSYSTEM” МЧЖ раҳбари, Ўзбекистонда паллет ишлаб чиқарувчи тадбиркор Андрей Кучерик.

## **– Айтинг-чи, қайси материалдан паллет ишлаб чиқарасиз?**

– Паллет одатда ёғочдан ясалади. Чунки у энг арzon ва экологик тоза материал. Баъзи ишлаб чиқарувчилар пластмасса, прессланган қипик ёки металлдан ясалган паллетларни тарғиб этишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин охир-оқибат ҳамма ёғоч паллетлардан кўра қулай, оптимал, оғир юкларга бардош берадиган ва арzonини топа олмади.

## **– Паллет ясашда қайси дараҳт ёғочи ишлатилади?**

– Аввало, хвоя, яъни игнабаргли дараҳтлардан фойдаланамиз. Бу энг кенг тарқалган хомашёдир. Улардан паллет ясаш жуда қулай. Аслида бу – жаҳон стандарти. Паллет ишлаб чиқарувчи барча халқаро компаниялар, биринчи навбатда, игнабаргли дараҳтлардан фойдаланади.

## **– Ҳар бир экспортчи маҳсулотининг манзилга беталафот етиб боришини истайди. Паллетлар қанчалик сифатли бўлиши ва истеъмолчилар нималарга эътибор бериши керак?**

– Фикримча, Ўзбекистонда ёғоч паллетларнинг қатъий тартибга солинадиган стандарти йўқ. Бу ерда паллетлар турли ёғочлардан, шунингдек, маҳаллий дараҳтлардан ҳам ясалар экан. Муҳими, стандарт ўлчамлар йўқ. Халқаро миқёсда қабул қилинган ўлчамларга мос келмайдиган паллетларни бир нечабор учратганиман.

**Хозир кўп жойларда евро ўлчамларга талаб катта. Бу 1,20x800. Аксарият паллетлар узунлиги ва кенглиги бўйича кичикроқ. Натижада юқ ташиш пайтида маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан мижозга етказиша шуаммо вужудга келади.**

Бу энг зиддиятли ҳолат. Бундан ташқари,

сифатсиз йиғилган паллетлар ҳам учрайди. Юк ташиш ва тушириш пайтида улар синиши мумкин. Бу катта йўқотишларга олиб келади. Нима учун бу бозорга кирдик? Чунки унинг истиқболи катта. Ҳозир ужуда фаол ва ривожланиши аниқ.

### **– Ўзбекистонда ривожланадими ёки бутундунёдами?**

– Ўзбекистонда. Биз бу ерга, хусусан, россиялик ёки европалик шерикларимиз билан фойдаланадиган технологияларни олиб келишдан манфаатдормиз. Ўзбекистонда, фикримча, паллетлар ишлаб чиқаришда тажриба етарли эмас. Эҳтимол, бу хомашё етишмаслиги билан боғлиқдир. Менимча, бу ерга технологияларни олиб келиш керак. Улар жуда оддий, аммо шунга қарамай, ҳеч ким уларни бу ерда ишлатмаяпти. Биз маҳсулотимизни шу ерда ишлаб чиқарамиз. Фақат четдан ёғоч олиб кирамиз. Ёғочни шу ернинг ўзидан сотиб олиш имкони йўқ. Биз фақат юқори сифатли материаллардан фойдаланамиз. Аниқроғи, қуруқ ёғочдан. Унда ҳеч қандай ҳашарот ёки ўргимчакни учратмайсиз. Улар тўлиқ тозаланган ва фумигация қилинган бўлади. Шунингдек, биз олиб келадиган ва бу ерда топа олмайдиган маҳсус жиҳозлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Эҳтимол, аввал бунга талаб бўлмагандир. Барча компонентларни, ҳатто михни ҳам четдан ўзимиз олиб келамиз.

### **– Наҳот бизда мос келадиган мих бўлмаса?**

– Барча паллет ишлаб чиқарувчилар, жумладан, бизни бу ерда ижобий қабул қилган мижозларимиз ҳам паллет ишлаб чиқаришда қурилишда ишлатиладиган михлардан фойдаланар экан. Бу нотўғри. Чунки у силлиқ ва ёғочни ушламайди. Буни мен ўрмонга бой мамлакат вакили сифатида айт япман. Биз маҳсус винтли михлардан фойдаланамиз. Ҳамкасларимиз, рақобатчилар, паллет билан шуғулланадиганлар билан мулоқот қилишда ишлаб чиқишириш жараёнида кузатиладиган бирорта маълумотни сир тутмаймиз. Ҳатто уларни ишлаб чиқариш жараёнини томоша қилишга ҳам таклиф этамиз. Рақобатчиларимизнинг стандартларга мувофиқ ишлашибдан манфаатдормиз. Бозорда юқори сифатли, стандарт маҳсулотлар пайдо бўлиши керак ҳамда ҳаваскор маҳсулотлардан узоқлашиш зарур. Бозорда паллетлар нархи бир қатор сабабларга кўра ошиб бормоқда. Сабаби поддонлар импорт товарлар билан кириб келади. Янгиси ишлаб чиқарилса, улар стандартларга мувофиқ эмас.

### **– Рақобатчилар бунга қандай муносабатда?**



– Аввалига ижобий. Бизнинг дастлабки алоқамиз жуда дўстона бўлди. Лекин нима бўлганда ҳам бозор катта. Ҳамма учун жой етарли. Ҳеч бир компания Ўзбекистон бозорини қамраб ололмайди. Мамлакатингиз катта, режаларингиз ундан ҳам салмоқли. Болтиқбўй давлатларида, масалан, 1 миллион 300 минг аҳоли яшайдиган Эстонияда 10 га яқин компания паллет ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

### **– Бу йўналишда неча йилдан бери ишлайсиз?**

– 6 йил. Болтиқбўй давлатлари ва Германия билан катта бозоримиз бор эди. Ҳиндистонда ҳам ҳамкорларимиз бор. Шунинг учун биз барча технологияларни, қандай, қаерда ва нима ишлаб чиқаришни биламиз.

### **– Эстониянинг, адашмасам, ўрмонлари бор-ку.Масалан,Жальгирис (яшил ўрмон).**

– Ҳа, лекин улар Беларусь ва Россия ўрмонларидан фойдаланади. Ўз ўрмонларига тегинмайди, яъни табиатга жуда ғамхўр. Менимча, бу борада улардан ўрнак олишимиз керак. Эстонлар табиий ресурсларни асраб-авайлайди.

### **– Ҳомашё етказиб берувчи шерикларингиз экологик принципларга риоя қилмайдими?**

– Риоя қиласди, лекин Россиянинг имконияти чексиз. Қолаверса, бу ерда бошқа ёғоч етказиб берувчиларни топиш қийин. Ёғоч Ўзбекистонга Россия ва Беларусь орқали кириб келади. Ҳозир Беларусдаги ҳамкорларимиз билан ишлашни режалашиборади. Бунинг сабабини тушунтира оламан. Паллет сифати бўйича Беларусь Россиядан олдинда ва паллет ишлаб чиқариш маданияти анча юқори. Чунки улар, биринчи навбатда, Европа

мамлакатларидан ўрнак олади. Ишлаб чиқариш, аввало, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларига қарабайўлга қўйилиши лозим.

### **– Ва уларнинг ишончига ҳам мос келиши керак, шундайми?**

– Ҳа, сиз ҳақсиз. Агар савдо тармоқлари етказиб берувчилардан маҳсулот етказиб беришда стандартларга риоя қилишни талаб этмаса, улар буни, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилардан талаб қилмаса, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳар доим ҳамма жойда шундай бўлган. Стандарт паллетлар ишлаб чиқариш нима беради? Биринчидан, уларнинг сони кўпаяди, нархи арzonлашади, товарларни юклаш ва тушириш жараёни тезлашади. Бу ерда товарлар машинага қўлда юкланишига дуч келдик, чунки паллет қиммат. Товарлар умуман паллетсиз транспортировка қилинар ва манзилга етиб борганида яна қўлда тушириб олинар экан. Агар автоматлаштирилган тушириш учун 20 дақиқа керак бўлса, қўлда 3 соатда амалга оширилади.

### **– Паллетларнинг автоматлаштирилган тизимлар учун мўлжалланганми?**

– Биласизми, нима учун Европада стандартларга риоя қилишади? Чунки ишлаб чиқариш конвойерга мослаштирилган. Ностандарт паллет конвойерга тушмайди ва маҳсулотларга зарар етказади. Ҳа, европоддон бир неча баробар қиммат туради. Агар таннархни ҳисоблаб чиқсангиз, бу харажатларни камайтиради. Чунки сифатли поддондан 8-10 маротаба фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон иқлими маҳсулотларни узоқ вақт қўлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалаштиряпмиз. Чунки шартномалар туздик ва потенциал ҳамкорларимиз бор. Аввалига йирик компаниялар билан ҳамкорлик қила бошладик. Биз газланган ичимликларнинг йирик ишлаб чиқарувчиси билан лойиҳани бошлаш арафасидамиз. Яна бир ҳамкоримиз билан бутун Осиё мавзусида мулокот қилимиз. Ҳар бир инсон яхшироқ ва арzonроқ товарни истайди.

### **– Сиз қандай нарх тақлиф қилияпсиз?**

– Янги паллетлар учун ўртача 125 минг сўм. Ишлатилган паллетларга 70 минг сўм. Эртами-кечми экспорт стандартлари ҳамма жойда талаб қилинади. Яъни 1,20x800 ўлчам. Бу энг бозорбоп стандарт бўлиб, дунё бозорининг 95 foизи ишлатади.

### **– Ўзбекистонда сиз ушбу стандартларга мувофиқ паллетлар ишлаб чиқарасизми?**

– Биз буюртма бўйича ҳар қандай паллетни

ясаймиз. Ўзбекистон вилоятларига кириш режамиз бор. Аввало, Самарқанд ва Фарғона водийсига бориб, мижозларимизга бевосита хизмат кўрсатиш мақсадида фойдаланилган паллетлар ишлаб чиқариш ва йиғиш, таъмирлаш ишлари ташкил этилади.

### **– Логистика масаласини ҳал қилдингизми?**

– Россия қонунчилигига кўра, ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб автотранспорт орқали экспорт тақиқланади. Афсуски, бу кичик компанияларга ортиқча юк. Чунки темир йўл орқали ёғоч ташиш қимматроқ. Ростини айтсам, бу режаларимизнинг ўзгаришига олиб келди. Лекин имкониятимиз бор. Шунинг учун логистика схемасини ўзгартирамиз ва энди Россиянинг қулагай худудлари билан ишлаймиз ҳамда беларуслик ҳамкорлар билан алоқани кенгайтирамиз. Улар бундан манфаатдор. Уларнинг экспорти бугун ёпиқ. Шунинг учун янги бозорларни кашф қилишга тайёр. Биз уларга Ўзбекистон бозорини таклиф этяпмиз. Ҳозир биз нархларни шакллантиряпмиз. Вазият бизни янгича ишлашга мажбур қилмоқда. Бозор жуда тез ва ҳар куни ўзгаряпти. Талаб бор. Вазифамиз – Ўзбекистон бозорини паллет билан таъминлаш.

### **– Нега паллетларга иккинчи ҳаёт бермайсиз? Яъни чиқиндисиз ишлаб чиқаришини ўзгаришни ўтлаштириб беради?**

– Аслида биз буни қиляпмиз. Импорт қилувчи компанияларга паллет керак эмас. Биз улардан паллетларни ҳар қандай ҳолатда сотиб оламиз ва уларни тиклаймиз. Эҳтиёт қисмларини янгилаймиз. Бу деярли чиқиндисиз ишлаб чиқаришdir. Масалан, Германия ва Болтиқбўйи давлатларида хукумат шу каби ишлаб чиқарувчиларга утилизация учун сертификат беради. Бу Европа учун жуда муҳим. Сертификати бор корхона учун мижозлар қўшимча пул тўлашга ва яшил технологиялардан фойдаланадиган компанияядан маҳсулот сотиб олишга тайёр. Бу қонуний процедура. Биз бу ерда ясайдиган паллетларга Ўзбекистон тамғасини (клеймоси)ни қўйиш устида иш олиб боряпмиз. Бу мантиқан тўғри иш. Ҳар қандай божхона идораси каталогни очиб, сониялар ичида клеймода келтирилган рақамларни ва саналарни текшириши мумкин. Расмда ўсимлик ва партиянинг номи кўрсатилади. Бу ички бозор учунталаб қилинмайди.


“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”

ложиҳаси журналисти

Гўзал ШИРИНОВА сұхбатлашди.



# «ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ОТАСИ» НИНГ МЕРОСИ



Соҳа мутахассислари орасида Рихард Шредер номини эшитмаган инсон йўқ. Оққан дарё оқаверади, деганлариdek олим яратган илмий мактаб ҳамон гавжум. Тадқиқотчилар орасида Рихард Шредернинг набираси ҳам борлиги эътиборга молик. Елена Дорохова билан сухбатимиз бобосининг шарафли илим йўли, у қолдирган мерос ҳамда ўзининг илмий фаолияти хусусида кечди.

– Рихард Рихардовичнинг аждодлари Даниядан бўлишига қарамай, олим ёшлигига Москвадаги Тимирязев академиясида фаолият олиб борган. У нафақат мева, балки барча сабзавот, резавор, шу билан бирга, пахта ва донли экинлар тадқиқоти бўйича қишлоқ хўжалигининг барча йўналишига улкан ҳисса қўшди,—дейди Елена Александровна.

**— Айнан Рихард Шредернинг шарофати билан Ўзбекистондаги олий таълим муассасаси қошида қишлоқ хўжалиги ходимларини ўқитадиган илк факультет очилган.**

Факультетда биологлар, селекционерлар, навшунослар ўқитилган. Бу ерда мутахассислар билим олиб, қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча тармоғида — мева-сабзавотчилик, поливчилик, пахтачилик, фаллачиликда илмий фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган. Ўша пайтларда Рихард Рихардовичдан олдин бу ерга келган россияликлар ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳаракат қилган. Лекин улар бунинг учун

қишлоқ хўжалигини кўтара оладиган олим келиши керак дея қарор қилишди ва бобомни Москвадан таклиф қилишган. Бобом ўша пайтда Тимирязев академиясининг боғдорчилик факультетида дарс берарди.

## **— Институтаввалдан бу ерда бўлганми?**

– Бу ерда шунчаки номсиз тажриба станцияси бўлган. Рихард Шредер шарофати билан катта муваффақиятга эришилгандан сўнг кейинчалик унинг шарафига номланган. Бунгача Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги бўлмаган, деб айттолмайман, албатта, лекин соҳанинг даражаси паст бўлган. Рихард Рихардович келганидан кейин эса қишлоқ хўжалиги янги босқичга кўтарилиган. Қишлоқ хўжалиги, навшунослик ривожига катта эътибор қаратилди. Бунинг учун илмий ходимлар, мутахассислар тайёрланган. Кўплаб мутахассислар жалб қилинган ва улар келиб, пахтачилик, фаллачилик, сабзавотчилик йўналишлари бўйича ишлаган. Институт кенгая бошлагач, жой танқислиги вужудга



келиб, уни йўналишлар бўйича бўлишга қарор қилинган. Институтнинг ўзида фақат мевали экинлар қолган. Чунки дараҳтларни кўчириш қийин бўлган. Бошқа экинлар учун пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, узумчилик йўналишлари бўйича бошқа илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари очилган. Бугунги кунга қадар бу институтлар ўз фаолиятини давом эттироқда ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар юқори савияда олиб борилаётир. Шу туфайли Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги соҳаси гуллаб-яшнаётгани, хорижий давлатлардан одамлар келиб, олиб борилаётган ишларнинг натижаларини тан олишаётганида Рихард Шредернинг катта ҳиссаси бор. Сўнгги йилларда навларни ўрганиш, селекция, хориж навларини районлаштириш, маҳаллий навлар устида изланиш олиб бориш орқали дунёга танилган йирик институтлардан бирига айландик.

Мамлакатнинг маданияти, урф-одати, одамлари, тупроқ-икълим шароитини билмаган инсон учун фақат билими, қобилияти ва саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу соҳа ривожида улкан қадам қўйилишига эришиш катта ютуқ. Фақат шу институт Шредер шарафига номланганига қарамай, бошқа барча йўналишлардаги илмий-тадқиқот институтларининг келиб чиқиши ва ривожи айнан ушбу даргоҳга боғлиқ.

### **– Рихард Шредернинг фарзандлари унинг ишини давом эттирганми?**

– Рихард Шредернинг икки нафар фарзанди – бир қизи ва бир ўғли бўлган. Қизи – уй бекаси бўлган. Ўғли – отам Александр Рихардович эса бобомнинг ишини давом эттирган. Қишлоқ хўжалиги соҳаси кўп йўналишлар, жумладан, физиология, ўсимликлар ҳимояси, агротехника, селекция, навшуносликларга бўлингани сабабли отам онам – Амина Галимджановна билан

бирга айнан мевали экинларнинг селекцияси ва навшунослиги йўналишида фаолият олиб борган. Мевали экинларнинг тури кўпайгани сари бу йўналиш бўлимларга ажратилган бўлиб, данакли мевали экинлар (шафтоли, олча, олхўри ва бошқалар) ҳамда пўчоқли уруғи бўлган мевали экинлар (олма, нок, беҳи ва бошқалар) селекцияси ва навшунослигига бўлинган. Бундан ташқари, резаворларнинг сифатли навларини етишитирувчи маҳсус бўлимлар ҳам бўлган.

Бугунги кунда олма дараҳтларининг селекцияси ва навини ўрганиш устида иш олиб боряпман. Ўзим ишлаб чиқсан навлар ҳам мавжуд. Мен нафақат маҳаллий, балки жаҳондан келтирилган навларни ўрганиб, уларни иқлиминизга мослаштириб, шундан сўнг ҳудудимиз бўйлаб тарқатаман. Бу амалиёт Рихард Рихардовичнинг ҳаёти давомида ҳам мавжуд бўлган, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудининг тупроқ-икълим шароитига қараб нав ва экинлар етиширилган. Ўлкамиз тупроқ-икълим шароити бир-биридан жуда фарқ қилиши мумкин. Масалан, Тошкентда кўпроқ мевали, Деновда субтропик экинлар етиширилади. Бугунги кунда ҳар бир вилоятда, хусусан, Қорақалпогистонда, Фарғонада филиалларимиз фаолият юритиб келмоқда.

Марказдан уларнинг фаолиятини илмий дараҷада олиб боришини назорат қиласиз. Биз янги навларни етишириш, қишлоқ хўжалиги агротехникикаси билан шуғулланамиз. Олма, нок, беҳи ва бошқа кўплаб экинларнинг ўзимиз етишириган навлари мавжуд. Биз резавор экинлар – қулупнай, смородина, малина етиширишга ҳам катта эътибор қаратамиз. Шунингдек, узумчилик алоҳида ўринга эга. Бизда жуда яхши узумлар, айниқса, дунёда машхур хўраки навлар етиширилади.

Бундан ташқари, институтимизда маҳсус боғдорчилик мактаби ташкил этилган. Унда турли соҳа вакиллари учун қишлоқ хўжалиги вакилларидан тортиб, ҳаваскорларгача – дарслар ўтилади. Хорижий мамлакатлардан навларни олиб келиб, уларнинг муҳитимизда қандай тувишини, иқлиминизга мослашини ўрганамиз. Бундай ишлар бутун дунёда олиб борилади. Биз дунёнинг бошқа мутахассислари билан тажриба алмашамиз. Шу тариқа бобом бошлаган ишни давом эттироқдамиз, лекин шу билан бирга замон билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қиласиз.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси маслаҳатчиси  
**Алишер ТОШМАТОВ** сұхбатлашди.



# СЧАСТЛИВЫЙ ТЕЛЕНОК

# СЧАСТЛИВЫЙ ФЕРМЕР



VDK-AGRI.RU



Представитель VDK Agri в России и СНГ:

Елена Комарь

ekomar@vdk-agri.com

8(926)520-19-95

T +7 495 9800979

Наш адрес:

Холодильный переулок 3, стр.1, корп. 2,  
2й этаж, офис 2202, 115191 Москва, Россия



KO'RGAZMA  
MARKAZI

# Qishloq xo'jaligi ko'rgazmasi va forumi

## AGROPRO EXPO 2023

21-23  
FEVRAL



### Ko'rgazma mavzulari

Agrotexnologiya - Qishloq xo'jaligi texnikasi - Sug'orish tizimlarini jihozlash  
Urug'lar, ko'chatlar - Agrokimyoiy moddalar va Agrosanoat majmuasidagi laboratoriylar  
Issiqxonalar - Saqlash va logistika xizmatlari - Chorvachilik va parrandachilik  
Standartlashtirish va sertifikatlash

### Ko'rgazma hamkorlari



O'zbekiston Respublikasi  
Qishloq xo'jaligi vazirligi



O'ZBEKISTON  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI



samarkand.uz  
VILOYAT HOKIMLIGI



Ko'proq ma'lumot olish uchun  
SKANER QILING

Manzil: Samarqand, SOF EXPO  
ko'rgazma markazi

📞 55 705 0 705



[www.sofexpo.uz](http://www.sofexpo.uz)



[info@sofexpo.uz](mailto:info@sofexpo.uz)

# 2023

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ СОҲАСИДАГИ МАҲАЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР

### 21-23 февраль

AGROPRO EXPO 2023



Самарқанд вилояти  
Жомбой туманидаги  
“SOF EXPO” халқаро  
кўргазмалар марказида  
бўлиб ўтади.

Ушбу кўргазмада Россия, Туркия, Нидерландия,  
Германия ва бошқа давлатлардан 140 та компания  
ва 5000 та иштирокчи қатнашади.

Унда агротехника ва агротехнология, суғориш  
тизими ускуналари, ўғит ва витаминлар  
намойиш этилади.

+998 99 995-52-45

<https://sofexpo.uz/>

### 15-17 март

AgroWorld Uzbekistan 2023



Тошкент шаҳридаги  
“Ўзэкспомарказ”да  
бўлиб ўтади.

Ушбу кўргазма зироатчилик, чорвачилик,  
паррандачилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларини қайта ишлаш, ташиш ва саклаш  
учун замонавий техника ва эҳтиёт қисмлари,  
асбоб-ускуна, технология ва материаллар ишлаб  
чиқариш ҳамда сотишига ихтисослашган.

+998 71 205-18-18

+998 71 237-22-72

[https://agroworld.uz/ru/  
exhibition/o-vystavke.php](https://agroworld.uz/ru/exhibition/o-vystavke.php)

### 28–30 март

UzFood 2023



Тошкент шаҳридаги  
“Ўзэкспомарказ”да  
бўлиб ўтади.

Кўргазма озиқ-овқат саноатидаги асосий  
тадбирлардан бўлиб, унда Ўзбекистон ва жаҳон  
озиқ-овқат бозорининг етакчи ишлаб  
чиқарувчилари, етказиб берувчи ҳамда  
дистрибьюторлари маҳсулот  
ва хизмати билан қатнашади.

+998 71 205-18-18

<https://uzfoodexpo.uz/ru/index.php>

### 22–24 ноябрь

UzAgroExpo 2023



Тошкент шаҳридаги  
“Ўзэкспомарказ”да  
бўлиб ўтади.

Кўргазмада қишлоқ хўжалиги техникаси,  
иссиқхона мажмуаларини лойиҳалаш ва куриш,  
зироатчилик, боғдорчилик, чорвачилик,  
паррандачилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш ва ташиш  
билин шуғулланувчилар иштирок этади.

+998 71 205-18-18

+998 71 237-22-72

[https://agroworld.uz/ru/  
exhibition/o-vystavke.php](https://agroworld.uz/ru/exhibition/o-vystavke.php)

### 29 ноябрдан – 1 декабргача

AgroExpo Uzbekistan 2023



Тошкент шаҳридаги  
“Ўзэкспомарказ”да  
бўлиб ўтади.

Кўргазма Германия қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
билин ҳамкорликда ташкил қилинади.  
Унда қишлоқ хўжалиги, иссиқхона, суғориш,  
қайта ишлаш технологиялари  
намойиш этилади.

+998 90 045-94-43  
+998 90 099-30-33

<https://agroexpouzbekistan.com/ru/>

**“Ўзбекистонда  
мева-сабзавотчилик  
маркетинги бўйича  
техник кўмак”  
лойиҳаси**



# ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА ДОИР ХАЛҚАРО КҮРГАЗМАЛАР

# 2023

1–5 февраль

AGROEXPO 2023



Туркияning Измир  
шахрида бўлиб ўтади.

Ушбу кўргазмада 100 та давлатдан 1080  
иштирокчи, жами 390 минг киши  
катнашиши кутиляпти. Тадбир қишлоқ  
хўжалигининг барча йўналишини ҳамда  
асаларичилик, паррандачилик, чорвачилик,  
уругчилик ва бошқа соҳаларни қамраб олади.

Email: [international@orionfair.com](mailto:international@orionfair.com)

Веб-сайт: <https://en.agroexpo.com.tr/>

+90 533 134 20 67

6–10 февраль

ПРОДЭКСПО 2023



Россиянинг  
Москва шахридаги  
«Экспоцентр»да  
бўлиб ўтади.

Кўргазмада анъанавий озиқ-овқат маҳсулотларидан  
ташқари органик, спортчилар учун, ҳалол, кошер,  
экзотик маҳсулотлар ҳамда спиртли ичимликлар  
намойиш этилади.

Тадбирда 73 давлатдан 3000 иштирокчи катнашади.

Email: [international@orionfair.com](mailto:international@orionfair.com)

Веб-сайт: <https://en.agroexpo.com.tr/>

+90 533 134 20 67

8–10 февраль

FRUIT LOGISTICA 2023



Германия пойтахти  
Берлинда бўлиб ўтади.

Жаҳондаги йирик кўргазмалардан бири бўлиб,  
ҳар йили 86 давлатдан мева-сабзавот  
етиштирувчилар, сотовчилар ва истеъмолчилар  
катнашади. Логистика, техника ва технологиялар  
ҳамда органик маҳсулотлар намойиш этилади.


Email: [fruitlogistica@messe-berlin.de](mailto:fruitlogistica@messe-berlin.de)

Веб-сайт: <https://www.fruitlogistica.com/en/>

+49(0)30/3038-1415

20–24 февраль

GULFOOD 2023



20 - 24 FEB 2023  
Dubai World Trade Centre

Кўргазма Дубай  
шахридаги Халқаро  
Савдо Марказида  
бўлиб ўтади.

Кўргазмада 120 давлатдан 5000 та озиқ-овқат  
ва ичимлик ишлаб чиқарувчи ва сотовчилар  
катнашиб, маҳорат дарслари, семинарлар,  
давра сухбатлари ва бошқа кўнгилочар  
тадбирлар бўлиб ўтади. Шу билан бирга  
соҳага оид сўнгги инновациялар, техника-  
технологиялар билан танишиш  
имконияти мавжуд.

Email: [support@gulfood.com](mailto:support@gulfood.com)

Веб-сайт: <https://www.gulfood.com/>

+971 4 308 6007

“Ўзбекистонда  
мева-сабзавотчилик  
маркетинги бўйича  
техник кўмак”  
лойихаси



14–18 март

Konya Agriculture 2023



Кўргазма Туркияning  
Кўниё шахридаги  
Халқаро кўргазма  
марказида бўлиб ўтади.

Кўргазмада қишлоқ хўжалиги механизацияси  
ва далаларга ишлов бериш технологиялари  
тақдим этилади. Қишлоқ хўжалигига  
фойдаланиладиган роботлар, дронлар, сунъий  
интеллект каби энг янги технологияларни  
куриш мумкин.

Email: [alpkoparan@tuyap.com.tr](mailto:alpkoparan@tuyap.com.tr)

Веб-сайт: <http://www.konyaagriculture.com/>

+90332 346 29 30



# Журналинизнинг келгуси 24-сони Корея Республикасининг агар соҳасига бағишланади



Telegram kanal uchun:



JURNAL UCHUN



@SHIRINMEVA